

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ

Ғ. А. АЛИМОВ

**ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ  
КОРРУПЦИОН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИНИ  
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАР ТИЗИМИ**

**Тошкент-2019**

Алимов . Ф. А. Юридик шахсларнинг коррупцион хукуқбузарликлар учун жавобгарлигини тартиба солувчи халқаро стандартлар тизими //монография.-Т. :ЮМОМ, 2019.

Юристлар малакасини ошириш маркази Илмий кенгашининг 30.03.2019 й. йигилишида тасдиқланган (б-сон баённома).

### **Тақризчилар:**

ю.ф.д, профессор Ш. Файзиев.

и.ф.д., профессор Б. Истроилов.

ю.ф.д. Б. Тошев.

Ушбу монография Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш вазирлигини ПЗ-20170928486-сонли “Юридик шахсларнинг коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этганилиги учун жавобгарлигининг хукуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги гранти доирасида тайёрланди.

Ўқув қўлланмасида англо-саксон ва роман-герман (континентал) хукуқ тизимига кирувчи мамлакатлар қонунчилигига юридик шахсларнинг коррупцион қиммишлар, хукуқбузарликлар учун жавобгарлигини назарда тутувчи қонун хужжатларнинг мазмун моҳияти ва аҳамияти атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек, ушбу хукуқ тизими оиласига кирувчи давлатларда юридик шахсларнинг коррупцион хукуқбузарликлар учун жавобгарлиги масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари, хориж давлатларининг қонунчилигига юридик шахсларнинг жавобгарлиги институтининг хусусиятларини ўрганиш масалалари ёритилган.

Ушбу қўлланманинг мақсади – коррупцион қиммишлар, хукуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тенденциялари америка, европа ҳамда осиё қитъасида жойлашган мамлакатлар мисолида ўрганилиб, юридик шахслар жавобгарлиги институтини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация (сингдириш) масалаларида бошқа давлатлар илгор тажрибаси намуна сифатида келтирилиб ўтилган.

## **КИРИШ**

Коррупцияга қарши курашда жавобгарлик масаласи ушбу иллатга қарши курашнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Қандай вазият юзага келишига қарамасдан коррупциянинг олдини олиш масаласи ҳалқаро ва миллий даражадаги давлатлар сиёсатининг шаклланишида ҳамда жиноий-мажбурлов чораларини қўллаш орқали унинг салбий оқибатларини олдини олишда ва чеклашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Коррупцион жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, жиноий таъқиб этиш ҳамда суднинг бу бўйича тегишли қарорини қабул қилиш, жиноят ҳукуқининг зарур воситаларидан бири бўлиши билан бирга мансабдор шахсларнинг коррупцион қилмишларни содир этишдан тийиб турадиган муҳим қурол сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳар қандай коррупциядек иллат билан курашни қатъий мақсад қилган давлат учун, коррупцион қилмишлар, яъни мансабдор шахсларнинг хизмат ваколатини сувиштимон қилганлик учун жиноий-хукуқий санкцияни қўллашнинг муқаррарлиги шу мамлакатнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев 2018 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституяси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида: “Коррупцияга қарши курашда ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳалқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт” деб таъкидлаб ўтдилар.

Коррупцияга қарши курашнинг жиноий-хукуқий таъсир чоралари, хорижий ва миллий даражада етарли ўрганилган бўлсада, аммо мазқур курашнинг айрим жиҳатлари хамон сиёсий қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган раҳбарлар, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, судлар, академик доира вакиллари ва бошқа манбаатдор шахслар учун мунозарали бўлиб қолмоқда.

Хозирги пайтда дунёning кўплаб давлатларида коррупцияга қарши кураш борасида турли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда, бу ислоҳотларнинг айримлари коррупциянинг янада

криминаллашувига ва гуллаб яшнашига шарт-шароит яратмоқда, чунки бу давлатларда мавжуд бўлган консерватив қарашлар, одатлар ва қонунчиликдаги ҳуқуқий нуқсонлар, ислоҳотларни амалга оширишга тўсиқ бўлиб қолиш билан бир вақтда шу қонунларни самарали қўллаш механизмига жиддий тъсир ўтказмоқда. Кўпгина ҳолатларда қонунчиликка коррупцияга қарши кураш юзасидан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар турли сабаблар билан амалга ошмай қолмоқда, бунга эса сабаб сиёсий ироданинг етишмаслиги, қонунларни қўллаш амалиёти юзасидан раҳбарий кўрсатмаларни, шархларни, куч воситаларни ва билимни етарли эмаслиги сабаб бўлмоқда. Бу вақтда эса коррупцион қилмиш содир этиш усул ва воситалари янада мураккаблашиб бориб, коррупцияни аниқлаш, олдини олиш жараёнларини қийинлаштироқда. Мазкур ҳолат эса, тергов, прокуратура ва суд ходимлари томонидан жавобгарлиска тортиш, қилмишни тўғри квалификация қилиш масалаларида, жиноят қонунчилигини қўллашда тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари иқтисодиёти ҳам миллий, ҳам ҳалқаро даражада юридик шахслар орқали фаолият юритади. Юридик шахслар сифатида аксарият ҳолларда хусусий тадбиркорлар эмас, давлат харидлари соҳасида ўзаро рақобатда бўлган, ишлаш фаолияти учун зарур бўлган руҳсатномалар олиш учун назорат килувчи давлат органлари билан кураш олиб борувчи турли тижорат компаниялари фаолият юритади. Транспорт, курилиш, телекоммуникациялар, фойдали қазилмалар, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа турли соҳалар йирик корпаорация, компаниялар томонидан назорат қилинади ва улар ўз фаолиятларини глобал миёсда олиб борадилар. Шу боис, реал вазиятда юқори даражадаги коррупция юридик шахсларнинг манбаатларига хизмат килади. Бундай ҳолатда, жиноий таъқиби фақат жисмоний шахслар учун белгиланиши назаримизда нотўғри бўлади, чунки жазонинг фақат жисмоний шахслар учун белгиланиши, гарчи улар олий даражадаги мансабдор шахс бўлса ҳам корпорация ва компанияларнинг жиноий хоҳишлари ва коррупцияни камайтириш учун етарли тийиб турувчи омил ҳисобланмайди.

Ундан ташқари, бундай катта корпорация ва компанияларда бошқарув тизимиning мураккаблиги, қарорларни коллегиал тартибда қабул қилиниши юридик шахсларни таъқиб қилиш, жиноятларни фош қилиш имкониятларини қийинлаштириб қўяди. Жиноят иштирокчилари ва бажарувчилари жиноий қарорлар коллегиал

тарибда қабул қилингандыктын эътироф қилиб, шу йўл билан жавобгарликдан қутилиб қолишади.

Шу муносабат билан юридик шахсларнинг коррупцион қилмислари учун жавобгарликни белгилаш анчадан буён қабул қилингандар стандарт ва юридик амалиёт ҳисобланиб, кўпгина коррупцияга қарши кураш соҳасида қабул қилингандар халқаро хужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари талабларига мос келади.

## I - БҮЛІМ

### Коррупцияга қарши курашнинг тарихий-назарий жиҳатлари

#### 1.1. Юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги тарихи

Юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги институти узок тарихга эга. Феодал Европада жиной жавобгарликка тортиладиган субъекттар доираси чекланмаган эди, хатто ҳайвонлар ва жонсиз предметларни ҳам жавобгарликка тортиш мүмкін бўлган. Шу сабабли, бирор бир ташкилотни жавобгарликка тортиш учун у даврда ҳеч қандай формал тўсик мавжуд бўлмаган. Хусусан, XVI-XVIII асрларда Францияда корпорация ва жамоалар содир қилган қилмиши учун жиной жавобгарлик назарда тутилган эди<sup>1</sup>.

Янги даврга келиб роман-герман ҳуқуқ тизими оиласига киравчи мамлакатлар амалиётида Буюк француз инқилоби томонидан эълон қилинган шахсий жавобгарлик принципи жорий этилди (гарчанд Франциянинг ўзида бу вақтда юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги институтиrudiment (бошланғич) шаклда сақланиб қолган бўлса ҳам).

Умумий ҳуқуқ тизими оиласига киравчи мамлакатлар амалиётида корпорацияларни жиной жавобгарликка тортиш институтига бўлган салбий муносабат капитализм даврига келиб қарама-қарши томонга ўзгара бошлади.

Буюк Британияда корпорацияларни жиной жавобгарликка тортиш ғояси XIX-асрнинг ўрталарида келиб, судьялар мамлакатдаги корпорацияларни статут мажбуриятларини бузганликлари учун уларни айбдор деб топиб қарор чиқара бошлагандан кейингина тан олина бошланди.

Америка Кўшма Штатларида юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги 1909 йилда конституциявий тартибда Америка Олий суди томонидан эътироф этилган<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, яқин-яқинларгача коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги институти асосан англо-америка жиноят ҳуқуқига хос бўлган институт сифатида тан олиниб келинган. Бирок, кейинги йилларда дунёning кўплаб мамлакатлари ўз жиноят

---

<sup>1</sup> Қаранг: Антонова Е.Ю. Уголовная ответственность юридических лиц: монография / под ред. проф. А.И. Коробеева. Владивосток, 2010. С. 164.

<sup>2</sup> Қаранг: Епифанов Е.В. Юридическое лицо как субъект преступления // Современное право. 2003. № 2. С. 45.

қонунчилигига юридик шахсларнинг жавобгарлиги институтини киритиш амалиёти йўлидан боришлоқда.

Бу борада айрим Австрия, Албания, Испания, Латвия, Мексика, Перу каби мамлакатлар корпорацияларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласида “оралиқ” йўлни танлашди. Бу йўл шуни англатадики, унда юридик шахс формал жиноят субъекти хисобланмайди, аммо шунга қарамай унга нисбатан турли жиноий санкциялар қўлланилади. Бу санкциялар ўз мазмунига қўра жиноий процессуал хусусиятга эга бўлади<sup>1</sup>.

Бу ерда кўпроқ юридик шахсга нисбатан маҳсус мусодара санкциясини қўллаш тўғрисида гап кетаяпди. Шунинг учун ҳам бундай ҳолатда кўпроқ жиноий-хуқуқий институт сифатида эмас, балки юридик шахсга нисбатан жиноий-процессуал (Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида мавжуд бўлмаган) санкция тўғрисида сўз юритилмоқда. Айрим ҳолатларда юридик шахснинг бундай жавобгарлиги тури “квазижиноий жавобгарлик” деб аталади ва бу ҳақда ҳам кейинги саҳифаларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги у ёки бу шаклда турли мамлакатлар қонунчилигида мавжуд бўлсада (масалан Хитой, Дания, Латвия ва ҳ.к.), Ўзбекистон хуқуқшуносларига кўпроқ Европа мамлакатларининг бу борадаги яхши сақланган ва стабил қонунчилиги қизиқиш уйғотади<sup>2</sup>. Маълумки, Европа мамлакатларида иккита хукуқ тизими мавжуд бўлиб: биринчиси, Буюк Британияда шаклланган англо-саксон хукуқ тизимидир, бу тизим британия колонистлари томонидан бутун дунёга тарқалган. Иккинчиси, роман-герман (континентал) хукуқ тизими, асосан континентал Европа мамлакатларини қамраб олади. Ҳозирги Ўзбекистон қонунчилигида кўпроқ роман-герман хукуқ тизими элементлари мавжуд. Шу муносабат билан бизга умумий, мусулмон ва собиқ социалистик хукуқ тизими унча эътиборли эмас.

Корпорацияларнинг айби мавжудлиги масаласи инглиз юристлари томонидан кенг муҳокама қилинган. Масалан, 1886 йилда Лорд Брамбэлл шахсга нисбатан хаёлий айб эълон қилиш мумкинлигига

---

<sup>1</sup> Қаранг: Антонова Е.Ю. Юридическое лицо как субъект преступления: опыт зарубежных стран и перспективы применения в России. -М, 2003. С. 3.

<sup>2</sup> Қаранг: Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. - М., 2002. - С. 134.

шубха билдириди. Ундан кейин инглиз судлари томонидан бўлиб ўтган бир қатор суд жараёнларида корпорацияларга айб эълон қилиш ёки уларни айблаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида шаклланди ҳамда корпорацияларнинг жиноий жавобгарлиги масаласида, уларга айб эълон қилмасдан жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди. Шунга қарамасдан, 1944 йилга келиб корпорацияларнинг айби мавжуд эмаслигидан қатъй назар жиноятни бажарувчиси ёки иштирокчиси сифатида жавобгарликка тортиши амалиёти шаклланди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, инглиз жиноят ҳуқуқида биринчилар қаторида корпорацияларни айбсиз жавобгарликка тортиш принципи тадбиқ этилди, аниқроғи корпорацияни жавобгарликка тортиш учун унинг айбини исботлаш шарт эмас, балки қонун бузилиши ҳолатининг ўзи етарли деб эътироф этилди.

Корпоратив жиноий жавобгарлик масаласи ўтган асрда халқаро миқёсда кўпроқ қўллаб-қувватлана бошланди. Хусусан, 1929 йилда жиноят ҳуқуқининг долзарб масалалари юзасидан Бухарест шаҳрида ўтказилган халқаро конгрессда унинг қўлланишини маъкуллаб тегишли тавсиялар қабул қилинди. 1946 йилда халқаро трибунал Ниорнберг суд жараённида давлатлар ва унинг ташкилотлари халқаро жиноятчилик субъекти бўлиши лозим деб тан олди. 1978 йилда жиноятчилик масалаларида Европа Кенгаши, Европа Итифоқига кирувчи мамлакатлар қонун чиқарувчи органларига экология соҳасидаги жиноятлар субъекти сифатида юридик шахсларни ҳам киришишни тавсия этди. Худди шундай тавсиялар БМТ томонидан мунтазам берид қелинаётган жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқукбузарликларга қарши курашга оид мурожаатлар масалаларида қабул қилинган қарорлар матнида ҳам мавжуд. Ва ниҳоят, ушбу масаладаги яна бир муҳим манба Европа Итифоқи Вазирлар Кенгашининг (88)18-сонли Тавсияси хисобланади. Унда Европа Кенгашига кирувчи барча мамлакатлардаги хўжалик фаолиятини юритувчи юридик шахслари, ўз хўжалик фаолиятларида содир этган ҳуқукбузарликлар ёки жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши лозимлиги белгилаб қўйилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Уголовное право зарубежных государств. Общая часть / Под ред. И.Д. Козочкина. - М., 2003.-С. 46.

<sup>2</sup> Қаранг: Ситковский И.В. Проблемы ответственности юридических лиц в уголовном законодательстве // Уголовное право. 2002. №4. С. 44.

Америка Қўшма Штатлари жиноят ҳуқуқи тизими дастлаб оёққа туриш даврида Буюк Британия умумий ҳуқуқи тизими асосида шаклланган. Замонавий АҚШ жиноят ҳуқуқида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласи федерал жиноят қонунчилигига ҳам, шунингдек, штатлар жиноят қонунчилигига ҳам етарлича талқин этилган.

Алоҳида штатлар учун наъмуна тарзида кўп йиллар давомида самарали фаолият юритган Америка ҳуқуқ институти томонидан ишлаб чиқилган АҚШ наъмунали Жиноят кодексида юридик шахслар учун жавобгарлик масалаларида бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, АҚШ наъмунали Жиноят кодексининг юридик шахслар жавобгарлиги назарда тутилган тегишли бўлимининг 2.07-моддасида корпорация бўлмаган субъектлар ва шахсларнинг корпорация манфаатлари йўлидаги харакатлари ёки корпорацияларнинг жиноий жавобгарлиги қўйидаги ҳолатларда юзага келиши аниқ белгилаб қўйилган:

- тажовуз ҳуқуқ бузилиши деб ҳисбланган ёки жавобгарлик кодексда белгиланмасдан, бошқа статутда белгиланиб, унда қонун чиқарувчи томонидан тўғридан-тўғри корпорацияга жавобгарликни юклатиш мақсади мавжуд бўлган ва корпорация манфаатлари учун ўз хизмат вазифаси ёки ваколати доирасида харакат қилган агентнинг ҳулқ-автори учун жавобгарлик корпорацияга юклатилиши, шунингдек, бошқа ҳолатда қонун тўғридан-тўғри агентнинг ҳулқ-автори учун корпорация жавобгарлиги белгиланган ҳолатларда;

- тажовуз корпорацияга юклатилган қонунда кўрсатилган ижобий харакатларни содир этиш мажбурияtlарни бажармаслигига ифодаланган бўлса;

- тажовузга рухсат берилган, талаб этилган, буорилган, бажарилган ёки директорлар кенгаши ёхуд юқори рангдаги бошқарувчи-агент томонидан корпорация манфаатлари йўлида ўз хизмат вазифаси ёки хизмат ваколати натижасида содир этилишига йўл қўйилган бўлса.

АҚШнинг Огайо, Пенсильвания, Джорджия ва бошқа бир қатор штатларида ҳам корпорацияларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи шу тартибда ҳал этилади. Корпорацияларга қўлланиладиган жазо тури федерал даражада ҳам, штатлар даражасида ҳам асосан жарима жазоси ҳисбланади.

АҚШ қонунчилигига кўра корпорациялар ўз ходимларининг ҳатти-харакатлари учун жавобгардирлар, агарда улар ўз ваколатлари доирасида, меҳнат қонунчилиги талаблари асосида харакат қилишган

ва корпорацияга фойда келтиришни ният қилган бўлса, гарчанд бу мотив бошқа мотивлар билан бир вақтда мавжуд бўлиши ва корпорация томонидан бундай фойдани олиши зарур бўлмасада амал қиласди.

Австрия Жиноят кодекси тўғридан-тўғри юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини назарда тутмайди, факат қўпроқ жисмоний шахслар тўғрисида сўз юритилади. Шунга қарамасдан, қайсиадир юридик шахс жисмоний шахс томонидан содир этилган жиноят натижасида ноқонуний бойиган бўлса ёки мулкка эга бўлган бўлса унда, “юридик шахс ноқонуний бойиган сумма миқдорида жаримага тортилиши” назарда тутилган<sup>1</sup>.

Худди шундай хукукий конструкциядан Албания, Испания, Латвия, Мексика, Перу каби мамлакатлар ҳам фойдаланишган.

Бельгия қонунчилигига эса шундай норма мавжудки унга кўра компания ходими жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлса, агарда у компания манфаатлари йўлида хизмат қилган бўлса, компанияга ҳам санкция қўлланилади.

Бундай ҳолатда юридик шахс учун биз тушунадиган классик маънодаги жиноий жавобгарлик белгиланмаган, факат компанияни жазолаш, айбдор ҳисобланган жисмоний шахсни жазосига қўшимча жазо сифатида тайинланади<sup>2</sup>.

2010 йилнинг феврал ойида Люксембург қонунчилигига юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи қонун қабул қилинди. Янги қонун Люксембург Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш киритиш тарзида қабул қилинди. Мазкур янги қонун Люксембург жиноят қонунчилигига глобал ўзгартиришлар киритди, чунки бу қонун қабул қилингунча бўлган даврда Люксембург қонунчилиги юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутмас эди. Жиноий жавобгарлик эса фақат компания раҳбарларига нисбатан қўлланилар эди.

Янги қонун 2010 йил 15 март куни кучга кирди. Шу вақтдан бошлаб Люксембург қонунчилигига ҳам юридик шахслар унинг бошқарув органлари ёки вакиллари номидан ҳаракат қилиб ҳукуқбузарлик ёки жиноят содир қилишганлиги учун ҳам жавобгарликка тортиладиган бўлди. Жиноий жавобгарликка тортиш

---

<sup>1</sup> Қаранг: Уголовный кодекс Австрии // Режим доступа: <http://law.edu.ru/>

<sup>2</sup> Қаранг: Уголовный кодекс Австрии // Режим доступа: <http://law.edu.ru/>

учун энди юридик шахс тадбиркорлик субъектими ёки бошқа ташкилотми аҳамиятга эга эмас. Шундай қилиб, энди жиноий жавобгарликка ҳар қандай юридик шахс тортилиши мумкин. Бироқ давлат органлари ва муниципал идоралар жиноий жавобгарликка тортилмайди. Шунингдек, жиноий жавобгарликка хуқуқий лаёқатга эга бўлмаган тузилмалар, қайсиdir тижорат ассоциациялари ва гурухлари ҳам тортилмайди, агарда улар юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтишмаган бўлишса.

Бельгия қонунчилигига яна шундай юридик шахсларнинг жавобгарлиги институти мавжудки, унга кўра компания ходими корпорациядаги фаолияти доирасида бирорта жиноий қилмиши учун жавобгарликка тортиладиган бўлса, унда корпорация ҳам санкцияга (кўпроқ жарима) тортилади.

Италия жиноят қонунчилигига кўра, юридик шахс вакили ёки бошқа шахсга нисбатан жиноий таъкиб амалга оширилса, унда жиноий жазо сифатида жарима жазосига ташкилот ҳам тортилади. Масалан, Италия ЖКнинг 197-моддасида шундай ҳолат келтириб ўтилганки, унга кўра юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилот, муассаса агарда унинг ходими, вакили, маъмури ёки унга қарам бўлган бошқа шахс бирорта қилмиш содир этса ва бу қилмиш унга юклатилган хизмат мажбуриятларни бузишда ифодаланса ҳамда бу жисмоний шахс тўлов қобилиятига эга бўлмаса, унда тайинланган жарима жазосини юридик шахс тўлаб бериши лозим.

Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодекси ҳам юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини назарда тутади. ЖКнинг 30-моддасига кўра жиноий жавобгарлик субъектлари сифатида “компания, ташкилот, корхона, муассаса, жамоалар, агарда улар жамият учун хавфли бўлган фаолият билан шугулланадиган бўлса жавобгарликка тортиладилар” дейилган. Юқорида санаб ўтилган субъектлар Хитой ЖҚда назарда тутилган ташкилотлар ва муассасалар учун белгиланган қоидаларни бузган ҳолатларда жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Шу муносабат билан, ЖКнинг Махсус қисми бир қатор моддаларида (масалан, валюта қимматликлари билан муюамала қилиш қоидаларини бузиш (189-191-м.м.), валюта операцияларини ўтказишида фирибгарлик қилиш (200-м.) ва х.к.). Юридик шахсларни жавобгарликка тортиш баробарида ўз навбатида умумий асосларда шу юридик шахсларнинг раҳбарлари ҳисобланган жисмоний шахслар ҳам жиноят субъектлари сифатида жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Испания қонунчилигига бевосита юридик шахслар жавобгарлиги назарда тутилмаган бўлса ҳам, аммо Жиноят кодекси уларга нисбатан хавфсизлик чораларини кўришни тавсия этади. Шу нуқтаи назардан Испания ЖКнинг 194-моддаси эътиборга лойик, чунки унда оммавий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган ёки мўлжалланмаган ташкилот ёки алоҳида биноларни доимий ёки вақтинча ёпиб қўйиши мумкин, агарда мазкур бинолардан жиноят содир этиш ёки фохишалик мақсадида фойдаланилган бўлса дейилган. Қонунда тўғридан-тўғри белгиланганки, бу чоралар турли қилмишларни содир этишнинг олдини олиш мақсадида тайинланади.

Польша Жиноят кодексида шундай норма мавжудки, унинг талабига кўра юридик шахсларга нисбатан агарда улар жисмоний шахс содир этган бирор бир қилмишга алоқадор бўлса айрим мажбуров чоралари ҳам кўрилиши мумкин. Хусусан, ушбу кодекснинг 52-моддасида қўйидагича қайд этилган: “юридик шахс ёки юридик шахс макомига эга бўлган ташкилот, агарда айбдор жисмоний шахс унинг номидан ва манфаатлари учун ҳаракат қилиб жиноят содир қисса, унда суд фойда олган юридик шахс, шу фойдани тўлиқ ёки қисман давлат фойдасига ундиради”.

Швейцария жиноят қонунчилиги факат жисмоний шахсни жиноят субъекти сифатида эътироф этади. Аммо, айрим молиявий ва хўжалик соҳасида қабул қилинган алоҳида қонунларда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, яна бир бор эътироф этиш жоизки, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи АҚШ, Франция, Англия, Италия, Канада, Шотландия, Хитой, Ирландия, Люксембург, Дания, Нидерландия, Португалия, Финландия, Польша ва бошқа мамлакатлар қонунчилигига назарда тутилган. Германия ва Нидерландия қонунларида эса бу ҳолат жуда “эҳтиёткорлик” билан келтириб ўтилган.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлик масаласини айрим Шарқий Европа мамлакатлари ва Япония қабул қилмаган. Баъзи бир МДҲ мамлакатларида эса, бу масала энди лойиҳалар шаклида муҳокама этилмоқда. Бу ерда уларга назаримизда халқаро ташкилотларнинг ёки бошқа МДҲ мамлакатларининг таъсири сезилади, зеро МДҲ мамлакатлари раҳбарлари ўз хоҳишлари билан юридик шахсларнинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Зарубежное законодательство на русском языке // Режим доступа:<http://www.worldbiz.ru/analytics>

жавобгарлиги масаласини қонунчилигига кириши истагини билдиришмаган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига келадиган бўлсак, ушбу масала бизда ҳам мамлакатимиз Халқаро Иқтисодий Ривожланиш Ташкилотининг айрим қонун хужжатларини ратификация қилгандан кейин долзарб бўлиб турибди.

Хорижий мамлакатлар юридик шахсларининг жиноий жавобгарлиги институтини ўрганиб таҳлил қилиш албатта Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий амалиёти учун ғоятда муҳим ва фойдали. Зеро, ривожланган хорижий давлатлар юридик шахслар жавобгарлигини кўллаш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, коррупцион қилмишлар учун юридик шахслар жавобгарлиги нафақат керак, ҳатто Ўзбекистон каби иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган мамлакатлар учун зарур ҳамдир, чунки бундай иқтисодиётда жуда катта миқдордаги маблағлар нодавлат секторларда йигилади.

Ўрни келганда яна бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигига коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларининг жиноий жавобгарлиги тарихига назар ташлаймиз, чунки бошқа давлатлар юридик шахсларининг жиноий жавобгарлиги тарихини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикасидек ривожланиб келаётган мамлакат учун ўз қонунчилигига бошқа давлатлар юридик шахслар жиноий жавобгарлигини чуқур ўрганиш, хорижий мамлакатлар амалиётидаги энг илгор тажрибани ўрганиб, миллий қонунчилик нормаларига имплементация қилиш имконини беради. Масалан, юқорида қисман келтириб ўтганимиздек, Австрия Жиноят кодексида юридик шахсларининг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги норма мавжуд эмас, унда факат жисмоний шахслар жавобгарлиги назарда тутилган.

Шунга қарамасдан мазкур кодексда белгиланганки, “агарда қайсиdir юридик шахс жисмоний шахс содир этган жинояти оқибати натижасида фойда кўриб бойиган бўлса ёки жиноят содир этилиши натижасида қандайдир мулкга эга бўлса, унда бундай юридик шахс асоссиз фойда кўрган миқдордаги “пул шаклидаги жарима” миқдорини тўлашга мажбур”-дейилган<sup>1</sup>.

Франция Жиноят кодекси бир қатор юридик шахсларининг жиноялари учун жавобгарликни назарда тутади. Улар қаторига қўйидагилар киради: инсониятга қарши жиноялар; инсон ҳаёти ва

---

<sup>1</sup> Карапт: Антонова Е.Ю. Юридическое лицо как субъект преступления: опыт зарубежных стран и перспективы применения в России. -М, 2003. С. 4.

дахлсизлигига қарши қаратылган әхтиётсизлик жиноятлари; гиёхвандлик воситаларини тайёрлаш, экспорт ва импорт қилиш, ташиш, сақлаш, ўтказиш; бошқа шахслар учун хавфли бўлган вазиятни келтириб чиқариш, одамлар устидан экспериментлар ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларни камсишиш; қўшмачилик; инсон шаъни, қадр-қимматига тўғри келмайдиган яшаш ва меҳнат қилиш шароитларини яратиш; шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, ёлғон хабар бериш, ЭҲМ корто текаси ва маълумотлар базасидан фойдаланиш вақтида инсон хуқукларига тажовуз қилиш; қариндош уруғчилик муносабатларига тажовуз қилиш; турли кўринишдаги ўғирлик жиноятлари; товламачилик ва шантаж билан қўрқитиш; фирибгарликка олиб келадиган алдаш ва қилмиш; хатланган мулк ёки гаровга нисбатан суиистемол қилиш; қалбаки тўлов қобилиятсизлигини ташкил этиш; жиноий йўл билан топилган мулкни сотиб олиш; мулкни нобуд қилиш орқали унга зарар етказиш; автоматик маълумотлар базасига кириш орқали тажовуз қилиш; миллатни асосий манбаатларига тажовуз қилиш (хоинлик қилиш, шпионаж, фитна ва ҳ.к.); терроризм; тарқатиб юборилган жанговар гурухларда қатнашиш; пора бериш ва таъсир кўрсатишни сотиш; жамоат ишларининг бажарилишига тўсқинлик қилиш; функцияларни ноқонуний ўзлаштириш; унвонларни ноқонуний ўзлаштириш ва рекламада ўз мансабидан фойдаланиш; жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда одил судловга суиқасд қилиш; хужжатларни, пуллар, қимматли қофозлар, почта маркаларини қалбакилаштириш; давлат ҳокимияти органлари белгиларини сохталаштириш<sup>1</sup>.

Испания Жиноят кодекси содир этилган жиноят учун жарима тўлашда юридик ва жисмоний шахсларнинг солидар жавобгарлигини назарда тутган. Хусусан, юридик шахс номидан ҳаракат қилган раҳбарга ёки юридик шахснинг бошқа ваколатли вакилига, агарда улар юридик шахс номидан ва унинг фойдаси учун жиноят содир этган бўлса, юқорида келтирилган жавобгарлик келиб чиқади.

Бир қатор бошқа мамлакатлар амалиётида қонун чиқарувчи жиноий-хуқуқий нормаларни қўриқлаш юридик шахсларга нисбатан

---

<sup>1</sup> Қаранг: Уголовный кодекс Франции / пер. с франц. и предисл. Н.Е. Крыловой; науч. ред. Л.В. Головко, Н.Е. Крылова. СПб. 2002. Ст. 121-2.

маъмурий характердаги санкцияларни қўллаш орқали ҳам амалга оширилса бўлади деб ҳисоблашади. Хусусан, шундай юридик шахсларни маъмурий жавобгарлиги Германия, Италия, Португалия ва Россия қонунчилигига мавжуд.

Бу мамлакатлар қонунчилигига маъмурий жарима санкциялари хажми кўпгина ҳолатларда жисмоний шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноий жарима санкциялари миқдоридан ҳам анча баланд.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлиги институтини чуқур ўрганиш учун унинг тузилишидаги мунозарали жиҳатларини ўрганиб таҳлил қилиб чиқиш жоиз бўлади.

Шундай оғрикли жиҳатларидан бири ташкилотлар, компания ва корпорацияларнинг ҳаракатларидағи жиноят таркибининг асосий белгиларини, яъни жиноят обьектини, бу ташкилотларнинг хатти-ҳаракатлари қандай ижтимоий муносабатларга зарар етказишига қаратилганлигини, жиноятнинг объектив томонини, қилмиш ҳаракат биланми ёки ҳаракатсизлик билан содир этилганми, жиноят содир этилиши натижасида келиб чиқсан зарарни миқдорини, субъектив томонини айбни, яъни жиноят содир этишга бўлган қасд шаклини, жиноятни мотив ва мақсадини ва ниҳоят жиноят субъективнинг белгиларини таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Зоро юридик шахслар содир қилган ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркибининг элементлари жисмоний шахснинг жиноят содир этишдаги жиноят таркибининг элементларидан кескин фарқ қиласди. Шу сабабли, ушбу рисоланинг кейинги бобларида бу фарқлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги, шу ушбу шахсларнинг жиноий жавобгарлигига нисбатан олдинроқ вужудга келган бўлиб бу жавобгарлик икки кўринишда ўз ифодасини топган: биринчиси, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги дастлаб фақат маъмурий хукукбузарлик соҳасида жавобгарликни назарда тутган бўлса, иккинчиси кейинчалик юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига қўшимча чора сифатида қўлланила бошлаган (масалан, юридик шахсни давлат харидларида қатнашиш хукуқидан маҳхум этиш).

Табақаларнинг ёки ҳудудларнинг жиноий жавобгарлиги институти тарихи узок ўтишга бориб тақалади. Бундай жавобгарлик Рим ва Византия империяларида, қадимги Хитой ва Хиндистонда, ўрта асрдаги ислом ва насроний давлатларида ва янги даврдаги давлатлар қонунчилигига ҳам хос бўлган. Ушбу қонунларда табақалар, синflар,

шу жумладан юридик шахслар жисмоний шахслар қатори жиной қилмишлар содир этиши мумкин деб ҳисобланганлар.

Лекин, XVII асрнинг охириларида Буюк француз инқилоби таъсири остида вазият кескин ўзгара бошлаган. Европанинг континентал ҳуқуқ тизимига киругчи қўплаб давлатлари жиноят қонунчилигида аста-секинлик билан шахсларнинг ҳар бир қилмиши учун алоҳида жавобгарлик принципи қўлланила бошлаган. Бошқача сўз билан ифодалангандага умумий ҳуқуқ тизимида жамоавий жиной жавобгарлик институтини қўллаш ривожлана бошлаган. АҚШ ва Буюк Британия қонунчилигида иқтисодиётнинг кескин ривожланиши жамоавий жавобгарлик институтини киритишни тақоза этган. Хусусан, Буюк Британияда корпорацияларнинг жиной жавобгарлиги XIX асрнинг ўрталарида ўз ечимини тўлиқ топган эди.

Юридик шахларнинг жиной жавобгарлиги масаласи гарчанд, фуқаровий ҳуқуқий минособатлар маҳсули ҳисоблансада ва бу ҳолат кўпроқ фуқаровий ҳуқуқий минособатлар таъсирига тушиши билан бирга у юридик шахсларнинг жиной жавобгарлигини истисно этмайди. Худди шунингдек, корпорацияларнинг раҳбарларини ва бошқа мансабдор шахсларининг жиной жавобгарликка тортилиши, шу корпорацияни ўзига нисбатан жиноий-ҳуқуқий санкцияларнинг қўлланилишини ҳам истисно этмайди. Уларга нисбатан ҳам жарима, мажбурий тугатиш, фаолият билан шуғулланиш ҳукукини берувчи рухсатномаларни чақириб олиш каби санкциялар қўлланилиб келинган.

Масалан, 1909 йилда АҚШ Федерал Олий суди юридик шахсларнинг коррупцион жиноялари учун жиноий жавобгарлик институтининг АҚШ конституцияси талабларига мувофиқ келишини тан олди<sup>1</sup>.

Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги масаласи XIX асрнинг бошларида немис ҳукуқида ҳам пайдо бўлиб, унинг мазмунни юридик шахсларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарлигини назарий жиҳатдан ажратишни назарда тутарди. Бу ёндашувнинг мазмуни шундан иборат бўлганки, жамиятнинг фундаментал қадрияларига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар жиноят сифатида этилиб,

---

<sup>1</sup> Қаранг:АҚШ Федерал Олий судининг 1909 йилдаги New York Cent & H.R.R.V. United States 212 U.S/ 481, 298.cit. 304,53 L.Td. 613 иши.

маъмурий жавобгарлик эса факат қонун қоидаларни маънавий бузишга қарши қаратилган ҳаракатларни назарда тутган.

Айбилик принципи факат жиноий жавобгарликка нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган. Жиноий ва маъмурий жавобгарлик бир биридан нафақат мазмуни билан балки амалга ошириш механизми билан ҳам фарқ қилган.

Бу вазиятда хукумат жиноятларни аниқлаш ва исботлашда маъмурий жавобгарликка тортишга нисбатан анчайин кўпроқ ваколатга эга бўлган. Щу боис, бу доктрина кейинчалик бошқа европа давлатлари томонидан маъқулланган.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги умумий ҳукуқ томонидан қашф этилган институт ҳисобланади. XIX асрда иккита концепция ривожланиши кўзга ташланади. – Биринчиси, АҚШда вужудга келган субсидиар жавобгарлик ва иккинчиси, идентификация назарияси бўлиб Буюк Британияда ривожлана бошлаган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлиги дастлаб факат статут ҳукукида қўлланилган, кейинчалик эса бошқа жиноятларга ҳам татбиқ қилина бошлаган<sup>1</sup>. Нидерландия континентал ҳукуқ тизими қўлланиладиган давлатлар орасидан биринчи 1950 йилда юридик шахсларнинг жавобгарлигини қонунга татбиқ этган давлат сифатида эътироф этилади<sup>2</sup>.

Умуман олганда, узоқ вақт давомида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги давлатлар жиноят қонунчилигига хос институт бўлиб, иқтисодий соҳаларда содир этиладиган қилмишлар учун жиноий жавобгарликни белгилаган, масалан, кўп қаватли уй-жойлар қурилишида, кўприклар қуришда ёки ҳаво кемасида юк ташиш технологик нормаларнинг бузилиши учун жавобгарликни белгилаган.

Аммо, вазият охирги 30-40 йилда кескин ўзгарган, бугунги кунга келиб аксарият европа давлатлари шунингдек, (дунёнинг бошқа кўплаб давлатлари ҳам) юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда

---

<sup>1</sup> Қаранг: Умумий ҳукуқ аниқ таркибли жиноятлар билан айб аниқлаш талаб қилинмайдиган, яъни жиноятни субъектив томонини аниқлаш талаб этилмайдиган жиноятларни ажратади. Чунки, уларнинг барчаси статут ҳукуки томонидан киритилган бўлиб, унда факат содир этиш ҳолати инобатта олинади, айбни исботлаш эса талаб этилмаган.

<sup>2</sup> Қаранг: Нидерландияда корпорацияларнинг жавобгарлиги факат иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга татбиқ этилган, 1976 йилда Нидерландия ЖКга умумий ҳукуқ тарзида кирган.

тутувчи ўз қонунларига киришишган. Гарчанд, кўплаб давлатлар ўз қонунларида юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тушишган бўлсада, лекин хануз бир қатор давлатлар қонунчилигида юридик шахсларнинг қилмишлари учун фақат иқтисодий маъмурий жарима тури билан чекланишади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги, уларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳолатидан деярли фарқ қилмайди. Ҳар иккала ёндашиш орасидаги фарқ назарий жиҳатдан юридик шахс қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаган ҳолда содир этадими деган масалага бориб тақалади. Амалиётда эса фарқ уларни расмийлаштиришни процессуал тартиби билан боғлиқдир.

Шунингдек, учинчи гурух давлатлар ҳам мавжудки, уларнинг қонунчилиги юридик шахсларни айблилик даражасини муҳокама қилмасдан ҳам туриб, уларни жавобгарликка тортишга рухсат этади. Бундай ёндашиш одатда “квазижиноий жавобгарлик” деб эътироф этилади. Бу ерда ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи назарий жиҳатдан ҳам процессуал жиҳатдан ҳам очиб берилмаган.

XX-асрнинг охириларида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жиноий жавобгарлиги институти янги босқичга кўтарилиб, энди бу институт нафакат англо-саксон ҳуқуқ тизимида балки континентал ҳуқуқ тизимида ҳам қолаверса ислом, конфуциан ва бошқа ҳуқуқ оиласарида ҳам қўлланила бошлаган. Бунга сабаб турли соҳадаги юридик шахслар томонидан нафакат иқтисодий соҳада, балки, экология хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, монополияга қарши кураш, молия бозорини тартибга солиш, озиқовқат ва тиббиёт ҳамда давлат ишларини юритиш соҳаларида жиноятчиликнинг кескин ошиб кетиши сабаб бўлди.

Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги, шу шахсларнинг жиноий жавобгарлигига нисбатан олдинроқ вужудга келган бўлиб, бу жавобгарлик икки кўринишда ўз ифодасини топган: биринчиси, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги дастлаб фақат маъмурий ҳуқуқбузарлик соҳасида жавобгарликни назарда тутган бўлса, иккинчиси, кейинчалик юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига қўшимча чора сифатида қўлланила бошлаган (масалан, юридик шахсни давлат харидларида қатнашиш ҳукуқидан маҳрум этиш).

Табақаларнинг ёки худудларнинг жиноий жавобгарлиги институти узоқ ўтмишга бориб тақалиши ҳақида биз юқорида қисман тўхталиб ўтган эдик. Бундай жавобгарлик Рим ва Византия империяларида, қадимги Хитой ва Хиндистонда, ўрта асрдаги ислом ва насроний

давлатларида ҳамда янги даврдаги давлатлар қонунлигига ҳам хос бўлган. Ушбу қонунларда табақалар, синфлар, шу жумладан юридик шахслар жисмоний шахслар қатори жиной қилмишлар содир этиши мумкин деб хисобланганлар.

Ундан ташқари, эътироф этанимиздек учинчи гурух мамлакатлар ҳам борки, уларнинг қонунчилиги юридик шахсларни айбилик даражасига аниқлик киритмасдан ҳам туриб уларни жавобгарликка тортишни назарда тутади. Бундай ёндашувни биз юқорида “квазижиной жавобгарлик” деб аталишини айтиб ўтдик. Бу ерда юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи назарий жиҳатдан ҳам процессуал жиҳатдан ҳам етарли даражада ифода этилмаган.

Ўтган асрнинг охирларида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жиной жавобгарлиги институтини қўллаш амалиёти кўплаб мамлакатлар қонун чиқарувчи органлари томонидан янада кенгайтирилиб, юқорида эътироф этанимиздек бу институт нафақат англо-саксон хукуқ тизимини балки роман-герман, мусулмон, конфуциан, католикиян каби диний-хукукий таълимотга асосланган бошқа хукуқ оиласарида ҳам қўлланила бошлаган. Бунга сабаб турли соҳадаги юридик шахслар томонидан нафақат иқтисодий соҳада, балки, экология хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, монополияга қарши кураш, молия бозорини тартиба солиш, озиқовқат ва тиббиёт, диний эътиқодга қарши, черков ва бошқа диний муасассалар мулкини талон-тарож қилиш ҳамда давлат ишларини юритиш соҳаларида жиноятчиликнинг кескин ошиб кетиши сабаб бўлди.

Шундай қилиб, коррупцион қилмишлар учун юридик шахслар жиной жавобгарлиги институти ҳозирги ҳолатида Австралия, Буюк Британия, Бельгия, Венгрия (2001 йилдан), Дания, Истроил, Ирландия, Исландияда (1998 йилдан), Канада, ХХРда (1997 йилдан), Нидерландияда (1976 йилдан), Норвегияда (1991 йилдан), Польшада (2002 йилдан) Руминияда (2004 йилдан), Словенияда (1999 йилдан) АҚШ, Финландияда (1995 йилдан), Францияда (1992 йилдан), Швейцарияда (2003 йилдан), шу мамлакатлар қонунчилигига қўлланилиб келинмоқда<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг:Ситковский И.В. Проблемы ответственности юридических лиц в уголовном законодательстве // Уголовное право. 2002. №4. С. 45.

## **II-БЎЛИМ. 2.1.Англо-саксон ва роман-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи мамлакатларда коррупцион жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигининг умумий масалалари.**

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маъмурий бошқарув ишининг нечоғли самарадорлигига боғлиқ. Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда улкан бюрократик аппарат бошқарув унинг ривожланишига тўсқинлик қиласди ҳамда давлатнинг бозор ислоҳотлари, ижтимоий вазифаларни бажаришига доир сайди-харакатларига халақит беради. Бундай ҳолат рўй бермаслиги учун давлат маъмурий тизимини ислоҳ қилишга ҳамда уни замон талабларига мослаштиришга мажбур. Бундай жараёнлар қонунчилик соҳасида ҳам юз беради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси сабиқ тизимда етишиб чиққан раҳбар кадрларга таянишга мажбур бўлди. Бироқ, кейинги йиллар амалиёти ва тажрибаси уларнинг кўпчилиги эски тизимни, маъмурий-буйруқбозлиқ иш усулларни кўмсашиб давом этганлигини ҳамда кўпинча ўз хатти-харакатлари билан янги ижтимоий муносабатларга ўтиш жараёнларига мослашмаслик, кадрлар фаолиятидаги эски сиёсатга суюниб қолиш, мафкура ва бошқариш услуги жараёнларини, шунингдек тафаккуридаги ўзгаришларнинг қийин кечиши кузатилди. Эскича ишлаш ва янги талаблар ўртасида жиддий тафовут вужудга келиб, у ўзини намоён қила бошлади. Эскича фикрлайдиган раҳбар кадрлар ўзларнинг янгича ишлашга ноқобилликларини гоҳ зимдан, гоҳ ошкора билдира бошладилар, ҳатто жиноятларга аралашганлари ҳам бўлди. Уларнинг кирдикорлари далиллар ёрдамида, ошкора фош килина борилди.

“Минг афсуски, ҳокимият ва бошқарув идораларида ўтирган баъзи шахсларнинг ўзлари қонун талабларига риоя қилиш у ёқда турсин, қонунни қўпол равишда бузиши, аввало ўз манфаатини кўзлаб, ўз вазифасини сунистеъмол қилиши ҳеч чираб бўлмайдиган ҳолатdir. Албатта, бундай ҳолатларга қарши чора кўриляпти, тегишли тадбирлар ўтказилияти.

Лекин, мансабдор шахслар фаолиятидаги бундай қонунбузарлик кўринишлари ва хунук мисоллардан бутунлай воз кечишнинг энг муҳим, таъсиричан воситаси сифатида жойлардаги ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик ва фуқаролик

назоратини кучайтириш бугунги кунда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда<sup>1</sup>.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, кейинги иккимингинчى йилларнинг дастлабки йиллари давомида 8043 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, уларнинг 118 нафари – республика, 1070 нафари вилоят ва 6855 нафари – туман миқёсидағи давлат бошқаруви органлари хизматчиларидир”.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг деярли тенг ярми мулкни талон-тарож қилганлиги, ҳар бештадан биттаси – мансаб ваколатларини сунистеъмол қилганлиги ва ҳар етпитетдан бири порахўрлик учун судга берилганлиги ҳолати бу масалани жиддий эканлигини кўрсатаяпди<sup>2</sup>. Мансабдорлик жиноялари оқибатида жиддий иқтисодий зарап етказилмоқда. 2004 йилга келиб бу рақам қарийб 15 млрд. сўмга етди<sup>3</sup>. Бу рақамлар давлат бошқарув тизимида коррупция ҳолатининг балосининг томир отаётганлигини билдирилмоқда.

Маълумки, жамоатчилик манфаатларига хизмат қилиш ҳукумат ва унинг давлат хизматларининг асосий вазифасидир. Фуқаролар алоҳида ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳалоллик билан адолатли ва холис тарзда бажаришларини кутишга ҳақлидирлар. Ўзлари бирон лавозимни эгаллаб турган пайтларида ўз шахсий манфаатларини қўзлаган давлат хизматчилари бу ҳукуққа хавф солишлари мумкин. Бу каби мансабни сунистеъмол қилиш фуқароларнинг давлат институтларига нисбатан ишончини сусайтириш кучига эга.

Бир қатор мамлакатларда давлат ходимлари мунтазам равища, баъзан очикдан очик, ўз мансабларини сунистеъмол қилиб, қонунларга беписандлик билан муносабатда бўладилар. Улар бу қонунларга нафақат эътибор бермайдилар, балки уларни жорий этиш учун ххеч нима қилмайдилар ёки жуда кам ҳаракат қиладилар. Бундай

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, 2005 йил 28 январь.

<sup>2</sup> Қаранг: Қодиров Р. Қонун олдида барча баробар. // «Халқ сўзи» 2005 йил, 22 апрель.

<sup>3</sup> Назаров К., Фарб фалсафаси. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиияти нашриёти. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Ташкент-2004.

мамлакатларда ахлоқий давлат хизматларини яратиш биринчи даражали вазифадир.

Мансабни суиистеъмол қилиш баъзи мамлакатларда оддий ҳол эканлиги тан олинса ҳам, бу ерда гап қонунни четлаб ўтиш кенг тарқалган ҳолат эмаслиги борасида кетади. Бу мунозара ахлоқий давлат бошқаруви мансабни суиистеъмол қилиш ҳолларининг олдини олиш учун нима қилиши кераклиги борасида кенг тарқалган фикрларни келтиради.

Мансабни суиистеъмол қилиш ҳолати давлат сектори хизматчиси ёки ходими бўлган шахс ўз иш фаолиятини бажараётганда шахсий манфаатларини кўзлашидан келиб чиқади. Бу ҳолда қарор нотўғри сабаб билан қабул қилинади. Бундан ташқари, мансабни суиистеъмол қилишдек туюлган ҳолатлар ҳам», тўғри қарор қабул қилинган бўлсада, ташкилот обрўсига ва унга нисбатан жамоатчилик ишончига худди ҳукукий мансабни суиистеъмол қилишдек зарар етказиши мумкин.

Кўпчилик мамлакатлар бу масаланинг яхши бошқарув учун аҳамиятини шунчалик юкори баҳолайдиларки, улар мансабни суиистеъмол қилиш бўйича маҳсус қонун қабул қиласидар. Бу ҳол, масалан, қонунда қуидагича тарьифланади: “Давлат ходими ёки хизматчиси ўзининг расмий ваколати доирасида ўз бевосита ёки билвосита молиявий манфаатдорлиги ҳолисона ёки мустақил фикр юритишига ҳалал бериши мумкин бўлган ҳар қандай масала буйича иш олиб бормаслиги керак”.

Биз ушбу рисоланинг бошида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи узоқ ўтмишга эга эканлиги тўғрисида мулоҳаза юритган эдик. Хусусан, Европада феодал тизим даврида жиноий жавобгарликка чекланмаган субъектлар доираси, шу жумладан, ҳайвонлар ва жонсиз предметлар ҳам тортилган. Шу сабабли бирорта ташкилотни жавобгарликка тортиш масаласида ҳеч қандай тўсиқ мавжуд бўлмаган. Хусусан, ўрта асрлар Франциясида корпорация ёки бошқа жамоат ташкилоти қўлмишлари учун жиноий жавобгарлик мавжуд эди<sup>1</sup>.

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги институти таҳлил этилганда, уларнинг маъмурӣ жавобгарлиги юкорида айтиб ўтганимиздек жиноий жавобгарлигига нисбатан анча олдинроқ пайдо бўлиб, у ўз

---

<sup>1</sup>Каранг: Антонова Е.Ю. Уголовная ответственность юридических лиц: монография / под ред. проф. А.И. Коробеева. Владивосток, 2010. С. 164.

хусусиятларига кўра икки кўринишда намоён бўлган, биринчиси, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги дастлаб факат маъмурий қонунчиликда турли маъмурий хукуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутган бўлса, ундан кейингиси эса юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига кўшимча чора сифатида қўлланила бошлаган (масалан, юридик шахсни турли тендерларда, давлат харидларида қатнашиш хукуқидан маҳрум этиш).

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тарихида табақаларнинг ёки худудларнинг жиноий жавобгарлиги институти ўтмишда дин томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Қадимги Рим ва Византия империяларида, Хитой ва Ҳиндистонда, ўрта асрдаги ислом ва насроний давлатларида ҳамда янги даврдаги давлатлар қонунлигига ҳам бундай жавобгарлик кўп учрайди.

Ушбу қонулларда табақалар, синфлар, шу жумладан юридик шахслар жисмоний шахслар қатори жиноий қилмишлар содир этиши мумкин деб хисобланганлар.

XVIII асрнинг охири ва XIX-аср бошларида француз инқилоби таъсири остида Европа мамлакатларида юридик шахсларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ бир қатор ўзгаришлар юз бера бошлаган. Европанинг роман-герман хукуқ тизимиға киравчи кўплаб давлатлари жиноят қонунчилигига аста-секинлик билан шахсларнинг ҳар бир қилмиши учун алоҳида жавобгарлик принципи қўлланила бошлаган. Бошқача сўз билан ифодалангандা, умумий хукуқ тизимида жамоавий жиноий жавобгарлик институтини қўллаш ривожлана бошлаган.

АҚШ ва Буюк Британия қонунчилигига эса, бу жараёнлар иқтисодиётнинг кескин ривожланиши жамоавий жавобгарлик институтининг пайдо бўлишига ва ривожланишига олиб келган. Жумладан, Англияда корпорацияларни жиноий жавобгарлиги XIX асрнинг ўрталарида ўз ечимини тўлиқ топган эди.

Юқорида биз юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи гарчанд, фуқаровий хукуқий минособатлар маҳсули хисобланса ва бу ҳолат кўпроқ фуқаровий хукуқий минособатлар таъсирига тушсада, лекин у юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини истисно этмаслиги тўғрисида мулоҳаза юритдик. Худди шунингдек, корпорацияларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларининг жиноий жавобгарликка тортилиши, шу корпорацияни ўзига нисбатан жиноий-хукуқий санкцияларни қўлланилишини ҳам истисно этмайди. Уларга нисбатан ҳам жарима, мажбурий тугатиш, фаолият билан шуғулланиш хукуқини берувчи рухсатномаларни чақириб олиш каби бир қатор санкциялар қўлланилиб келинган. Хусусан, XX-аср

бошларида АҚШ Федерал Олий суди юридик шахсларнинг коррупцион жиноятлари учун жиноий жавобгарлик институтининг АҚШ конституцияси талабларига түлиқ мос келишини эътироф этиб ўтган<sup>1</sup>.

Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги масаласи XIX асрнинг бошларида немис ҳуқуқида ҳам пайдо бўлиб, унинг мазмуни юридик шахсларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарлигини назарий жиҳатдан ажратишни назарда тутарди. Бу ёндашишнинг мазмуни шундан иборат бўлганки, жамиятнинг фундеаментал қадрияларига қарши қаратилган хатти-харакатлар жиноят сифатида эътироф этилиб, маъмурий жавобгарлик эса, фақат қонун қоидаларни маънавий бузишга қаратилган харакатларни назарда тутган.

Айблилик принципи фақат жиноий жавобгарликка нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган. Жиноий ва маъмурий жавобгарлик бир биридан нафақат мазмуни билан балки амалга ошириш механизми билан ҳам фарқ қилган. Бу вазиятда ҳукумат жиноятларни аниқлаш ва исботглашда маъмурий жавобгарликка тортишга нисбатан анчайин кўпроқ ваколатга эга бўлган. Шу боис, бу доктрина кейинчалик бошқа европа давлатлари томонидан маъқулланган.

Умуман олганда, узоқ вақт давомида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи асосан, англо-саксон ҳуқуқ тизимиға кирувчи давлатлар жиноят қонунчилигига хос институт бўлиб, иқтисодий соҳаларда содир этиладиган қилмишлар учун жиноий жавобгарликни белгилаган,. Масалан, кўп қаватли уй-жойлар қурилишида, кўприклар қуришда ёки ҳаво кемасида юқ ташиш билан боғлиқ технологик нормаларнинг бузилиши учун жавобгарликни белгилаган.

Умумий ҳуқуқ узоқ даврлар мобайнида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласида тортишувлар , бу борада бир қатор концептуал йўналишларни вужудга келишига сабаб бўлди. Улардан энг эътиборга лойиқлари иккита бўлиб, биринчиси, АҚШда субсидиар жавобгарлик ва иккинчиси, идентификация қилиш назарияси Буюк Британияда юзага келганлигини биз юқорида қайд этиб ўтган эдик. Хар иккала институтда ҳам дастлаб юридик шахсларнинг жавобгарлиги фақат статут ҳуқуқида қўлланилиб, кейинчалик эса

---

<sup>1</sup>Каранг: АҚШ Федерал Олий судининг 1909 йилдаги NewYork Cent&H.R.R.V. United States 212 U.S/ 481, 29S.ct. 304,53 L.Td. 613 иши.

бошқа жиноятларга ҳам татбиқ қилина бошлаган<sup>1</sup>. Голландияда бу ҳуқук континентал ҳуқук тизими давлатлари орасидан биринчи 1950 йилда қонунга татбиқ этган давлат ҳисобланади<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, яқин вақтларгача юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги масаласи асосан, англо-саксон ҳуқук оиласига кирувчи давлатлар жиноят қонунчилиги тизимигагина хос институт бўлган.

Лекин ўтган асрнинг иккинчи яримида Европа мамлакатларида юридик шахсларнинг жавобгарлигига оид муносабат жиддий ўзгара бошлаган, таборо кўпроқ Европа давлатлари бу институтни ўз қонунчилигига жорий эта бошлишган, ундан кейин бошқа кўплаб давлатлари ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи институтларни ўз қонунларига киришиш амалиётини жорий этишган. Эътироф этанимиздек дунёнинг кўплаб давлатлари ўз қонунларида юридик шахсларнинг жавобгарлиги институтини жорий этишсада, аммо бугунги қунда ҳам айrim мамлакатлар миллий қонунчилигига юридик шахсларнинг қилмишлари учун факат иқтисодий ва маъмурий жарима тури қўлланилади. Олиб борилган таққослашларга асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги, уларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳолатидан деярли фарқ қилмайди. Ҳар иккала жавобгарлик орасидаги фарқ факат назарий жиҳатдан юридик шахс қилмишни ижтимоий хавфлилиги англаған ҳолда содир этадими деган масалага бориб тақалади. Амалиётда эса фарқ уларни расмийлаштиришни процессуал тартиби билан боғлиқдир.

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ўрганиш жараёнида, яна бир ҳолат эътиборни тортади. Бу ҳам бўлса юридик шахслар жавобгарлиги масаласида юқорида келтириб ўтилган мактаблардан ташқари яна учинчи гурух давлатлар ҳам бор эканки, улар қонунчилигига юридик шахсларни айблилик даражасини мухакома қилмасдан туриб ҳам жавобгарликка тортиш мумкин экан. Бундай ёндашишни биз юқорида ”квазижиноий жавобгарлик” деб эътироф этиб, бу ерда ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлиги

---

<sup>1</sup> Каранг: Жиноятни субъектив томони умумий ҳуқуқда жиноят таркибини айб аниқлаш талаб қилинмайдиган кисми ҳисобланади. Статут ҳукуқида эса факат жиноят содир этиш ҳолати инобатга олинади, айбни исботлаш эса талаб этилмаган.

<sup>2</sup> Голландия қонунчилигига юр.шахсларнинг жавобгарлиги факат иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга татбиқ этилган.

масаласи назарий жиҳатдан ҳам процессуал жиҳатдан ҳам очиб берилмаганлигини таъкидлаб ўтдик.

Юқоридагиларни инобатга олиб юридик шахсларнинг жавобгарлигини куйидаги тўртта тизимга ажратиш мумкин:

- 1) Жиноий жавобгарлик;
- 2) Квазижиноий жавобгарлик;
- 3) Жиноят учун маъмурий жавобгарлик;
- 4) Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик.

Келтириб ўтилганлардан фақат охиргиси юридик шахсларнинг жавобгарлиги талабларига мос келмайди, чунки халқаро ҳуқуқ талабларига кўра порахўрлик ва бошқа мансабдорлик коррупцион жиноятлар учун уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ниҳоятда юқори бўлганлиги сабабли маъмурий жавобгарлик эмас, фақат жиноий жавобгарликни назарда тутади. Тизимда келтирилган юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгиловчи қолган учта шакли ҳам халқаро ҳуқуқ талабларига жавоб беради ва тўртинчи шакли билан бирга тенг қўлланилиши мумкин.

Юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлар учун жавобгарлигини назарда тутувчи халқаро ҳуқуқ нормалари фақат битта шаклни қўллашни талаб этмайди, аксинча коррупцияга қарши қаратилган халқаро шартномалар матнларида (масалан, БМТнинг тегишли конвенциялари) ёки унга берилган шарҳларда тушунтириладики, давлатлар юридик шахсларнинг жавобгарлиги турини ўзлари танлашга ҳақлидирлар. Масалан, у жиноий жавобгарликми, ёки маъмурийми ёки фуқаровий жавобгарликми. Аммо, давлатлар юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун шундай жавобгарлик турини қўллашлари шартки, унда юридик шахс қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасига мос келадиган ҳамда уни бундай қилмишлардан тийиб турадиган тенг жазо турини қўллашлари шарт. Бундай талаб миллий қонунчиликда юридик шахсларнинг жавобгарлигига мувофиқ келадиган жазо турини танлаш ҳуқуқига бевосита таъсири этади. Куйида келтириб ўтиладиган талаблар давлатлар томонидан қандай жавобгарлик конструкцияси танланиши, яъни юридик шахсларнинг коррупцион жиноятлари учун жиноий жавобгарликними ёки квазижиноий жавобгарликними белгиланишидан қатъий назар бундай шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги иккинчи даражали муқобил жазо бўлиб қолмоғи зарур. Европа давлатларининг бирортасида ҳам юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун фуқаролик жавобгарлиги институти қонун билан белгиланмаган.

Юридик шахслар жавобгарлиги тизими ning асосий муаммоси уни қилмишнинг субъектив томони ҳисобланади. Чунки, жиноий жавобгарликнинг асосий шарти бу айб бўлиб, у шахснинг қилмишга нисбатан руҳий муносабатини англатади. Аммо, юридик шахс тирик жонзот ҳисобланмаганлиги учун қилмишга нисбатан руҳий муносабат билдиrolмайди, шу боис ҳам унга нисбатан жиноят таркибининг субъектив томони белгиси ҳисобланган айбни кўйиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи мамлакатлар қонунчилигида юридик шахснинг айби унга раҳбарлик килаётган ёки унинг вакили бўлган шахсларнинг ҳулқ-атворида жо этилади.

Масалан, Буюк Британияда бу ҳолатни “идентификация” (таққослаш)-деб номлашган. Унинг мазмуни шундан иборатки, корпорацияларнинг олий мансабдор шахслари ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) ва унинг руҳий ҳолати шу вақтнинг ўзида юридик шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ҳамда руҳий ҳолатини англатади деб ҳисобланади. Бу ҳолатда ўрнига эмас, балки юридик шахснинг бевосита жавобгарлиги келиб чиқади. Корпорациянинг мансабдор шахси жиноят содир қиласа, унда корпорация жиноятни бажарувчиси сифатида, агар унда шу корпорация хизматчиси ҳам қатнашган бўлса унинг ҳаракати иштирокчи сифатида баҳоланади.

Айрим мамлакатлар (Австрия, Албания, Испания, Латвия, Мексика, Перу) корпорацияларни жиноий жавобгарликка тортища “оралик” йўлни танлаб, унга кўра юридик шахсга формал жиноят субъекти сифатида қаралмайди, шунга қарамасдан уларга нисбатан турли жиноий-хукукий санкциялар қўлланилади. Албатта бу санкциялар кўпроқ ўз мазмунига кўра жиноий-процессуал кўринишга эга<sup>1</sup>. Кўпроқ бу ерда юридик шахсга нисбатан алоҳида мусодара институтини қўллаш ҳақида сўз юритилмоқда. Шундай қилиб, юридик шахсларнинг жавобгарлиги ушбу ҳолатда кўпроқ жиноий-хукукий институт сифатида эмас, (буғунги ўзбек қонунчилиги нуқтаи назаридан карайдиган бўлсак) балки жиноий-процессуал институт сифатида намоён бўлади. Бундай юридик шахслар жавобгарлиги турини “квазижиноий жавобгарлик” деб ҳам аталишини биз юқорида таъкидлаган эдик.

---

<sup>1</sup> Каранг: Антонова Е.Ю. Юридическое лицо как субъект преступления: опыт зарубежных стран и перспективы применения в России. М., 2003. С. 3.

Бир қатор давлатларнинг конунчилигига агарда бошқа жисмоний шахс жиноий ҳаракатларни содир этса аммо бу ҳақда юридик шахс раҳбарининг хабари бўлмаган бўлса, юридик шахс жавобгар бўлади. Масалан, жиноятни компаниянинг раҳбари бўлмаган шахс компания номидан ҳаракат қилиб содир этса, компания юридик шахс сифатида барибир жавобгар бўлади. Худди шундай жиноий жавобгарлик агарда шахс компания номидан берилган ишончнома асосида ҳаракат қилиб жиноят содир қилса ҳам ёки компания раҳбари ҳаракатидан хабардор бўлган учинчи шахс томонидан содир этса ҳам вужудга келади.

Ундан ташқари, жиноятнинг иштирокчилари жисмоний шахс ҳам, юридик шахс ҳам бўлиши мумкин, лекин жисмоний ва юридик шахсларнинг биргаликдаги ҳаракатлари иштирокчиликни ташкил этмайди.

Шунга қарамасдан, ташкилот жиноятнинг бажарувчиси, ташкилотчиси ва далолатчиси сифатида ҳам эътироф этилиши мумкин.

Юридик шахс жиноят бошлангунга қадар уни содир этишдан ихтиёрий қайтган бўлса ёхуд қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса, у жиноий жавобгарлиқдан озод этилади. Иккинчи ҳолатда юридик шахс жиноий жавобгарликдан озод этилишининг қуидаги шартларига амал қилган бўлса жавобгарлиқдан озод этилади: масалан, жиноятни биринчи марта содир этиши, қилмишни ижтимоий хавфлилик даражаси катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар қаторига кириши каби ҳолатлар бўлиши лозим. Бу ҳолатда, яна шахс жиноят ҳақида ҳокимият вакилларига жиноят иши қўзғатилмасдан хабар берган ва жиноят содир этгандан кейин қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаган бўлиши лозим.

Канада ЖКнинг 22.2-моддасига кўра жиноят содир этилгандан кейин, жиноий таъқибни бошлаш учун айловчи томон бажарувчи ҳисобланган ташкилотнинг катта хизматчиси жиноий ўз ўзига ишониш орқали эмас бошқача тарзда ҳаракат қилганлигини исботлаган бўлса, қуидаги шартлар асосида ташкилот жиноят иштирокчиси сифатида жавобгарликка тортилади:

ўз ваколати доирасида ҳаракат қилса ҳам иштирокчи сифатида қайд этилади;

ўз ваколати доирасида ҳаракат қилсада, лекин ташкилотнинг у раҳбарлик қиладиган бошқа вакиллари жиноят таркибини ташкил этадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этса;

ташкилотнинг бошқа вакиллари жиноят содир этганини билган ёки содир этмоқчи бўлаётганлиги тўғрисида хабардор бўлиб, жинояtnинг олдини олиш чораларини кўрмаса.

Шундай қилиб, Канадада юридик шахснинг жавобгарлиги жинояtnи ташкилотнинг раҳбари ёки вакили ўз фойдасига ёки юридик шахс фойдасига содир этганда вужудга келади<sup>1</sup>.

Шунга ўхшаш холат бошқа давлатлар конунчилигига ҳам мавжуд. Масалан, Европа Итифоқига кирувчи давлатлардан бири ҳисобланмиш Франция ЖКнинг 121.2-моддасида “Юридик шахс.... жиноий жавобгарликка унинг фойдасига шу ташкилот вакиллари ёки органлари томонидан содир этилса ҳам вужудга келади”-деб қайд этилган.

Умумий қоидага кўра юридик шахсларнинг жавобгарлиги, жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги принципини инкор этмайди, балки уни тўлдиради.

“Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигини инкор этмаслиги” принципи Хитой, Франция, Литва, Эстония каби бир қатор давлатлар конунчилигига назарда тутилган.

Австрия жиноят қонунчилигига тўғридан-тўғри юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилмасдан жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган. Шунга қарамасдан, қайсири бир жисмоний шахс томонидан жиноят содир этилиши натижасида юридик шахс фойда кўрса ёки жиноят натижасида мулкка эга бўлса, унда юридик шахс ноқонуний бойиган сумма миқдорида пул тўлашга мажбур дейилган<sup>2</sup>.

Испания Жиноят кодексида юридик шахсларнинг раҳбари ёки вакилига, агар улар жиноят содир этишда юридик шахс ёки унинг манфаати учун уларнинг номидан ҳаракат қилган бўлса, белгиланган жиноий жаримани солидар тартибда тўлаши белгилаб қўйилган.

Норвегия ва Исландия жиноят кодекслари талабларига кўра юридик шахснинг жавобгарлиги айбор (жисмоний шахс)

---

<sup>1</sup> Демин С. Г. Пределы уголовной ответственности юридических лиц в России. Дисс. канд. юрид. н. Ставрополь, 2014, с. 66).

<sup>2</sup> Карапт: Антонова Е.Ю. Юридическое лицо как субъект преступления: опыт зарубежных стран и перспективы применения в России. М., 2003. С. 4.

аникламмаган бўлса ҳам ёки уни жазолаш мумкин бўлмаса ҳам вужудга келади.

Франция, Бельгия, Дания ва Исландия жиноят қонунчиликларида юридик шахслар жавобгарлиги субъектларига нафақат тижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ҳуқуқ юридик шахслари шу жумладан, ҳокимият органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳам киради, фақат давлат органлари жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган бундай ташкилотлар рўйхатига киритилмаган.

Дания Жиноят кодексида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги жуда кенг доирада келтириб ўтилган бўлиб, уларга барча юридик шахслар, шу жумладан, акционерлик компаниилари, кооператив жамиятлари, ҳамкорлик ташкилотлари, ассоциациялар, фондлар, мулк комплекслари, муниципалитетлар ва давлат органлари киради.

Шу билан бирга, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги оммавий ҳуқуқ юридик шахслари учун кўп ҳолатларда чекланган кўринишга эга. Масалан, Бельгия ва Франция ЖКларида оммавий ҳуқуқ юридик шахсларига нисбатан тугатиш тарзидаги жазо тури кўлланилмайди. Франция ЖКга кўра, бундай жазо тури сиёсий партиялар ва бирлашмалар касаба уюшмаларига нисбатан ҳам кўлланилмайди. Ундан ташқари, француз жиноят қонунчилиги маҳаллий ҳокимият органлари ва уларнинг бирлашмалари фақат хизмат фаолиятларида жамоатчилик хизматлари билан боғлиқ ўз ваколатларини бошқа идораларга юклаган тақдирдагина жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Хитой Халқ Республикаси, Литва, Норвегия жиноят қонунларида эса юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги фақат хусусий ҳуқуқ ташкилотларига ёхуд фақат тижорат ташкилотларига нисбатан тадбиқ этилади.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатларидан бири, бу жисмоний шахсларга кўлланиладиган жиноий жазоларнинг айримларини ( масалан, озодликдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари) юридик шахсга қўллаш мумкин эмаслигидир.

Юридик шахсларни жиноий жавобгарликнинг субъекти сифатидаги ўзига хос хусусиятларидан ўз навбатида улар учун алоҳида жазо тизими ишлаб чиқиши лозимлигини тақоза этди. Айрим давлатларда юридик шахслар содир этган қилмишларини “квазижиноят” сифатида тан олган давлатлар қонунчилигига бундай жазо тизими ва санкциялари мавжуд десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Юридик шахсларнинг содир этган қилмишлари учун энг кўп тарқалган жиной жазо турларидан бири бу жарима жазоси бўлиб, бундай жазо тури Албаниядан ташқари барча корпоратив жиной жавобгарлик мавжуд давлатларда қўлланилади. Айниқса, Дания, Исландия, ХХР, Финландия жиноят қонунчиликларида жарима ягона юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо тури ҳисобланади.

Бошқа мамлакатлар жиноят қонунчилиги турли жиной жазолар (санкция) турларини қўллашади. Масалан, Норвегияда 2 та, Испания ва Перуда 4 та, Бельгияда 2 та, Францияда 3 та ва ҳ.к.

Замонавий дунё мамлакатлари жиноят қонунчилиги таҳлили шундан дарак берадики, корпорацияларга нисбатан жарима жазосидан ташқари яна қуйидаги жазо турларини қўллашни назарда тутади:

махсус мусодара (Албания, Бельгия, Ироқ, АҚШ, Франция);

юридик шахсларнинг фаолиятини чеклаш, шу жумладан маълум фаолият тури билан шуғулланишни чеклаш, уларнинг қуий тузилмалари ва филиалларини ёпиш (Албания, Бельгия, Испания, Литва, Молдова, Перу, Франция);

юридик шахс фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйиш (Испания, Перу);

юридик шахсни тугатиш (Бельгия, Литва, Молдова, Перу, Франция);

хукмни эълон қилиш (Бельгия, Франция).

Дунё мамлакатларида юридик шахслар жиной жавобгарлиги масаласини тартиба солувчи бир нечта хуқуқий ёндашув мавжуд.

Биринчи модель, даставвал умумий хуқуқ тизими мавжуд мамлакатларга хос. Бу модель одатий кўринишга эга бўлиб, у юқорида келтирилган тизимга асосланади, унга кўра юридик шахсга ҳам жисмоний шахс билан бир вақтда алоҳида жиноят субъекти сифатида қаралади. Бундай амалиёт Англия, Шотландия, Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия, Хиндистон каби мамлакатларга хос.

Юридик шахсларнинг жиной жавобгарлигини хуқуқий тартиба соладиган бундай ёндашув кейинги йилларда роман-герман (континентал) хуқуқ оиласига мансуб мамлакатлар қонунчилик амалиётига тадбиқ этиш тенденцияси яққол кўзга ташланмоқда (Австрия, Бельгия, Голландия, Португалия, Франция, Финландия ва ҳ.к.).

Одатдаги англо-саксон хуқуқ оиласига кирувчи юридик шахсларнинг жиной жавобгарлигини назарда тутувчи кенг модель, бир қатор собиқ иттифоқ ҳудудида жойлашган янги давлатлар

қонунчилигида, шу жумладан, Грузия, Литва, Молдова, Эстония каби мамлакатлар миллий қонунчилигида фойдаланилган.

Иккинчи модель, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласида айб учун жавобгарлик принципига асосланиб, биринчи навбатда жисмоний шахсларни ягона жиноят субъекти сифатида тан олади. Мабодо, юридик шахс, жисмоний шахс томонидан содир этилган жиноятни содир этишда қатнашган бўлса ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилса, бундай юридик шахс ҳам жиноий жавобгарлик таъсир доирасига тушади. Бундай модель Албания, Испания, Латвия, Мексика, Туркия, Швейцария ва бошқа бир қатор давлатлар қонунчилигида қўлланилади. Ушбу модельнинг устунлиги шундан иборатки, у амалдаги жиноий-хукукий доктринадаги “айб учун жавобгарлик” принципи талабларини ўзгартирмасдан туриб, юридик шахслар жиноятчилиги билан курашиш имкониятини беради. Мазкур модель доирасида юридик шахсга жиноят субъекти сифатида қаралмайди. Жиноятда қатнашганлиги учун юзага келадиган мукаммал бўлмаган жиноий-хукукий оқибат жиноий жазога эмас (бундай жазо жисмоний шахсга юклатилади), балки бошқа жиноий-хукукий таъсир чораларига киради.

Учинчи модель, юридик шахсни жиноят содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишда унга нисбатан маъмурий жавобгарликни назарда тутишни таклиф қилади. Юридик фанда ушбу модель “юридик шахсларнинг квазижиной жавобгарлиги” деб номланади. Бундай модель Германия, Италия, Швеция, Россия каби давлатлар қонунчилигида қўлланилади. Ўрни келганда айтиш жоизки, ушбу мамлакатлар қонунчилиги кейинги йилларда ўсиб бораётган корпоратив жиноятчилигининг олдини олиш мақсадида биринчи ва иккинчи модельга кирувчи мамлакатлар қонунларини қўллаш амалиётига ўтиш жараёнлари кузатилмоқда.

Келтириб ўтилганларга асосланиб, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласини қонунчилликка киритиш бугунги кунда қайтарилилмас жараёнга айланиб бормоқда, бунга сабаб нафақат юқорида келтирилган жараёнлар ёки хорижий мамлакатлар қонунчилик амалиёти, шунингдек, халқаро-хукукий ҳужжатлар талаблари ҳамдир.

Бир қатор давлатларнинг қонун чиқарувчи органи шундай хулосага келганки, унга кўра жиноий-хукукий ҳимоя масаласини юридик шахсларга маъмурий санкциялар қўллаш йўли билан ҳал қилиш мумкин деган қарорга келганлар. Хусусан, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги Италия, Германия ва

Португалия қонунчилигиде белгилаб қўйилган. Бу ерда юридик шахсларнинг маъмурий жарима миқдори айрим ҳолатларда жисмоний шахслар маъмурий жаримаси миқдоридан бир неча ўн маротаба кўп миқдорни ташкил этади.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилашнинг асосий шарти экология ва хўжалик соҳасидаги жиноятларга қарши кураш заруратидан келиб чиқкан, чунки корпорациялар хизматчиликарининг бу соҳадаги индивидуал жавобгарлиги етказилган зарар миқдорининг оз қисмини қоплашга ҳам етмаслиги ва бу жиноятларни янгидан содир этишининг олдини олмаслиги ўз ўзидан маълумдир.

Корпоратив жиноий жавобгарлик масаласи кўп йиллардан бўён халқаро даражада ҳам қўллаб-кувватланмоқда. Масалан, юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласини киритишни 1929 йилда Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган жиноят ҳукуқига оид Халқаро конгресс маъқуллаган. 1946 йилда Нюрнберг жараёнида Халқаро трибунал давлат ва унинг ташкилотлари халқаро жиноятларнинг субъекти бўлиши мумкин деб эътироф этган. 1978 йилда Европа Кенгашининг жиноятчилик муаммолари билан шуғулланувчи кўмитаси европа мамлакатлари қонун чиқарувчи органларига экология соҳасидаги жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилашни тавсия этди. Худди шундай тавсиялар БМТнинг жиноятларнинг олдини олиш ва ҳукуқбузарликлар билан ишлаш Конгрессининг вақти-вақти билан ўтказиб келинаётган мурожаатларида ҳам ўз ифодасини топган. Ва ниҳоят, ушбу муаммонинг муҳим манбаси сифатида Европа Иттифоқи Министрлар кўмитасининг (88)18-сонли Тавсияларида кўзда тутилган юридик шахсларнинг хўжалик фаолиятини юритиш соҳасидаги ҳукуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи қоидаларини келтириб ўтиш мумкин<sup>1</sup>.

XX-асрнинг охириларида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жиноий жавобгарлиги институти янги босқичга кўтарилиб, энди бу институт нафақат англо-саксон ҳукуқ тизимида балки континентал ҳукуқ тизимида ҳам, қолаверса ислом, конфуциан

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ситковский И.В. Проблемы ответственности юридических лиц в уголовном законодательстве // Уголовное право. 2002. № 4. С. 44.

ва бошқа хуқуқ оиласарида ҳам қўлланила бошланган. Бунга сабаб турли соҳадаги юридик шахслар томонидан нафақат иқтисодий соҳада балки экология хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, монополияга қарши кураш, молия бозорини тартибга солиш, озиқ-овқат ва тиббиёт ҳамда давлат ишларини юритиш соҳаларида жиноятчиликнинг кескин ошиб кетиши сабаб бўлди.

Бир қатор трансмиллий корпорациялар, уларга Dynergy, Adelphia Communications, World Com, Global Crossing, Италиянинг Parmalat ва Голландиянинг RoyalAhold каби корпорациялари молиявий хужжатларни сохталашибигани учун жавобгарликка тортилган бўлса, Royal Caribbean, Exxon, Pfizer, Bayer, Shering-PlyoughCorpration каби корпорациялар атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳолининг соғлигига қарши ёки меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигини кўпол бузганлиги учун жавобгарликка тортилган. Siemens компаниясининг менеджерлари эса 2006 йилда Америка қимматли қоғозлар комиссияси томонидан 2001-2007 йилларда 4000 дан кўпроқ маротаба умумий баҳоси 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида пора берганлик учун айбланган. Турли лойиҳаларни амалга ошириш учун техник асбоб-ускуналар етказиб беришда содир этган пораҳўрлик қилмишлари Аргентина, Венесуэла, Ветнам, Истроил, Ливия, Нигерия ва Россия каби мамлакатларда ҳам содир этилганлиги аниқланган. Факат Аргентинанинг ўзиди 40 млн. доллардан кўпроқ пора берилган бўлса, шундан 3 млн. АҚШ доллари Аргентина президенти Карлос Менемуга берилганлиги аниқланган<sup>1</sup>.

Фирибгарлик жиноятларини содир этганликда айбланган Enron фирмаси ва Arthur Andersen LLP аудиторлик фирмасининг одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилганлигини бутун дунё жамоатчилиги билади.

Факат Enron фирмаси томонидан содир этилган корпоратив жиноятдан нафақат хусусий мулк эгаларининг маблағлари, АҚШ пенсия фонди пенсионерларининг 1 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари куйиб кетди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг:<sup>1</sup><http://www.tagesschau.de/wirtschaft/bussgeldpirerer100.html>

<sup>2</sup> Қаранг: <http://www.dengi-info.com/archive/article.php/aid=71>

Телекоммуникация соҳасида фаолият юритувчи WorldCom компанияси менеджерларининг коррупцион қилмишлари натижасида компаниянинг 104 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги акцияларининг нархи тушиб кетиши натижасида 65 та давлатдаги 85 минг нафар компания ходимлари ишсиз қолиб, компаниянинг ўзи 32 млрд доллар миқдорида қарзга ботиб қолди<sup>1</sup>.

Бугунги кунга келиб, юридик шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги, шу жумладан атроф муҳитга катта миқдорда зарап етказиш билан боғлиқ жиноятлари юқорида келтириб ўтилганларга нисбатан ҳам жиддий хавф туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бугунги кунда бундай коррупцион қилмишлар содир этилаётганлиги ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Хусусан, собиқ Республика Баш прокурори Р.Қодиров, ДХХ раиси Б.Абдуллаев Самарқанд вилояти ҳокими Т. Жўраев фирма ва компаниялар томонидан берилган миллионлаб поралар бунга мисол бўла олади.

Бугунги кунда дунё мамлакатларининг қонунчилигида юридик шахсларнинг коррупцион жиноятлари учун жиноий жавобгарлик тизимини яратиш орқали уларни нафақат молиявий санкциялар кўллаш орқали жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, бундай жиноятларни содир этишдан тийиб туришга мажбурлаш амалий натижা бериши мумкин.

Шу сабабли ҳам XX аср охири XXI аср бошларида юридик шахсларни коррупцион қилмишлари учун жиноий жавобгарликни кучайтириш борасида қизғин тортишувлар, мунозаралар давом этмоқда. Бу жараён МДҲ га аъзо давлатлар қонун чиқарувчи органларида ҳам кузатилмоқда.

Континентал ҳуқуқ оиласига кирувчи давлатларнинг вакиллари одатий жиноий-хукуқий доктринада юридик шахсларга нисбатан жиноий-хукуқий чораларни қўллаш амалиётини қўйидаги асосларга кўра қўлланилиши мумкин эмас деб ҳисоблайдилар:

а) корпорацияни қамоқقا олиб бўлмайди, уларнинг улкан молиявий имкониятлари қўлланиладиган жарима тарикасидаги жазони ахамиятсиз қилиб қўяди;

б) корпорация банкрот бўлган ҳолатларда, жарима жазоси асосий жазо тури сифатида самарасиз ҳисобланади;

---

<sup>1</sup> Қаранг:<http://www.russinla.com/common/ars/story.php/4750>

в) корпорация учун жиной жавобгарликни белгиланиши, унга реабилитация институтини қўллашни имконсиз қилиб қўяди, чунки юридик шахсга жисмоний шахсларга хос бўлган уят, айбордлигини сезиш, вижданли бўлиш, қилмишидан афсус чекиш каби туйгулар ёт хисобланади.

Шунга қарамасдан, юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи янги тарафдорларини топмоқда, бу жавобгарлик тури фақат жиноят ҳуқуқи назарияси тузилишида, шунингдек кўплаб давлатларнинг миллий қонунчилигига ўз ифодасини топмоқда.

Ҳозирги пайтда Американинг юридик шахсларни корпороатив жавобгарлиги тизими – энг ривожланган ва кенг тарқалган тизим сифатида намуна ҳисобланади.

АҚШда корпорацияларга нисбатан жазо тури сифатида турфа хил санкциялар қўлланилиши мумкин, жумладан юридик шахс сифатида тугатиш, жарима, синов муддати (пробация) ва ҳ.к<sup>1</sup>.

Бу ерда ғарб давлатларида мавжуд бўлган “К” назариясига асосан агрегирия<sup>2</sup> яъни (бирлаштириш), агарда корпорациянинг битта ходими ёки бир неча ходими қилмишида айблилик ҳолати аниқланиб, улар биргаликда жиноят таркибини бериб, шу ходимлар жиноий жавобгарликка тортилса, корпорация ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин.

Янги технологияларнинг ривожланиши, жиноятларнинг янги турларини кашф қилиш ва содир этишга катта қулай имкониятлар түғдиради. Уларнинг кўплари эса бутун инсоният учун жиддий хавфларни келтириб чиқаради. Жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган турли терористик жиноятлар, банк тизимига ноқонуний кириш, айниқса экология соҳасидаги жиноятлар ўта оғир оқибатларни келтириб чиқариши билан бир вақтда инсоният хавфсизлигига ҳам катта хавф түғдиради.

Айрим ҳолатларда юридик шахслар жиноят содир этиш мақсадида ҳам ташкил этилади, бундай ҳолатда юридик шахс ўз ўзидан жиноий ўюшмага айланиб кетади. Бундай вазиятда ташкилот раҳбарларининг жиноий фаолиятдан олинган даромадлари ва бошқа фойдалари мусодара қилинишининг ўзи етарли бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Каранг: Friedman L. In defense of corporate criminal liability|| (2000) 23 Harvard Journal of Law and Public Policy 833–859.

<sup>2</sup> От англ. aggregation — объединение.

Юридик шахсларни жавобгарликка тортиш зарурати баъзи ҳолатларда қилмишни содир этилган шахснинг ҳаракати содир этилган жиноятда кам аҳамиятли ёки ушбу жиноятни содир этган шахсни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолатларда ҳам туғилади.

Айрим ҳолатларда юридик шахсларнинг жавобгарлиги факат жиноий-хуқуқий чоралар билан чекланиб қолмайди. Юридик шахсни судда жавобгарликкка тортиш унинг ишчанлик обрўсига таъсир этиб, кўпгина ҳолларда молиявий йўқотишларга ҳам олиб келиши мумкин. Айрим вазиятларда, баъзан бундай ишчанлик қобилиятини ва молиявий йўқотишлар юридик шахс учун энг оғир жазо бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Юридик шахсларнинг жавобгарлигидаги яна бир масала-бу – давлат ва жамият учун жисмоний шахсларнинг айбини исботлашдан кўра юридик шахсларни жавобгарликка тортиш осонроқ кечади. Энг муҳими бундай ҳаракат дарҳол жиноятнинг олдини олиш имкониятини беради.

Юридик шахсларни жавобгарликка тортиш билан боғлик яна бир аҳамиятли ҳолат шундан иборатки, юридик шахсларнинг жавобгарлиги жиноий жазонинг оғирлигини кам аҳамиятли қилмиш содир этган ёки жиноятга алоқаси йўқ жисмоний шахслар ҳам хис этмайди.

Амалиётда кўпгина вазиятларда корпорациялар ўз ходимларини жавобгарликка тортиш ва тергов қилиш ишларига уларда корпоратив ҳамкорлик, хайриҳохлик ҳиссини сездириш мақсадида тўсқинлик қилишга ҳаракат қиласи. Юридик шахсларни жавобгарликка тортишда бундай сунъий тўсиклар қўйиш имкониятини йўққа чиқариш билан бир вақтда, шу идора мансабдор шахсларини тергов билан ҳамкорлик қилишига олиб келади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳамкорликнинг самарадорлиги айрим жисмоний шахсларни жавобгарликка тортиш ва суд қилишга нисбатан кўпроқ самара беради<sup>1</sup>.

Ҳозирги пайтда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги институти турли кўринишларида дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатлари қонунчилигига мавжуд. Бундай мамлакатлар сони йилдан йилга ошиб

---

<sup>1</sup> Cowan A., «Scarlet letters for corporations? Punishment by publicity under the new sentencing guidelines» (1992) 65 Southern California Law Review 2387 - 2393; Salzburg S. A. «The control of criminal conduct in organizations» (1991) 71 Boston University Law Review 421 - 427.

бормоқда. Замонавий юридик шахсларнинг жавобгарлиги институтининг ривожланишига Британия ва Франция моделлари катта таъсир ўтказмоқда. Мазкур моделларда юқорида қайд этилган “К” назариясига асосланган агрегирация тан олинмайди ва корпорацияда мансабдор шахс юқори лавозимларни эгаллаганлиги ёки унда муҳим ўринга эга бўлиши талаб килинади.

Юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги институти шу ерда зарурки, унда алоҳида шахс жиноятчи сифатида иккинчи даражали ҳисобланниб, биринчи ўринга қонунга ҳилоф равишда пул ёки бошқа фойда олаётган юридик шахс реал жиноятчи сифатида чиқади.

Энг аввало бу ерда кам ҳолатлардагина инвидуал акт ҳисобланадиган иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар тўғрисида сўз юритилмоқда. Одатда бу юридик шахсларнинг фаолияти ҳисобланади ва бу фаолият факат юридик шахсларнинг раҳбарлари томонидан эмас, балки менеджерлари, вакиллари, шунингдек оддий ходимлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ташкилотлар одатда катта моддий манфаат олиш учун ҳеч нарсадан тап тортишмайди ва уларнинг фаолияти кўпинча қуйидаги фирибгарлик жинояти билан бир вақтда амалга оширилади:

- соҳта банкротлик орқали солик ва бошқа мажбурий тўловлардан бош тортиш;
- жиноий йўл билан топилган пул маблағларини “ювиш”;
- ракобатда алдаш орқали истемолчиларнинг хукуқларини паймол қилиш;
- иқтисодий негизга эга бўлган бошқа жиноятлар.

Юридик шахсларни корпоратив (коллектив) жавобгарликка тортишда корпорацияни жиноий-хукукий айби масаласи жуда мунозарали ҳисобланади. Бу назария тарафдорлари назарияда ҳам амалиётда ҳам одатда юридик шахсларнинг айбини белгилашда бу масалани руҳий (субъектив) томонига эътибор берилади деб ҳисоблайдилар. Ўз ўзидан бундай ҳолатда юридик шахсни жиноят содир қилишдаги айби жиноят қилган бошқариш ваколатига эга бўлган жисмоний шахснинг айби қанчалик даражада исботланганлиги билан бевосита боғлиқ бўлади дейишади. Бу назария тарафдорлари бу масалада одатдаги жиноят хукуки назариясидаги айб шаклидан келиб чиқиб, уни корпоратив (коллектив) жиноятларга ҳам тадбиқ килишади.

Назаримизда, бу одатий айбдорни қилмишга нисбатан руҳий муносабати (жиноят хукуки назариясига кўра айб қасд ёки эҳтиёtsизлик шаклида мавжуд бўлади) жиноят хукуқида факат

жисмоний шахсга нисбатан ишлатилади ва бу ҳолат корпоратив жавобгарлик юзага келгунча жиноят қонунига киритилган. Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги, жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигидан кескин фарқ қиласди ва бу муаммони ҳал қилишга бутунлай янгича ёндашув зарурлигини тақоза этади. Шу муносабат билан масалан, корпоратив (коллектив) ўз ўзига ишониш ёки жиноий бепарволик бўлиши мумкин эмас.

Шу муносабат билан юридик шахсларнинг жавобгарлигига айбнинг мавжудлигини муҳокама қилмайдиган хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги эътиборга лойик (масалан, Франция ЖК, Нью-Йорк штати ЖК).

Шундай қилиб, яна бир бор эътироф этамизки, юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш институти ҳозирги кўрининишида Австралия, Буюк Британия, Бельгия, Венгрия, (2001 йилдан), Дания, Истроил, Ирландия, Исландия (1998 йилдан), Канада, XXР (1997 йилдан), Нидерландия (1976 йилдан), Норвегия (1991 йилдан), Польша (2002 йилдан), Руминия (2004 йилдан), Словения (1999 йилдан), АҚШ, Финландия (1995 йилдан), Франция (1992 йилдан), Швейцария (2003 йилдан) ва х.к<sup>1</sup> қўлланилади.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги институти тизимини тушиниш учун мазкур институтнинг мунозарали жиҳатларига эътибор қаратиш жоиз. Юқорида келтириб ўтганимиздек бу ерда биринчи навбатда ташкилотнинг айби масаласи ниҳоятда мунозарали, ундан кейин эса юридик шахслар жиноятининг объектив томонига ҳам эътибор қаратиш зарур (чунки ташкилот қандай қилиб ҳаракат қилиш орқали жиноят содир этиши мумкин?), корпорация субъект сифатида эътироф қилиниши лозим бўлган жиноятлар доирасини аниқлаш, шунингдек, корпорацияяга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари масалалари ҳам ниҳоятда долзарбdir. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасидек ёш демократик давлат учун ривожланган давлатлар юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг доктринал амалий тажрибаси жуда муҳим ҳисобланади.

Бу борада биз учун кўпроқ англо-саксон ва рамон-герман (континентал) хукуқ оиласига кирувчи давлатларнинг тажрибаси

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ситковский И.В. Проблемы ответственности юридических лиц в уголовном законодательстве // Уголовное право. 2002. №4. С. 45.

қизиқарлы ҳисобланади ва таҳлилиминиң биң англо-саксон ҳуқуқ оиласига кирадиган давлатлар тажрибасидан бошласак мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Назаримизда бу ерда англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган Англия, АҚШ ва Австралия давлатларидағи мавжуд юридик шахсларнинг жавобгарлиги институти алоҳида қизиқиш уйготади.

### **а). Б у ю к Б р и т а н и я**

Англия ҳуқуқида жиноий жавобгарликка жисмоний шахслар билан бир қаторда корпорация, компания, инкорпорив компаниялар, оммавий корпорациялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам тортилиши мумкин. Инкорпорив компаниялар деганда англия ҳуқуқ тизимида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бирлашмалар, масалан касаба уюшмалари, клублар ҳамда ширкатларга айтилади. Умумий қоидага кўра корпорация ёки компания мақомига эга бўлмаган ташкилотлар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бундан статут ҳуқуқида кўрсатилган ҳолатлар истисно ҳисобланади.

Юқорида кайд этганимиздек, корпорацияни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги гоя XIX асрнинг ўрталарида Англия ҳуқуқига кирилишиб, дастлаб судлар корпорацияларни статут мажбуриятларини бузишда айбдор деб топиб тегишли қарорлар чиқара бошлашган, кейинчалик эса, жамият учун хавфли ёки ноқулай, ноқонуний ҳаракатлар содир этса ҳам жавобгарликка тортиша бошлашди<sup>1</sup>.

Бу даврда корпорацияларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласида судлар корпорацияларнинг статут мажбуриятарини бажармаганлиги натижасида жамият учун хавф түғдиришда айбдор деб топиб чиқарган бир неча қарорларини мисол қилиб келтириб ўтсак бўлади. Масалан, 1846 йилда Лорд Денман The Queen v. Great North of England Railway Co (Қиролича Шимолий Англия буюк темир йўл компаниясига қарши) давосида ушбу компанияни қонуний мажбуриятларини етарли даражада бажармаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқарди<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Минин Р.В. Корпоративная уголовная ответственность. - Тюмень, изд. ТГУ, 2016 г.-С.-7.

<sup>2</sup> Қаранг: Волженкин Б.В. Уголовная ответственность юридических лиц. - СПб., 1998. - С. 15.

Бу даврда Англия юристлари ўртасида корпорацияларнинг жавобгарлиги масаласида қизғин торпишувлар бўлиб ўтди. Хусусан, 1886 йилда Лорд Брамвэлл Англия қонунига кўра қонуний фаолият юритиш ниқоби билан тузилган соҳта юридик шахсни ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари учун жавобгарликка тортиш масаласига шубҳа билдириди<sup>1</sup>. Шундан кейин Англия судларини юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортган жиноят ишлари таҳлил қилиниб, натижаси бўйича корпорацияларга жиноят учун айб қўйиш нотўғри деган қарорга келиниб, уларга фақат айборлигини исботлаш талаб этилмайдиган жиноятлар учунгина жиноий жавобгарлик белгилаш лозим деган қарорга келинди. Шунга қарамасдан, 1944 йилдан бошлаб корпорацияларни содир этилган жиноятда айби бор йўқлигидан қатъий назар *mens rea* (ъни айби бор) деб жиноятда иштирокчи сифатида ҳар қандай жиноят ишида жавобгарликка торта бошлашди<sup>2</sup>.

Шу тариқа Англия жиноят ҳуқуқида корпорацияларни жиноий жавобгарликка тортишда улар томонидан қонуннинг бузилиши ҳолати етарли деб топилиб, корпорациянинг жиноят содир этишда айби борлигини исботлаш талаб этилмайдиган бўлди.

Жиноятни объектив томони тўғрисида мулоҳаза юритадиган бўлсак инглиз қонунчилигига юридик шахслар томонидан содир этиладиган қилмишларда идентификация қилиш принципи кўлланилади. Мазкур принципнинг мазмунни шундан иборатки, унда корпорацияларнинг юқори мансабдор шахсларининг (хизматчиларни назорат қиласидиган) ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) ва уларнинг руҳий ҳолати корпорациянинг ҳаракати ёки руҳий ҳолати сифатида баҳоланади. Бундай ҳолатда агарда жиноятни мансабдор шахс содир этса корпорация бажарувчи сифатида, агар хизматчи содир этса иштирокчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилади.

Россиялик олим А.С.Никифоров Англиянинг 1989 йилги “Компаниялар тўғрисида”ти қонуни мазмунини таҳлил қилиб чиқиб, корпорацияларнинг жиноий жавобгарлиги ушбу қонунда тўлиқ регламент қилинган деган хulosага келган<sup>3</sup>. Жумладан, мазкур қонунда кўрсатилганки, агарда корпорацияни жиноят содир этганлиги

<sup>1</sup> Қаранг: Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. - М., 2002. - С. 134.

<sup>2</sup> Қаранг: Уголовное право зарубежных государств. Общая часть / Под ред. И.Д. Козочкина. - М., 2003.-С. 46.

<sup>3</sup> Қаранг: Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. - М., 2002. - С. 51.

унинг директорининг, бошқарувчи котиб ёки бошқа бир шахснинг мансабдор шахс сифатидаги ҳаракати жиноятга йўл кўйиши ёки бефарқ муносабати оқибатида юз берган бўлса ҳам барибир корпорация айборд деб ҳисобланиб судга берилади ва жазога тортилади. Бу норма корпорациянинг директори сифатида бошқариш функцияси юклатилган аъзосининг жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида қилмиш содир этилган ҳолатларга ҳам тадбиқ этилади.

Ким корпорация билан тенглаштирилиши лозим деган саволга жавоб олиш учун 1957 йилдаги суд қарорига мурожаат қилишимиз лозим бўлади. Юқорида қайд этилган Лорд Денин чиқарган қарорда кўрсатилганидек, компанияни инсон билан тенглаштириб, уни ҳам ҳаракатларини назорат қилувчи, унга буйруқ берувчи мияси ва асаб марказлари, ҳамда шу марказ томонидан бошқарувчи қўли мавжудлиги эътироф этилади. Айрим компанияда ишловчи хизматчилар ва агентлар шу компаниянинг қўли ҳисобланиб, унинг буйруқларини ҳеч қандай мулоҳаза қилмасдан хоҳиш иродасини бажарувчи шахслардир. Агарда гап компаниянинг бошқарувчи директори ҳақида бораётган бўлса, бу масала бошқача тарзда ҳал этилади, чунки бу мансабдор шахс шу компаниянинг мияси ва асаб маркази ҳисобаланади ва у компания фаолиятини бевосита назорат қиласи. Компаниянинг бундай хизматчилари, компания билан идентификация қилиниши мумкин. Ушбу қарорда компанияни жиноий жавобгарликка тортиш яна бир ҳолатда мумкинки, қачон компания директори бўлмасада лекин унинг бошқа вакилига бошқариш соҳасидаги ваколатлари берилган бўлса ҳам жавобгарлик юзага келади деб белгиланган.

Шубҳасиз корпоратив бўлмаган бирлашма ўз аъзолари ёки хизматчилари содир этган қилмиши учун жавоб бермайди. Корпорацияларнинг жиноий жавобгарлигини тартибга солувчи хукуқ ўхшашлигига (анология) кўра корпоратив бўлмаган бирлашма фақат статут нормаларида назарда тутилган ҳолатлардагина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Корпорациянинг жиноий жавобгарлигини белгиловчи хукукий нормалар, юқорида келтириб ўтилган инкорпорация бирлашмалари учун ҳам қуйидаги учта ҳолатларда татбиқ этилади:

умумий субсидиар жавобгарлик принципи талабларига жавоб берадиган вазиятлар мавжуд бўлганда;

инкорпорация бирлашмасининг бирорта аъзосининг ҳаракати ёки фикри бўйича бу бирлашма корпорация ваколатига эга деб ўйлаб қилган ҳаракатлари;

бирлашма ўз аъзоларидан бирига шу бирлашманинг маълум функцияларини бошқариш ваколатини юклаган бўлса.

Инглиз статут хукуки нормаларида, агарда жиноят содир этганлиги учун корпорация жавобгарликка тортилса, унга алоқадор бўлган жисмоний шахс ҳам ушбу жиноятга алоқадор деб топилиб жиноят иштирокчиси ёки бажарувчиси сифатида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ундан ташқари, кўпгина инглиз қонунларида тан олинадики, агарда ўз ваколати бўйича юқори турган корпорация мансабдор шахси ҳар қандай ҳолатда корпорация билан бир вақтда жиноий жавобгарликка тортилади, ҳхатто улар умумий хукук талабларига кўра жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлганда ҳам. Агарда бу ҳолатни тартибга солувчи алоҳида конун мавжуд бўлмаганда эди бундай мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун далиллар етарли бўлмас эди. Умуман олганда, Англия қонунчилиги ҳар қандай корпорация ичида содир этилган жиноятда корпорацияни айбдор деб топиши мумкин.

Англия хукукий фани соҳасида корпорацияларнинг жиноий хулқ атвори доирасини белгилаш муаммоси 1886 йилда эълон қилинган максимумда корпорация ўз жисмоний шахсини (ходимини) жиноят содир этишга унданған тақдирда, у ҳам жиноят содир этган ҳисобланади дейилган. Мазкур мавҳум шартга кейинчалик ҳам жўяли бир қўшимча билан аниқлик киритилмаган “Қачонки, корпорация ўзига юклатилган юридик мажбуриятларни бажармаса жавобгарликка тортилади. Агар, унинг ходими ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги ҳолатини ўзи жиноят деб ҳисобланса” тарзида белгиланган. Бошқача сўз билан айтганда, жуда кам микдордаги жиноятлар борки, фақат улардагина корпорация ҳаракатлари жиноий жавобгарликка олиб келмайди. Аммо, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, юридик шахс сифатида корпорация жиноят субъекти бўла олмайдиган жиноятлар таркиби ҳам мавжуд, чунки ўз мазмунига кўра бундай жиноятларни корпорация содир қилиши мумкин эмас. Масалан, бундай жиноятлар қаторига номусга тегиш, кўпхотинли бўлиш каби жиноятлар киради. Ҳақиқатдан ҳам бир қарашда бундай жиноятлар учун корпорацияларни жинсий эркинликка қарши жиноятни бажарувчиси сифатида жавобгарликка тортиш мантиқҳа тўғри келмайди, лекин инглиз адабиётларида вақти-вақти билан бундай қилмишлар учун ҳам корпоратив жавобгарликка тортиш

холатлари мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар учраб туради. Бунга мисол сифатида, корпорация хомийлигига вояга етмаган шахслар иштироқида порнографик жанрдаги фильмни суратга олишни келтириб ўтиш мумкин. Бундай холатларда, мазкур фильмни суратга олиш ишларига ҳомийлик қилган корпорация вояга етмаган шахслар билан жинсий алоқа қилганликда айбланиб, жиноятнинг ташкилотчиси сифатида жавобгарликка тортилади.

Бир вақтнинг ўзида корпорацияни одам ўлдириш жиноятида айблашда ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Биринчидан, корпорацияни назорат қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахснинг хулқ-авторига бўлган талаб қандай бўлиши лозимлиги аниқлаштирилиб олиш лозим. Иккинчидан, бу ерда шундай қоида ҳам борки, унга кўра қилмишга нисбатан икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахснинг “рухий муносабати”ни қўшиш жоиз. Умуман олганда Англия қонунчилиги назарий жиҳатдан корпорация томонидан ҳар қандай жиноятни содир қилишига йўл қўяди.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, Англияда корпорацияларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича суд амалиёти XIX асрдан шакллана бошлаган. Кейинги йилларда Лордлар палатаси томонидан қабул қилинган қарорлардан бири 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, унга кўра компания 1974 йилда Англияда қабул қилинган ишлаб чиқаришда соғлиқ ва хавфсизликни таъминлаш бўйича қонун талабларини бузганликда айбланган. Ушбу қонуннинг талабларига кўра иш берувчи ишлаб чиқаришни шундай ташкил этиши лозимки, унда ишлаб чиқариш жараёнida шу ҳудудда инсонлар соғлиғи ёки хавфсизлигига хавф солиш ҳолатининг олди олиниши зарур. Лордлар палатасининг қарорида, компаниялар ушбу қонун талабларини бузилишига шахсан жавобгардирлар деб белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Шунингдек, инглиз жиноят ҳуқуқида корпорацияларнинг жиноий хулқ-автори тўғрисидаги аниқ қоидалар мавжуд эмаслигини қайд этиш жоиз. Ушбу қоида талабларидан келиб чиқиб хulosса қилиш мумкинки, жисмоний шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазолар тизимини айрим истиснолар билан юридик шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин. Хусусан, жисмоний шахсга нисбатан тайинланадиган инвидуал жазо турлари учун корпорация жавоб бермайди.

---

<sup>1</sup> Каранг: Никифилов Л.С.нинг юқоридаги рисоласи 52 б.

## **б). А м е р и к а Қ ў ш м а Ш т а т л а р и**

АҚШ жиноят ҳуқуки илгари юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласига салбий муносабат билдирган эди. Аммо вақт ўтиши билан ишлаб чиқаришни ва корпоратив фаолиятнинг ўсиши, шунингдек улар фаолияти устидан самарали назорат ўрнатишни талаб қилган жамоатчилик таъсири остида бу масалага бўлган муносабат ҳам ўзгариб борди.

Корпорация жиноий жавобгарлик субъекти сифатида ўз вакилининг қонунга хилоф ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилса, бу ҳолатга субситив жавобгарлик турларидан бири сифатида қараб, жавобгарликни истисно қилиш имконияти сифатида эмас, балки ҳудди Англиядагидек қатпик жавобгарликни назарда тутувчи институт сифатида қараш керак. Ўрни келганда айтиб ўтиш жоизки, қатпик жавобгарлик масаласида айрим Америка ҳуқуқшунос олимлари кескин танқидий фикр билдиришиб, бу ҳолат АҚШ Конституциясининг айбиз жавобгарлик принципи талабларига зид келишини айтишмоқда. Бунинг устига қатпик жавобгарликни белгилаш қилмишнинг олдини олиш фаолиятига хизмат қилмайди ва адолатли бўлмайди.

1909 йилда мамлакат Федерал Олий суди корпорация вакилини унга корпорация томонидан ишониб топширилган ваколатни, оммавий сиёсий мақсадларда фойдаланганлиги учун корпорациянинг ҳам айби бор деб топиб, бу юридик шахсни ҳам жавобгарликка тортиш ҳакида қарор қабул қилди<sup>1</sup>.

Корпорация ўз вакилининг жиноий ҳаракати учун жиноий таъқибнинг субъекти сифатида эътироф этилганланлиги ҳолатининг ўзи, субинституал жавобгарлик турларидан бири ҳисобланиб, у ҳудди Англия қонунчилигига назарда тутилганидек корпорацияни жиноий жавобгарлик субъекти сифатида қарала бошлади<sup>2</sup>.

Америка жиноят қонунчилигининг ривожланиш тенденцияси шуни кўрсатадики, бу ерда юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тарафдорларининг позицияси кучайиб борди. Бундай ҳолатда АҚШ Федерал Олий судининг роли жуда сезиларли бўлди, чунки Олий суд 1849 йилдан мунтазам равишда Конституция ва қонунлар

---

<sup>1</sup> Қаранг: Никифоров Б.С., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. - М., 1990. - С. 144.

<sup>2</sup> Қаранг: Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. - М., 2002. - С. 137.

талабларига зид ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тарафдори бўлиб келди. Кейинчалик АҚШ наъмунавий Жиноят кодекси тузувчилари ҳам шу принцип асосида фаолият юритишиди.

Юридик шахсларнинг қонунчиликдаги жиноий жавобгарлигини танқид қилувчиларнинг важларини рад этиш билан бир вактда, улар бу нормага янги импульс, яъни ҳаёт бағишлиашди. Энди юридик шахсларнинг қатъий жавобгарлигини белгиловчи нормалар АҚШ наъмунавий кодексининг нафақат илгаригидек Махсус қисмида, балки Умумий қисми нормаларига ҳам киришилди.

Америка хукуки институти томонидан ишлаб чиқилган АҚШ Наъмунавий ЖК барча штатлар Жиноят кодекслари учун намуна сифатида тавсия этилиб, унда корпорацияларнинг жисмоний шахслари жиноий жавобгарликка тортилганда, корпорацияни ҳам жиноий жавобгарлигини назарда тутувчи нормалар ўз ифодасини топган. Жумладан, АҚШ наъмунавий ЖКнинг 2.07-моддасида қуйидаги қилмишлар учун корпорация жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин:

тажовуз хукуқбузарлик сифатида кодексда эмас, алоҳида статутда белгиланган бўлиб, унда бу қонун мақсади аниқ белгиланиб, бир ҳолатда корпорациянинг вакили ўз хизмат вазифаси доирасида ва унга берилган ваколатдан фойдаланган ҳолда корпорация манфаатлари учун ҳаракат қилган бўлса жавобгар бўлмаслиги, иккинчи ҳолатда эса, қонун корпорация вакилининг қайси ҳатти-ҳаракатлари учун ёки қайси вазиятларда корпорация жавобгарликка тортилиши белгиланган бўлса;

тажовуз корпорация томонидан қонун билан юклатилган ижтимоий мажбуриятларини ижобий томонга бажармаган бўлса;

тажовуз корпорациянинг директорлар кенгаши ёки вакили- яъни, юқори рангдаги шу корпорация манфаатларига хизмат қилувчи шахс ўз хизмат вазифаси доирасида ҳаракат қилмаган бўлса.

АҚШ наъмунавий ЖКда қайд қилинадики, “агент” жумласи ҳар қандай корпорация манфаатларига хизмат қилувчи директор, мансабдор шахс, хизматчи, ёлланиб ишлаётган ҳар қандай ходим “агент-юқори рангдаги бошқарувчи” сифатидаги жавобгарлик масъулияти юкланган мансабдор шахснинг хулқ-атвори корпорациянинг хулқ-атвори сифатида шархланиши шарт” деб келтириб ўтилади.

Шунингдек, АҚШнинг ушбу наъмунавий Жиноят кодексида қуйидаги норма белгиланган: “агарда жисмоний шахснинг корпорация манфаати йўлида қилган ҳар қандай хулқ-атвори унга шундай

маъсулиятни юклайдики, агар шу жисмоний шахс ўз шахсий манфаати йўлида ўз фойдаси учун ҳаракат қилгандек интилиб ҳаракат қилиши лозим”.

Шундай қилиб Америка қонунчилигида корпорациялар ўз ходимларининг (вакилларининг) хулқ-автори учун ҳам жавобгардирлар, агарда шу ходимлар меҳнат шартномасида назарда тутилган ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қиссалар ва корпорацияга фойда келтириш йўлида қонун ва меҳнат шартномасидаги қоидалар доирасида фаолият олиб борсалар, шу корпорацияга фойда келтирмаган тақдирда ҳам уларнинг ҳаракати жиноят ҳисобланмаслиги қайд этилган.

Корпорация ўз ходимининг фаолияти ва хулқ-автори учун жавобгар эканлигидан ташқари, корпорация вакили (ходими) ҳам корпорация томонидан содир этилган ҳар қандай қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин, агарда у шу корпорация содир этган жиноят ҳақида била туриб, унинг олдини олиш чораларини кўрмаган бўлса<sup>1</sup>.

Бу ерда қуйидаги муҳим ҳолатларга эътибор бериш лозим:

Биринчидан, жиноят фақат ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ҳулқ-авторга асосланган бўлиши лозим. Бу ерда вакил (агент) жавобгарлиги шундай белгиланадики, у қонунга хилоф ўз ҳулқ-автори учун қандай жавобгарликни бўйнига олса бу ерда шундай масъулиятни бўйнига олиши керак бўлади.

Иккинчидан-, жиноят субъекти мақоми ва жисмоний шахснинг руҳий ҳолати шундай бўлиши жоизки, агент ташкилотга қонун билан, ёки бошқа норматив ҳужжат ёхуд буйруқ билан белгилаб берилган ҳолатда унга юклатилган вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Америка судлари корпорацияларни турли хил қилмишлар учун жиноий жавобгарлигини белгилаб беришадики, агар суднинг фикрича корпорацияга шундай жавобгарлик белгиланмаганда у ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги мумкин эди. АҚШ Конгресси корпорацияларга нисбатан агарда улар томонидан қонун талаблари бузилганда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган кўплаб қонунлар қабул қилишган ва улар доирасига атроф муҳитни муҳофаза қилиш, молиявий қарорлар, истеъмолчиларга уларнинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. - М., 2002. - С. 65-66.

соғлиги учун хавф туғдирувчи озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ва ҳ.к. қонунлардир<sup>1</sup>.

“Айрим юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масалаларида тадқиқот олиб бораётган олимлар корпорациялар бা�ъзи бир вазиятлар юзага келганда қотиллик жинояти учун ҳам юридик шахслар жавобгарлигини назарда тутиш керак” деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>.

Америка тадқиқотчилари иқтисодий соҳада қуидаги олтита корпоратив қилимшилар учун юридик шахслар жавобгарликка тортилиши лозим деб ҳисоблайдилар:

давлат томонидан чиқарилган маъмурый актлар ва қарорларини, хусусан, товарларни қайтариб олиш ёки ҳаво ва сув тозаловчи иншоотларни куриш каби фармойишларини бузган тақдирда;

табиатни муҳофаза қилиш борасида чиқарилган фармойишларни (масалан, сувни ёки ҳавони ифлослантирганлиги, маълум худудларни нефт ёки кимё маҳсулотлари билан ифлослантирганликлари) бажармаганликлари учун;

3) молия соҳасидаги хукуқбузарликлар учун (жумладан, сиёсий ташкилотларга ноқонуний субсидиялар ажратиш, сиёsatчиларнинг майиллигини сотиб олиш, валюта бозори тўғрисидаги конунчилик нормаларини бузиш ва ҳ.к.);

4) меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги, хусусан, меҳнат ва меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомлар талабларини бузиш, шу жумладан, ёлланган ишчиларни ирки, жинси ёки диний эътиқодига қараб дискриминация қилиш;

5) ишлаб чиқариш жараёнида содир этиладиган жиноятлар, масалан, хаёт учун хавфли нуксонлари мавжуд бўлган автомобил, самолёт, автошиналар, турли асбоб-ускуналар, шунингдек, соғлиқ учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш ёки сотиш;

6) истеъмолчини алдашга йўналтирилган савдо амалиёти, масалан, ракобатбардошлиқ шартларини бузиш, нархларни ўзбошимчалик билан белгилаш ва бозорни яширин тарзда бўлиб олиш.

Корпорация ҳам ҳаракатлари ҳам ҳаракатизликлари учун жиноий жавобгарликка тортилади. Кейинги ҳолатда жавобгарлик

---

<sup>1</sup> Қаранг:: Брославский Л. Ответственность за экологические преступления в США // Законность. - 2007. - № 10. - С. 60.

<sup>2</sup> Қаранг: Уголовное право зарубежных государств. Общая часть / Под ред. И.Д. Козочкина. - М., 2003. - С. 145..

қонунда күрсатилған бирор бир ҳаракатни содир қылмаганлиги, ёки корпорация томонидан юкландын мажбуриятларни бажармаганлиги учун юзага келади.

Америка жиноят қонунчилиги доктринаси жазо тури ва тушунчасини очиб бермаган, чунки бу масала юзасидан ваколатни суд амалиети ихтиёрига ҳавола қылған. Буларга Америка жиноят хуқуқи доктринасида тұлық ишлаб чиқылған жазо турини танлаш ва жазога тортиш тизими киради. Америка корпорациялари ходимлари учун әмас, балки фақат үzlари содир эттан қылмишлари учун жиной жавобгарликка тортилиши мүмкін ва бу жиноялар учун асосан мулкий тарздаги жавобгарликка асосан жарима ва мол-мулкини мусодара қилиш жазоларига тортиладилар.

Жариманинг энг юқори ҳажми бир миллиондан йигирма миллион долларгача бўлган миқдорни ташкил этиши мумкин. Ушбу жазо турининг асосий мақсади жиноят содир этишнинг олдини олишга йўналтирилган.

Америка қонунчилиги корпорацияларга нисбатан яна мол-мулкини тұлық мусодара қилиш жазосини қўллаш орқали нафақат корпорацияларни тижорат юритиш хуқуқидан тұлық маҳрум қиласы бундан ташқари, уларни ҳаракат қилишига ҳам йўл қўймайди. Бундай жазоларнинг асосий мақсади-, банкротликка учраган фирмаларни барча қонунда күрсатилған солиқ ва бошқа тўловлардан, шунингдек, кредитор ташкилотлар олдидағи қарзлардан ортиб қолган мол-мулкини мусодара қилишдан иборатдир.

1988 йилда Америка Федерал Олий суди суд қарори билан қамоқقا олиш эҳтиёт чорасига муқобил бўлган “жамоавий қамоққа олиш” амалиётини жорий қилди. Жамоавий қамоқнинг мазмуни шундан иборатки, бундай эҳтиёт чораси қўлланилған корпорация мол-мулкини эркин тасарруф этилиши чекланади ва корпорация ўзи хохлаганидек эркин ҳаракат қилиши чеклаб қўйилади<sup>1</sup>.

АҚШ судлари томонидан шакллантириб берилған жазо турларидаги санкциялар, уни молиявий инқирозга юз тушигига йўл қўймасдан балки шу ташкилотни ислоҳ қилишга, хукуқбузарлик ҳолатини қайта содир этилишининг олдини олишга йўналтирилади. Бу чоралар ўз ичига бир қатор шартларни қамраб олади, масалан, компенсация қилиш, қайта ташкил этиш ва ҳ.к.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридических лиц: Дисс. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. - М, 2003. - С. 87.

Хатто жамоатчилик хизматларига ҳам маълум бир мажбуриятлар юклатилиши мумкин. Масалан, нон комбинатига муҳтожларга нон етказиб бериш мажбуриятини юклаш ёки таназзулга юз тутган компанияга уни реабилитация қилиш дастурини ривожлантиришга турли бу соҳадаги ноу-хауларни бериш.

Аммо юқорида келтириб ўтилган жазо турларини қўллаш амалиёти барча Америка штатларида бир хил эмас. Жумладан, Нью-Йорк штати Жиноят кодекси фақат корпорацияларга нисбатан жиноий жавобгарлик масаласи фақат суд томонидан қўлланилган санкция доирасида ва суд корпорацияни айбдор деб топган холатларда тан олади<sup>1</sup>.

Бундай санкциялар категорига шу штат ЖКнинг 80.10-моддаси санкциясидаги жарима ёки шу кодекснинг жазолар тизимининг 65.05-моддасида назарда тутилган шартли равишда жиноий жавобгарликдан озод қилиш жазоси қўлланилади, агарда суд жиноят содир этиш ҳолати ва вазияти, корпорациянинг ишчанлик обрўси жамият манбаатларига зид келмайди деб ҳисобласа корпорацияни оғир жазо турларига тортмайди ёки келтириб ўтилган 65.05-моддадаги қоидалар асосида жазо тайинлайди. Агарда суднинг корпорацияни шартли жазо турига тортиш ҳақидаги хукми юкори турувчи суд томонидан бекор бўлган тақдирда ҳам унга нисбатан фақат жарима жазоси тайинланиши мумкин.

АҚШнинг Огайо, Пенсильвания, Жоржия ва бошқа бир қатор штатларида ҳам корпорацияларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи худди шундай тартибда ҳал қилинади. Юридик шахсларга қўлланиладиган асосий жазо турлари сифатида федерал даражада ҳам, штатлар даражасида ҳам жарима жазоси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Америка қонунчилигидаги юридик шахсларнинг жавобгарлиги институти жуда мураккаб тузилишга эга бўлиб, турли штатларда турли қоидалар қўлланилади ва бошқа давлатларнинг мазкур институтидан кескин фарқ қиласи.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Сборник законодательных актов / Под ред. А.Н. Игнатова и И.Д. Козочкина. - М., 1990. - С. 94-95.

## **в). Австралия**

Австралия юридик шахсларни жиной жавобгарликка тортиш институти АҚШ ва Буюк Британиянинг мазкур институтларининг хусусиятларини ўзига олган бўлсада, лекин Австралияга хос бўлган бир қатор ўзига хос жиҳатлари бор эканлигини бу мамлакат қонунчилиги билан яқинроқ танишганимизда кўришимиз мумкин. Жумладац, россиялик тадқиқотчи Е.Н.Трикознинг эътироф этишича, Австралиянинг дастлабки коланиал ҳукуқида корпорацияларга маълум имтиёзлар берилган<sup>1</sup>.

XIX асрнинг ўрталарида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар таъсирида жиной-хукукий назарияси ва суд амалиётида Австралия колонияларида корпорацияларнинг жиной иммунитети чеклана бошлади.

Трикознинг фикрича Австралия ҳукуқ тизимида корпорацияларнинг жиной жавобгариги масаласига формал ёндашиш назариясининг таъсири натижасида, яъни корпорациялар реал жиноят содир қилишмайдилар ва шу боис уларга айб қўйиш нотўғри деган хulosага асосланган. Бу хulosса қўйидаги иккита ҳолат билан изоҳланади: 1) корпорациялар жисмоний шахслардагидек онг ёки иродага ёхуд танага эга эмаслар, шу сабабли ҳам одатий жазога тортилиши мумкин эмас деб ҳисобланган; 2) корпорациялар гўёки сохта иродага эга бўлган тақдирда ҳам жиноят содир қилиш ҳақида ўйлаш хислатларига эга эмас деган хulosса қилинган.

Австралия ҳукуқ тизимида кўпроқ Квисленд ва Фарбий Австралия штатларининг жиноят қонунчилиги қизиқиш уйғотади. Бунга сабаб факат мана шу иккита штат жиноят қонунчилигигина кодификация қилинган. Австралия иттифоқининг қолган субъектлари Жиноят кодекслари мавжуд эмас, уларнинг ўрнига Буюк Британиядагидек маълум бир жиноятлар гурухини қамраб олувчи консолидация қилинган актлар тизими қўлланилади. Ушбу консолидация қилинган актлар тизимининг умумий қисмида “компания” (бу сўз аслида корпорация сўзининг синоними ҳисобланади), “юридик шахс мақомига эга компания”, “шахс”, “мулкдор” каби терминлар учрайди<sup>2</sup>. Бу терминлар ҳар қандай

<sup>1</sup> Қаранг: Трикоз Е.Н. Эволюция системы источников и основных институтов уголовного права Австралии в 19-20 вв.: Дисс. канд. юрид. наук: 12.00.01. -М , 2002. - С. 103.

<sup>2</sup> Қаранг: Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. - М., 2002. - С. 75.

корпорация, хусусий мулки бор юридик шахсларга бирлашган одамлар жамоасига нисбатан құлланилған. Тадқиқотчи Г.Хайне Австралия жиноят қонунчилігіда жамоавий жавобгарлик муаммосини ўрганиш жараёнида, шундай хulosага келадики, бу мамлакатда Жиноят кодексларидан ташқари яна маҳсус қонунлар борки, уларда юридик шахсларнинг солиқ, савдо ва экология соҳасидаги жиноятлари учун жавобгарлик белгилаб қўйилғанлигини қайд этади<sup>1</sup>.

А. С. Никифоров эътироф этиб айтадики, Австралияning Квисленд ва Фарбий Австралия штатлари ЖКнинг муаллифлари “юридик шахс” (компания, корпорация) ёки “шахс” тушунчаларини аниқ очиб беришолмаганлигини айтиб ўтган. Унинг фикрича бу кодекслар муаллифлари юридик шахс тушунчаси жиноят қонунчилігига нисбатан кўпроқ фуқаролик қонунчилігига тегишли иборалар деб ҳисоблашган. Аммо, “айб” термини Австралия жиноят қонунчилігига атрофлича тўлиқ очиб берилган. Жумладан, Австралия ЖКнинг 12.3-моддасида “Агарда жиноят содир этишдаги жисмоний ният ёки эҳтиётсизликка айбнинг элементлари сифатида жисмоний шахсга нисбатан қўллайдиган бўлсақ, унда айни корпорацияларга нисбатан ҳам қўллаш жоиз, чунки қилимиш корпорациянинг билвосита ёки бевосита жимгина розилиги билан содир этилади” дейилган<sup>2</sup>. Бир вақтнинг ўзида мазкур кодекс да айни, юридик шахсларнинг жавобгарлигини истисно қиладиган қоидалар ҳам мавжуд, хусусан, мазкур кодекснинг 12.3-моддасининг 2-қисми “d” бандида қуидаги мазмундаги норма келтирилган, “тегишли қонун хужжатлар талабларига амал қилишни ўргатадиган корпоратив маданиятни яратиб берган ёки қўллаб-қувватлаган”<sup>3</sup>.

Шу вақтнинг ўзида агарда унга истисно тариқасида қонун хужжатлари билан маҳсус ваколат берилмаган бўлса, корпорациянинг раҳбар мақомига эга бўлмаган оддий хизматчиси ёки агенти жисмоний жавобгарликка тортилмайди. Бу қоида Австралия ЖКнинг 12.2-моддасида қуидагича баён қилинган: “Агарда жиноятнинг жисмоний элементи корпорациянинг маҳсус агенти ёки хизматчисининг

<sup>1</sup> Қаранг: Г. Хайне. Коллективная уголовная ответственность // Право и политика. - 2001. - №7. -С. 50.

<sup>2</sup> Қаранг: Уголовный кодекс Австралии 1995 г. / Научн. ред. И.Д. Козочкин, Е.Н. Трикоз. - СПб., 2002.-С. 91.

<sup>3</sup> Қаранг: Уголовный кодекс Австралии 1995 г. / Научн. ред. И.Д. Козочкин, Е.Н. Трикоз. - СПб., 2002.-С. 91.

оммавий ёки күриниб турган фаолияти доирасида юз берса, бу элемент корпорация ҳисобига қайд этилади” дейилган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, корпорация статут ва умумий хукуқда назарда тутилган күплаб қылмишларда корпорация учун жиной жавобгарлик белгиланган. Шунга қарамасдан бир қатор жиноятлар доирасида, жиноят субъекти сифатида юридик шахслар ҳисоблансада, уларнинг доираси қатый белгиланмаган ва чекланмаган, маълум бир тоифадаги жиноятлар факат жисмоний шахслар томонидан содир этилади.

Булар қаторига ёлғон кўрсатма бериш жиноятини мисол қиласак бўлади. Чунки, корпорация ёлғон кўрсатма беролмайди ёки кўп хотинлилик, номусга тегиш ва бошқа жинсий эҳтиёжни қондиришга қаратилган жиноятларнинг субъекти ҳам корпорация бўлолмайди. Аммо Австралия ЖКнинг 12.1-моддасида “корпорация ҳар қандай жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин, ҳатто бу жиноят санкциясида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлсада”<sup>2</sup> дейилган.

1964 йилда Австралиянинг Квисленд штати Олий суди “нафақат жисмоний шахс, ҳхатто корпорация ҳам жиноий жавобгарликка тортилмайди, агарда жиноят уларнинг хоҳхиш иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатда содир этилса” деган хуросага келди. Шу муносабат билан қўйидаги масала кун тартибига кўндаланг бўлди: қандай қилиб ташкилотнинг хоҳхиш-иродасини хукукий жиҳатдан жиноий жавобгарликнинг шартларидан бири сифатида юридик томондан мустахкамлаб қўйиш мумкин? Ушбу институтнинг қонуний тузилишига Америка суди томонидан Кристи (1984 й.) иши бўйича чиқарилган қарор катта таъсир ўтказди. Унга кўра, биринчидан, корпорациянинг агенти (вакили) ҳаракатлари унга юқлатилган хизмат мажбуриятлари доирасида содир этилган бўлса, иккинчидан, шу вақтнинг ўзида корпорация манфаатлари таъқиб қилинган бўлиши лозим, учинчидан, шу ҳаракатни содир этиш учун алоҳида ваколат берилган (директорлар кенгаши томонидан) бўлиши лозим. Шундай қилиб, Австралия жиноят хукуки америка хукуқшунослари томонидан ишлаб чиқилган “идентификация қилиш” назариясини тўлалигича қабул қилиб олди.

---

<sup>1</sup> Каранг: Уголовный кодекс Австралии 1995 г. / Научн. ред. И.Д. Козочкин, Е.Н. Трикоз. СПб., 2002. - С. 89.

<sup>2</sup> Каранг: Уголовный кодекс Австралии 1995 г.//науч. Ред. И.Д.Козочкин, Е.Н. Трикоз. –СПб., 2002. –С.89.

Шу сабабли, корпорация статут ёки умумий хуқуқда назарда тутилган кўплаб жиноятларни содир этишда айбдор деб топилиши мумкин. Кўйида шундай жиноятларнинг бир нечтасини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Масалан, бундай жиноятлар қаторига пасквил деб аталмиш судга ҳурматсизлик қилиш, фармацевтика фаолияти билан ноқонуний шугулланиш, савдо тўловларини тўлашдан бўйин товлаш, хуфёна савдо ва хизмат қўрсатиш бозорини яратиш кабилар киради. Юридик шахслар содир этиши мумкин бўлган жиноятлар субъектлари доираси якунланмаган бўлсада, ташкилотни баъзи тоифадаги жиноятларни содир этганилиги учун жиноий жавобгарликка тортишда айрим чеклашлар мавжуд, масалан, айрим жиноятлар факат жисмоний шахслар томонидан содир этилиши мумкин. Булар қаторига ёлғон қўрсатма бериш киради- чунки, корпорацияни ёлғон қўрсатма бермаслик ҳақида огоҳлантириб бўлмайди, кўпхотинлилик, чунки корпорация билан никоҳдан ўтиш имкони умуман йўқ, номусга тегиш ва бошқача тарзда жинсий эҳтиёжни қондириш каби жиноятларда ташкилотни жавобгарликка тортиш мантиқан мумкин эмас. Австралия ЖКнинг 12.1-моддасида “корпорация ҳар қандай жиноят содир этишда айбдор деб топилиши мумкин, шу жумладан озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилганлари учун ҳам” дейилган<sup>1</sup>.

Умуман олганда қонунчилигига корпоратив жавобгарлик назарда тутилган мамлакатлар ичида Австралия мамлакатининг корпоратив жавобгарлигини назарда тутувчи санкцияларида кўпроқ шахснинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ жазолар эмас, моддий жазолар тури (жарима, жиноий йўл билан топилган мулкни мусодора қилиш, маълум тижорат тури билан шугулланиш хуқуқидан маҳрум қилиш, корпорацияни тарқатиб юбориш) кўпроқ қўлланилади. Корпорацияларга қўлланиладиган жазо турларидан бири бу – жарима жазоси бўлиб, бу жазо тури кўпгина ҳолатлардан келиб чиқиб тайинланади.

Жарима жазосини қўллаш юзасидан қабул қилинган йўриқномада асосий эътибор, айбдор қайси соҳада ноқонуний фаолият юриши, ҳар қандай молиявий йўқотишлар ва зарар билан боғлиқ айбдорнинг харакатлари инобатга олинади.

---

<sup>1</sup> Каранг: Уголовный кодекс Австралии 1995 г./науч. Ред. И.Д.Козочкин, Е.Н. Трикоз. –СПб., 2002. –С.89.

## **2.2. Юридик шахслар жавобгарлигининг роман-герман (континентал) ҳуқуқ тизимидағи хусусиятлари**

Роман-герман (континентал) ҳуқуқ оиласига асосан континентал Европа давлатлари киради. Юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги нұқтаи назаридан тадқиқот учун қызықарлы ҳисобланған давлатларга континентал Европанинг Германия, Франция ва Нидерландия давлатлари қонунчилігі киради.

### **a). Франция**

Франциянинг инқиlobағача бўлган ҳуқуқида факат айrim жамоаларнинг жиной жавобгарлиги белгиланған эди. Бундай жамоаларга турли ассоциациялар, корпорациялар, университет жамоалари, ҳхатто алоҳида одамлар яшайдиган худудий жамоалар сифатида шаҳарлар кирган. XVI-XVII-асрларда Францияда бундай жамоалар сони кескин ошиб борган, бунга сабаб мамлакат иқтисодиётининг мунтазам ўсиб бориши ва жамиятда янги синф-буржуазия синфининг вужудга келиши бўлган.

1670 йилдаги жиноят процесси соҳасида ишлаб чиқилиб нашр қилинган йирик орданансда бутун бошли бўлим жамоани жазолашни назарда тутувчи нормалардан иборат бўлиб, унда алоҳида жамоа сифатида шаҳарларга тайинланадиган жазолар турлари ва тайинлаш тартиби кўрсатилган эди. Ордананс судъяга шунақа жазо турларини таклиф қилганки, унда қонунга кўра субъектнинг “жиноят”и имкон қадар унинг статуси ва табиатига максимал даражада мос келиши лозим эди. Жазолар тизими мумкин қадар катта жарима, турли хил тўловлар ва сотиб олишлар каби мулкий характердаги жазо турларини назарда тутган. Шаҳарлар учун эса алоҳида бирлашма сифатида бошқа жазо турлари ҳам назарда тутилган эди, масалан, бутунлай бузиб ташлаш, маълум ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, имтиёз ва енгилликлар бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби жазо турлари шаҳарлар учун кўлланилиши назарда тутилган.

1789-1794 йиллардаги Францияда юз берган буюк француз инқиlobи бир томондан асосий мақсад сифатида индивидуал эркинликлар ва индивидуал жавобгарлик принципларини мустаҳкамлаб қўйган бўлса, иккинчи томондан, профессионал белги билан ташкил этилган ҳар қандай ташкилотлар фаолиятини таъкилаб қўйди ва фаолияти фойда олишни назарда тутган корпорацияларга алоҳида рухсат бериш тизимини жорий этди. Натижада факат айrim тижорат бирлашмалари, ҳамда давлат ва коммуна каби юридик шахслар учун жиной жавобгарлик институтини тугатди. Шу боис,

1810 йилдаги Франция Жиноят кодексида юридик шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилмаган эди.

Франциянинг амалдаги Жиноят кодекси 1992 йилда қабул қилинган бўлиб, бу кодекс Умумий ва Махсус қисмлардан иборат ва юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи ҳар иккала қисмда ҳам батафсил ёритиб берилган<sup>1</sup>.

Франция ЖКнинг 121.2-моддасида, “давлатдан ташқари юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг асосий белгилари, шу кодекснинг 121.4-121.7-моддаларида ёки бир қатор қонуности ҳужжатларида жиноий килмиш бирор орган ёки унинг вакили жиноятнинг бажарувчиси ёки иштирокчиси сифатидаги жавобгарлигини” назарда тулади.

Бу ерда биринчи навбатда француз хусусий ҳукуқида назарда тутилган тижорат жамиятлари, турфа хил ассоциация, фондлар ва шунга ўхша什 фуқаровий-ҳукуқий бирлашмалар, шунингдек, қонуний асосга эга бўлган хусусий гурухлар ва касаба уюшмалари киради. Агарда улар фаолиятига француз юрисдикциясини татбиқ этиш имконияти мавжуд бўлса, жиноий жавобгарликка хорижий хусусий ҳукуқ юридик шахслари ҳам тортилиши мумкин.

Булар биринчи тоифадаги юридик шахслар ҳисобланадилар. Бошқа тоифадаги юридик шахсларга оммавий ҳукуқ юридик шахслари киради. Маълумки, Франциянинг 1970-1980 йиллардаги Жиноят кодекси лойиҳаларида мазкур субъектлар жиноят қонунчилиги доирасига кирилмаган эди. Аммо, ушбу масалани қонунчилик органидаги муҳокамалари давомида оммавий юридик шахслар учун ҳам жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилди, фақат бу масалада давлатга нисбатан жавобгарлик белгиланмади.

Тадқиқотчи Н. Е. Крилованинг таъкидлашича “француз қонунчилигида юридик шахсларнинг жавобгарлиги ижтимоий ва қўшимча жавобгарликни англатади”<sup>2</sup>.

Бунинг сабаблари қўидагича: биринчидан-, юридик шахслар жиноий жавобгарликка фақат жисмоний шахслар билан бирга тортиладилар, аммо уларнинг ўрнига эмас. ЖКнинг 121-2-моддасида маҳсус кўрсатилганки, “юридик шахсларнинг жавобгарлиги

---

<sup>1</sup>Каранг: Франция Жиноят кодекси. СПб., 2003.

<sup>2</sup> Каранг: Крылова Н.Е. Основные черты нового Уголовного кодекса Франции. -М., 1996. - С. 53.

жисмоний шахсларнинг ҳам жавобгарлигини истисно этмасдан, уни “бажарувчи ёки шу ҳаракатни иштирокчиси” деб эътироф этади.

Иккинчидан, Франция ЖКда юридик шахсларнинг жиной жавобгарлиги қўйидаги иккита шартлар билан изоҳланади:

жиноят юридик шахснинг манфаатлари йўлида содир этилган бўлиши;

2) унинг раҳбари ёки вакили томонидан содир этилиши лозим. Жиноятни юридик шахс манфаатлари йўлида содир этилиши деганда, жиноятнинг содир этилиши натижасида юридик шахс маълум наф кўриши, яъни мулкий ёки бошқа кўринишдаги фойда кўриши назарда тутилади.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги фақат қонунда ёки қонун ости ҳужжатларида алоҳида назарда тутилган ҳолатлардагина юзасага келади.

Юридик шахсларнинг “айби” муаммоси француз жиноят-хукуқий фанида кенг муҳокама қилиниб келинмоқда. Бир гурӯҳ француз муаллифларнинг фикрича, “юридик шахс фақат ўз вакиллари орқали ҳаракат қилгандиги боис, унинг ҳаракатлари маънавий элементнга эга эмас, шу сабабли юридик шахс қилмишида айб бўлиши ҳам мумкин эмас деб мулоҳаза билдириб, бундай ҳолатда юридик шахслар жавобгарлиги “сохта” жавобгарлик бўлиб қолади” деб эътироф қиласидилар. Француз ҳукуқшуносларининг бошқа вакиллари эса, бу важни ва юридик шахсларнинг “сохта” жавобгарлиги ҳакидаги бошқа важларни асоссиз ҳисоблаб, унда фуқаролик-хукуқий ҳолатларда ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлигини бекор қилишга тўғри келади, чунки фуқаролик-хукуқий ҳолатда ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлиги, шу ташкилотнинг айби мавжудлигини исботлашни талаб этади деган фикрларни баён қилишади.

Алоҳида назарда тутилган ҳолатлар деганда энг аввало жиноят юридик шахснинг раҳбари ёки унинг вакили томонидан содир этилиши тушинилади. Бу ерда жиноят субъектлари билан боғлиқ айrim ҳолатлар мавжудки, улар ташкилот фаолияти билан бевосита боғлиқ. Ташкилотда ишлайдиган техник ходимлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар, оддий ходимлар, яъни таъсис ҳужжатларида ташкилот вакили сифатида эътироф қилинмаганларнинг қилмиши, ташкилотни жавобгарликка тортилишига асос бўлмайди. Бу далил юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тарафдорларининг фикрича эътиборга лойик. Уларнинг фикрича бу ҳолат техник муаммолардан бири ҳисобланади ва жиноий жавобгарликни тақсимланишига таъсир кўрсатади.

Франция қонунчилигига кўра юридик шахсларнинг жавобгарлиги барча жинояллар учун белгиланмаган, факат қонун ости хужжатларида назарда тутилган ҳолатлардагина бу жавобгарлик юзага келади.

Тадкиқотчи Б. В. Волженкиннинг қайд этишича Франция жиноят қонунчилиги бундай ҳолатлар доирасини белгилаб беради<sup>1</sup>. Бу каби жинояллар қаторига инсониятга қарши жинояллар, гиёхвандлик моддаларини тайёрлаш, уларни сақлаш, узатиш, экспорт ва импорт қилиш, бошқа одамларнинг ҳаётини хавф остига қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларни дискриминация қилиш, одамлар устида турли тажрибалар ўтказиш, инсон қадр-қиммати, меҳнат қилиши ва яшаш шароитига мос келмаган ахволга солиб қўйиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, тухмат қилиш, ЭҲМ картасидан олинган маълумотлар ёрдамида инсоннинг ҳукуқларига тажовуз қилиш, қариндош уруғчилик муносабатларига тажовуз қилиш, қўшмачилик, турли кўринишдаги ўзгалар мулкини ўзлаштириш, ишончни суиистеъмол қилиш, гаровга қўйилган ёки хатланган мулкни суиистеъмол қилиш, тўловга лаёқатсизликни сохталаштириш, жиноий йўл билан топилган мулкни сотиб олиш, мулкка зарар етказиш ёки уни нобуд қилиш, маълумотларни автоматик тарзда қайта ишловчи тизимга тажовуз қилиш, миллатнинг асосий манфаатларига (давлатга хоинлик қилиш, жосуслик, фитна ва х.к.), хиёнат қилиш терроризм, жангари гурухлар, ҳаракатлар ташкил қилиш ва улар фаолиятида иштирок этиш, пора бериш ва таъсир ўтказиш, жамоатчилик ишларига тўсқинлик қилиш, вазифаларни ноқонуний ўзлаштириб олиш, ноқонуний унвонларни эгаллаш ва реклама қилишда мансабидан фойдаланиш, жиноят ишлари бўйича одил судлов ҳокимиятига тажовуз қилиш, хужжатларни қалбакилаштириш, пул, қимматли қоғозлар, почта маркаларини калбакилаштириш, давлат ҳокимияти органлари рамзларини сохталаштириш каби 32 дан зиёд жинояллар киради.

Франция ЖК юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига нафакат шу шахсларнинг раҳбарлари ёки вакилларининг жиноий фаолияти учун балки уларнинг суиқасди учун ҳам жавобгарликни назарда тутади. Ундан ташқари, ЖК да юридик шахсларнинг рецидив

---

<sup>1</sup> Каранг: Волженкин Б.В. Уголовная ответственность юридических лиц. - СПб., 1998. С. 23.

жинояти, шунингдек, уларни реабилитация қилиш тартибини ҳам белгилайди.

Юридик шахслар учун жиной-хукукий санкциялар Франция ЖКнинг 2 бўлим, 1 боб, учинчи титулида батафсил берилган бўлиб, уни тадқиқотчи А. А. Меньших ўз тадқиқотларида таҳлил қилиб уларни қуидаги учта гурухга бўлади:

жиноят санкциялари – жиноят содир қилганлиги учун;

тузатувчи санкциялар – турли хукуқбузарликлар учун;

2 кичик бўлимда кўрсатилган тартиббузарлик учун<sup>1</sup>.

Жиноят ва тузатувчи санкцияларга қуидаги санкциялар киради:

1) жарима – жисмоний шахслар учун тайинланадиган жариманинг беш баравар миқдоридаги ёки жисмоний шахсга нисбатан жарима қўлланилмаган бўлса 1000 000 евро жарима;

2) тугатиш – агарда ташкил этилган юридик шахс норматив хужжатларда кўрсатилган фаолиятидан четга чиқиб жиноят содир қилиши ёки жисмоний шахс содир қилиши мумкин бўлган жиноятни содир қилиши ва унинг учун беш йилдан кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлиши;

3) таъкиқлаш – доимий ёки беш йилгача бевосита ёки билвосита қайсиdir бир касбий ёхуд жамоат фаолиятининг бир ёки бир неча тури билан шуғулланиш хукуқидан маҳрум қилиш;

суд назорати – беш йил ёки ундан кўпроқ муддатга суд назорати ўрнатиш;

ёпиш – доимий ёки беш йилгача битта ёхуд бир нечта ташкилотни жиноят содир қилишга шарт-шароит яратиб берганлиги ҳолатларида;

маҳрум қилиш – доимий ёки беш йилгача давлат органлари билан турли шартномалар тузиш хукуқидан;

таъкиқлаш – доимий ёки беш йилгача аҳолини жамғармаларини жалб қилишга таъкиқ қўйиш;

таъкиқ – доимий ёки беш йилгача қандайдир чек, қимматли қофоз чиқариш ёки чек бўйича маблағларини олиш ёхуд аккредитивлардан фойдаланишга таъкиқ қўйиш;

мусодара қилиш – жиноят содир қилиш қуроли ёки жиноят содир этишга мўлжалланган предметларни;

суд қарорларининг чиққанлиги хақида матбуотда, ОАВ ёки нашр ҳолатида ёки аудиовизуал ҳолатда эълон қилиши;

---

<sup>1</sup> Қаранг: Меньших А.А. Охрана окружающей среды во Франции. Уголовно-правовые аспекты // Журнал российского права. 2000. № 10. С. 143 - 144.

жиноят содир қилиш қуроли сифатида ёки унинг ёрдамида содир этилган ҳайвонни мусодара қилиш;

5 йилгача ёки муддатсиз ҳайвон ушлашга таъзиқ қўйиш;

5 йил муддатга давлатдан, маҳаллий ҳокимият органларидан, ташкилот ва муассасалардан моддий ёрдам олиш ёки жамоатчилик ишлари билан шуғулланувчи хусусий шахслардан молиявий ёрдам олиш;

доимий ёки беш йил муддатга битта ёки бир нечта муассасаларни тўғридан тўғри ёхуд билвосита бир ёки бир неча касбий ёки жамоатчилик фаолиятини тўхтатиб қўйиш;

ЖКнинг 131-21-моддасида кўрсатилган тартибда мол-мулкни мусодара қилиши.

Кодекснинг кичик бўлимида келтирилган тартиббузарликлар бўйича юридик шахслар жавобгарлиги, ЖКнинг 131-40-моддасида шу кодекснинг 131-42-моддасида назарда тутилган жарима ёки хукуқларни чеклаш ёки маҳрум қилиш назарда тутилган.

Янги ЖК кучга киргандан кейин Францияда 8 ой давомида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлик ҳолати бирор марта ҳам қайд этилмаган. Умуман олганда юридик шахсларнинг корпоратив жавобгарлиги Франция амалиётида кам учрайди. Хукукни муҳофаза қилиш органлари юридик шахсларни жиноий жавобгарлика тортишга доим шошилишмайди. Ҳар йили мамлакат миқёсида бир нечтагина юридик шахс жавобгарлика тортлади холос.

Шундай ҳолатлардан бири 1995 йил 8 ноябрда фуқаролик тартибида тушган шикоят асосида кўзғатилган бўлиб, ушбу ҳолат товарларни сохталашибирганлик учун тушган шикоят эди. Мазкур ҳолат бўйича хукуқий мақоми (юридик ёки ноюридик шахс) алоҳида муҳокама қилинган иккита ассоциация жиноий жавобгарлика тортилган.

Сўнгги йиллардаги мисоллардан бири сифатида 2013 йил 18 июндаги суд қарорини келтириб ўтса бўлади. Ишнинг мазмунига кўра чангى учиш бўйича мусобақа уюштирган спорт ассоциацияси, мусобақа қатнашчиларининг хавфсизлигини етарли даражада таъминламаганлиги оқибатида битта спорччи ҳалок бўлган.

Барча ҳолатларда юридик шахсларга нисбатан жарима жазоси қўлланилган. Энг қизиги барча юридик шахсларга нисбатан кўзғатилган жиноят ишлари бўйича чиқарилган қарорлар устидан бирорта ҳам шикоят берилмаган, гарчанд францууз юристларининг фикрича бу жазолар жуда ҳам қатпиқ бўлсада қонунан асослаб берилмаган. Хусусан, қарорда ҳақиқатдан ҳам суд жиноий қилмишни

содир этган шахсларнинг барчаси аниқланганми (юридик шахсларнинг раҳбарлари, вакили ёки бошқа ходими), ва бу жиноят ташкилотнинг фойдаси учун содир этилганми ва х.к. каби саволлар жавобсиз қолган.

## **б). Г о л л а н д и я**

Франциянинг жиноят қонунчилиги ўз вақтида Голландия жиноят қонунчилигига катта таъсир ўтказган. Бунга сабаб, Голландияда 1810 йилдан 1886 йилгача Голландия худудида француз Жиноят кодекси қўлланилган ва XIX-асрнинг охирларида миллий Жиноят кодекси билан алмаштирилган<sup>1</sup>.

Голландия қонунчилигига кўра, юридик шахс деб оммавий хукуқ субъектлари (давлат, ҳокимият идоралари, муниципалитет) ва ўз хизматчилари иш фаолиятини ташкил этадиган ва назорат қиласидаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи бошқа корпоратив ташкилотлари топилади<sup>2</sup>. Аммо давлат, ҳокимият ва муниципалитетлар маълум даражада дахлсизлик хукуқига эга, чунки уларда давлат органлари деган мақоми бўлиб, улар қонун билан юклатилган маъмурият мажбуриятларни амалга оширишади.

Давлат ва унинг органлари иммунитети илмий адабиётларда танқид остига олинган. Бу ҳақда А. Н. Тарбагаев шундай дейди, “тушунарсиз, нима учун бир ҳолатда маъмурий мажбуриятларни бажариш жиноий жавобгарликка тортишга тўсқинлик қиласи, етказилган зарарни қоплаш учун даво қилганда эса ундай эмас. Бошқа томондан шундай иммунитет учун бу ҳолат фойдали ҳам, чунки давлат ўзини ўзи жазолаб жарима тўлаш орқали пулни бир чўнтағидан олиб, иккинчи чўнтағига солади”<sup>3</sup>.

Юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортишнинг муҳим шартларидан бири корпорациянинг айби мавжудлигини аниқлаш масаласидир.

Англо-саксон хукуқ оиласига кирадиган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, голланд жиноий-хукуқий фани юридик шахсларнинг мустақил айби борлигини асослашга ҳаракат қилган. Шу сабабли, юридик шахсларнинг жавобгарлигини, айбини аниқлаш учун жисмоний

<sup>1</sup> Қаранг: Кабилова С. А., Заман ШХ. Становление и развитие уголовного права зарубежных стран. - Муром, 2004. - С. 43.

<sup>2</sup> Қаранг: Тарбагаев А. Н. Введение в уголовное право Нидерландов: основные институты общей части. - Красноярск, 2001. - С. 29.

<sup>3</sup> Қаранг: Тарбагаев А. Н. юқоридаги китоб 30 –Б.

шахсларнинг ҳаракатига аниқ розилик билдириш, яъни унинг ҳаракатлари тўғрисида хабардор бўлиш ва қўллаб қувватлаш лозим.

Голландия жиноят қонунчилигига кўра, юридик шахс ҳар қандай жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкин, фақат суд амалиёти айрим истиснолар билан (масалан, жинсий кўринишдаги жиноятлар учун юридик шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас). Шунга қарамасдан бу мамлакатнинг хуқуқни қўллаш амалиётида одам ўлдириш жинояти учун ташкилот жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учрайди. Шундай килиб, Голландия жиноят қонунчилигига корпорациялар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг қатый рўйхати келтириб ўтилмаган.

Голландия жиноят хуқуки юридик шахслар (корпорациялар) томонидан содир этиладиган жиноятларнинг қатый рўйхатини бермайди. Чеклашлар эса ҳудди англо-саксон хуқуқ оиласидагидек.

Юридик шахсларга табиий равишда қўлланилиши мумкин бўлмаган (масалан, қамоққа олиш) жазо турларидан бошқа барча санкцияда кўрсатилган жазо турлари қўлланилиши мумкин. Голландия ЖКда асосий жазо тури ҳудди бошқа давлатларникидек жарима жазоси ҳисобланиб, у содир этилган жиноятнинг оғирлик даражасига қараб олтига тоифага бўлинади<sup>1</sup>.

Голландия ЖКнинг 23-моддасининг 7-қисми талабларига кўра юридик шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жариманинг энг баланд миқдори, агар суд фикрига кўра юридик шахсга қўлланилган жарима миқдори нисбатан енгил деб ҳисобласа юқори тоифадаги жарима миқдорини тайинлаши мумкин. Шу боис, олтинчи тоифадаги жарима жазоси фақат юридик шахсларга нисбатан қўлланилади. Иккисодий жиноятлар тўғрисидаги Қонунда юридик шахслар учун жаримадан бошқа жазо турлари ҳам келтириб ўтилган, улар қаторига жиноят содир этишда фойдаланилган предметларни мусодара қилиш, корпорация фаолиятини бир йилгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйиш, маълум имтиёз ва преференциялардан икки йилгача маҳрум қилиш, корпорация фаолияти устидан назорат

---

<sup>1</sup> Қаранг: Уголовный кодекс Голландии / Науч. ред. проф. Б.В. Волженкин. - СПб, 2001. - С. 55.

ўрнатиш, хукмни матбуотда чоп этиш, ноқонуний олинган фойдаларни мусодара қилиш ва бошқалардир<sup>1</sup>.

Жиноят содир этишда фойдаланилган предметларни мусодара қилиш, имтиёз ва преференцияларни қўллашга файриқонуний равища тўсқинлик қилиш каби жиноят турлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолат фақат жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилиши назарда тутилган. Масалан, айрим ўта оғир тоифадаги жиноятларни содир қилинди қўлланилган ўқ-отар қуроллари, гиёхвандлик воситалари (ЖКнинг 97, 164, 242, 273. 275м.м.) ёки тадбиркорлик фаолиятида имтиёз ва преференцияларни қўллашга файриқонуний равища тўсқинлик қилиш (1926-м.) учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Юридик шахсларни тугатишида кўплаб муаммолар мавжуд, жумладан, жисмоний шахснинг ўлими жиноий таъқибни амалга оширишни имконсиз қилиб қўяди.

Аммо одам ўлими ва юридик шахсни тугатиши турли кўринишдаги воқеликдир, чунки юридик шахсни ўз фаолиятини тугатиши жиноий жавобгарликдан бўйин товлашнинг бир усули бўлиши ҳам мумкин. 1996 йилнинг март ойида Голландия Олий суди юқорида келтириб ўтилган ҳолатларда жиноий жавобгарлик масаласи фақат жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилиши ва юридик шахсларга нисбатан эса, татбиқ этилмаслиги ҳақида қарор чиқарди<sup>2</sup>. Олий суднинг мазкур қарори юридик шахс томонидан содир этилган фирибгарлик жиноят иши юзасидан чиқарилган бўлиб, юридик шахс ўзига нисбатан қўзғатилган жиноят иши мавжудлигини билиб колиб, ўз фаолиятини тугатган. Олий суд қарорида “агарда юридик шахс фаолиятини ўз-ўзидан тугатиш факти, жиноят иши қўзғатилгангача бўлган даврда тугатилган бўлса ҳам бундай ташкилот жиноий жавобгарликка тортилиши лозим” дейилган. Бу шуни англатадики, жазо ташкилот тугатилган тақдирда ҳам юзага келади.

## **в). Н и д е р л а н д и я Қ и р о л л и г и**

Нидерландия жиноят хукуки манбаси сифатида 1881 йилда қабул қилиниб, бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар кириптилган Жиноят кодекси, Иқтисодий жиноятлар тўғрисидаги 1950 йилдаги, 1994

<sup>1</sup> Каранг: Р.В.Минин. Корпоративная уголовная ответственность. Уч. пособия. Тюмень, изд-во ТГУ. 2016г. –С.30.

<sup>2</sup> Каранг: ўша ерда 31бет.

йилдаги Йўл харакати хавфсизлиги тўғрисидаги, 1928 йилдаги Наркотик моддалар тўғрисидаги, 1989 йилдаги курол ва у билан таъминлаш тўғрисидаги қонунлар ҳисобланади. Турли хил қоидаларни тартибга солувчи, уни бузганлик учун кам аҳамиятли қилмиш сифатида эътироф этувчи бир қатор қонуности актлари мавжуд.

Юридик шахс сифатида нидерланд қонучилигига кўра оммавий ҳуқук субъектлари (давлат, вилоят, муниципалитетлар) ва бошқа корпоратив бирлашмалар (фирма, ассоциация ва х.к.) аниқроғи тижорат фаолияти билан доимий асосда шуғулланувчи ва ўз ходимлари фаолиятини ташкил этувчи ва назорат қилувчи шахслар назарда тутилган. Нидерландия Олий суди қарорига кўра давлат, Марказий ҳукумат мисолида жиноий жавобгараликка тортилмайди. Масалан, 1994 йилда давлат экологик жиноятларни содир этишда айбланган эди (ҳарбий аэродромда кўп микдорда керосинни оқизиб юбориб, атроф муҳитга катта зарар етказган). Бундай қарор чиқарилишига асос ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳисобланган. Суднинг фикрича Марказий ҳукумат тўлиқлигича ва вазирлик парламент олдида жавобгардирлар. Аммо, Олий суд нима учун давлат маъмурий ва фуқаролик тартибида жавобгарликка тортилиши мумкину, лекин жиноий жавобгарликка эса тортилиши мумкин эмас деган саволга жавоб бермаган. Айрим олимларнинг фикрича Олий суднинг масалага бундай ёндашиши субъектларнинг қонун олдида тенглиги принципига зид келади. Агарда бундай қилмиш хусусий авиакомпания томонидан содир этилганда, у хеч шубҳасиз жиноий жавобгарликка тортилган бўларди.

Нидерландияда вилоятлар ва муниципалитетлар чекланган иммунитетга эга, чунки улар давлат органлари мақомига эга ва қонун билан юкланган маъмурий мажбуриятларга эгадирлар. Жумладан, вилоятлар тўғрисидаги қонуннинг 154-моддасига кўра улар вилоятларда ичимлик суви тармоғи ва қурилмалари фаолиятларини назорат қилишади. Шу сабабли, вилоят ҳукумати ўсимликларни ва ахлатларни ёқсанлиги учун бу борадаги мажбуриятларини бажарганлиги боис, атроф-муҳитни ифлослантирганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Агарда давлат органи (вилоят ёки муниципалитет) фуқаролик ҳуқуқий шартномага кўра зарар етказганда эди, улар шартнома шартларини бузганлиги учун эҳтимол жиноий жавобгарликка тортилиш мумкин эди.

Келтириб ўтилганлардан ташқари, Нидерландияда жиноят субъектлари сифатида яна тижорат фаолияти билан доимий асосда

шуғулланувчи ўз хизматчилари фаолиятини ташкил этувчи ва назорат килувчи юридик шахслар ҳам тан олинади. Юридик шахсларга яна ҳуқук субъекти деб эътироф этилган турли ширкатлар, юк ташувчи компаниялар ва фондлар киради.

Нидерландия жиноят қонунчилигида ҳам ташкилотларни жиноий жавобгарликка тортишнинг шарти сифатида корпорациянинг “айби”ни аниқлаш белгиланган. Бу ерда англо-саксон ҳуқук тизимига киривчи давлатлар қонунчилигидан фарқли ўлароқ юридик шахсларнинг алоҳида айби мажудлигини асослаб беради. Шу сабабли юридик шахсни қилмишда айбдор деб топиш учун, шу юридик шахс жисмоний шахс маълум ноқонуний қилмишни содир этиши ҳақида унга розилик билдириши билан бир вақтда жисмоний шахс ҳаракатларини маъқуллаши ҳам жоиз.

Нидерландия ЖКда компания ходимларининг қайси ҳаракатларини ташкилот ҳаракати билан тенглаширилиб баҳолаш лозимлиги ҳақида бирорта ҳам кўрсатма йўқ. Лекин, 1950 йилги иқтисодий жиноялар тўғрисидаги Қонунда, “юридик шахс барча ходимлари, яъни бошқарувчилари, агентлари ва вакилларини меҳнат шартномаларида кўрсатилган хизмат ваколати давомида содир этган қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортиладилар” деб кўрсатилган.

Қўйида корпорация ходимларининг айрим ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари учун корпорацияни жиноий жавобгарликка тортиш тамойиллари келтириб ўтилган:

Биринчидан, корпорация ўз ходимларини шундай ёки бошқача иш тувишини аниқлаши лозим.

Иккинчидан, ходимнинг ҳаракатлари корпорацияни кониқтирадиган тамойиллар доирасига кириши жоиз, чунки ходимнинг бу ҳаракатларини компания иш амалиётида учрайдиган одатий ҳолат сифатида қабул қилиниши лозим.

Юридик шахс ўз ўзидан ўзи содир этган жиноий қилмиши билан бир вақтда, ўз ходимлари хизмат вазифасини бажариши муносабати билан содир этган қилмиши учун ҳам жавобгардир, агарда шу ходимларнинг фаолиятини назорат қилишса ва улар фаолиятини кимдир бошқариб турган бўлса. Бундай шахслар сирасига қандайдир ҳаракатни содир этиш ёки содир этмаслик, шунингдек, шундай ҳаракатларни қўллаб-куватлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахслар ҳисобланади. Агарда йўл қўйиш (ҳаракатсизлик) ҳолатлари юз берса текширув ўтказилиб, шахс шу ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг олдини олишга қаратилган ўз ваколати

доирасига кирадиган ва зарур бўлган барча чораларни кўрганми ёки атайлаб шу хавфни юзага келишига сабабчи бўлганми? –деган савол ўз ечимини топиши зарур.

Нидерландия Жиноят кодексида компанияларнинг қайси ходимлари харакатларини юридик шахсларнинг харакатлари билан таққослаш борасида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас.

И. В. Ситковский нидерланд қонунчилигини ўрганиш борасида олиб борган ўз тадқиқотида куйидагиларни маълум қилган: “Нидерландия корпоратив жиноий жавобгарлиги институтининг ривожланиши шундан далолат берадики, ноконуний қилмиш содир этган жисмоний шахснинг харакатлари корпорациянинг ноқонуний харакати деб қабул қилинади, ҳатто бундай харакатни мансаб даражасидан қаттий назар ҳар қандай рангдаги хизматчи содир этган бўлса ҳам” – дейди<sup>1</sup>.

Шунга ўхшаш фикрни А. Н. Тарбагаев ҳам билдирган “ҳеч ким юридик шахснинг харакатларини кўриши мумкин эмас, чунки унинг харакатлари ташкилотда ишлаётган ходимларнинг хатпи-харакатларидан иборат бўлади. Аммо, Нидерландия Олий суди ўз раҳбарий тушинтиришларида эътироф этадики, “юридик шахс берилган ваколати доирасида, ўз худудида вазиятни ўз назоратига олиши лозим, ҳатто агарда жисмоний шахснинг (ходимининг) харакатлари ўрнатилган қоида доирасидан ташқарига чиқкан бўлса ҳам” деган<sup>2</sup>.

Юридик шахс унга қўйилган жиноий қилмиши учун ҳам, ўз хизматчисининг жиноий қилмиши учун ҳам жавобгарликка тортилади, агарда хизматчи ўз хизмат вазифасини бажариш пайтида вазиятни аниқ назорат қилган ёки жиноят содир этилишига йўл қўйганлиги аниқланган бўлса.

Агар ҳуқуқбузарлик юридик шахс томонидан содир этилган деб ҳисобланса, жиноий таъқиба ва жавобгарликка бевосита ноконуний харакатни бажаришга буйруқ бериши орқали ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келган шахс ҳам, бу харакатни бошқарган шахс ҳам жавобгар бўлади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: » Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридических лиц: Дисс. канд. юрид. наук: 12.00.08. - М, 2003. С. 71.

<sup>2</sup> Қаранг: Тарбагаев А.Н. Введение в уголовное право Нидерландов: основные институты общей части. - Красноярск, 2001. С. 30..

Аммо, корпорация билан унинг раҳбарлари ҳаракатлари орасида мустаҳкам алокা йўқ. бўлсада корпорация жисмоний шахс жавобгарликка тортилмаган ҳолатда ҳам жавобгар хисобланади. Бунга мисол қилиб, Нидерландия ЖКнинг 51-моддаси 2-қисмида келтирилган қоидани келтириш мумкин, бу қоидада: “агарда қилмиш юридик шахс томонидан содир этилган бўлиб, қўзгатилган жиноят иши бўйича жазо тайинланиши ёки чоралар кўрилади агарда қонун талабларига кўра:

- 1) юридик шахсга нисбатан;
- 2) ким бу қилмишни содир этган ёки содир этишга раҳбарлик қилган бўлса; ёки
- 3) биринчи ва иккинчи ҳолатдаги қатнашган шахсларнинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида юз берса.

#### **г). Г е р м а н и я Ф е д е р а т и в Р е с п у б л и к а с и**

Германия жиноят ҳуқуқининг асосий манбаи 1871 йилда қабул қилинган Германия Жиноят кодекси хисобланади. Мазкур кодекс дан ташқари юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи Германиянинг бошқа қонун ҳужжатларида ҳам белгилаб қўйилган, масалан, “Ноқонуний гиёхвандлик воситаларини ўтказиш ёки уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларига қарши кураш тўғрисида”ти Германия Қонунида ҳам юридик шахсларнинг шундай жавобгарлиги назарда тутилган<sup>1</sup>.

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича Германия қонунчилигига ташкилотларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи АҚШ ва Франция қонунчилигига нисбатан кам ўрганилган деб хисоблайдилар<sup>2</sup>. Бунинг сабаби шуки, ГФРда юридик шахслар жиноят субъекти бўлиша олмайди, аммо бир қатор ҳолатларда уларга нисбатан жиноий жазо қўлланилиши мумкин. Бундай ҳуқуқий тузилиш ҳуқуқий адабиётларда квазижиноий жавобгарлик деб номланади<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Карап: Шумилов В.М. Введение в систему публичного права ФРГ // Право и политика. - 2001.-№10.-С. 28.

<sup>2</sup> Карап: Михеев Р.И., Корчагин А.Г., Шевченко А.С. Уголовная ответственность юридических лиц: за и против. - Владивосток, 1999. - С. 12.

<sup>3</sup> Карап: Курс уголовного права. Учение о преступлении / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, И.М. Тяжковой. - М., 2002. - Том 1. - С. 88..

Германия Федератив Республикасининг қонунчилигига асосан, агар корпорацияларнинг вакилларини ёки раҳбарларининг хукуққа хилоф ҳаракатлари корпорациянинг қонуний мажбуриятларга асосланган фаолиятига зид келса ёки корпорацияга молиявий фойда келтирса (ёки компанияга молиявий фойда келтиришни назарда тутса), шунингдек корпорация ходимларининг ноқонуний ҳаракатларини олдини олиши мумкин бўлган мансабдор шахслари томонидан бундай ҳаракатларни олди олинмаса ёхуд етарли даражада назорат амалга оширилмаган бўлса, корпорация ҳам жисмоний шахс ҳам жарима жазосига тортилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Германия қонунчилиги юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутмаслиги сабабли, Германия ЖКда ташкилотнинг айбини белгиловчи қонун ҳужжатлар мавжуд эмас. Германия ЖКнинг §75 қуидагилар келтириб ўтилган: “Агарда кимдир:

1) юридик шахснинг вакиллик органи ёки шу органнинг аъзоси сифатида намоён бўлса;

муамолага лаёқатсиз бирлашманинг раҳбари ёки аъзоси сифатида эътироф этилса;

тўла савдо ширкатининг ваколатли вакили сифатида иштирок этса;

юридик шахснинг ваколатли вакили ёки бош ишончнома орқали раҳбарлик хукуқига эга шахс ёки савдо ташкилотининг ваколатли вакили ёхуд 2-сонли ёки 3-сонли рўйҳатга кирипилган шахслар бирлашмаси томонидан §§ 74-74c ва 74f келтириб ўтилган жазони қўллаш назарда тутилган ҳаракатларни содир этишга уринган ҳолатларда, предмет ёки унинг баҳоси ёки зарарни қоплашни талаб этилмайдиган ҳолларда, шу чораларни қўллаган пайтда, унинг ҳаракатлари учун жавобгарлик юридик шахсга ҳам юклатилади” дейилган<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хуроса қилиш мумкини, ГФР жиноят қонунчилигига жиноий қилмиши учун ташкилотнинг жавобгарлигини назарда тутувчи жиноятларнинг тўлиқ рўйхати келтириб ўтилган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Уголовный кодекс ФРГ / Пер. с нем. - М.: ИКД «Зерцало». - М., 2001. - С. 55.

Ўйлаймизки бундай нормаларнинг мавжудлиги “идентификация килиш” принципига мос келади, деб айтиб бўлмайди, чунки бу принцип юридик шахсларнинг қилмишига нисбатан қўлланилади. Германияда эса “корпорация қилмиши” тушунчаси мавжуд эмас, шу боис ўз ўзидан юридик шахсларининг субстарини одамлардан излашга эҳтиёж йўқ.

Немислар жиноят қонунчилигига ташкилотлар факат ўзлари иштирок этган қилмишлар учунгина жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бу рўйҳатга кирувчи жиноятлар тўлиқ ҳисобланаб, улар қўйидаги қилмишлардир: фаолияти конституцияга хилоф деб топилган партияларнинг фаолиятини давом эттириши; бирлашишга кўйилган таъкиқни бузиши; конституцияга зид деб топилган тарғибот материалларининг ташкилот томонидан тарқатилиши; фаолияти конституцияга зид деб ҳисобланган ташкилотларнинг белгиларидан фойдаланиш; куролли жиноий гурухлар тузиш; жиноий уюшма тузиш; террористик уюшма тузиш.

Турли хил жиноий жазоларнинг кўплигига қарамасдан ГФРнинг Жиноят кодекси юридик шахсларга нисбатан факат жиноят предметини ёки унинг баҳосини ундириш ва жарима жазоси қўллаши мумкин. Кейинги йилларда ГФР ҳукукшунослари ва қонун чиқарувчи орган вакиллари орасида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини тартибга солувчи алоҳида институт ташкил этиш масаласи қизғин мухокама қилинмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган хорижий давлатларнинг юридик шахсларини жиноий жавобгарликка тортиш институти бизга уларни алоҳида ўрганиб, уларнинг ичидан бизнинг шароитимизга мос келадиган нормаларини танлаб олиб Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига фойдаланиш имкониятини беради.

### **3-БҮЛМ.**

#### **Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари юридик шахслари жавобгарлигининг айрим хусусиятлари.**

**3.1.** Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жавобгарликни белгиловчи моделлари

Маълумки, коррупцион қилмишлар учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши бу иллатга қарши курашнинг асосий куролидир. Коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш масалалари халқаро ва миллый миқёсдаги сиёсатнинг устивор йўналишларидан бири бўлишига қарамасдан, жиноий-процессуал чеклаш чоралари коррупцияни чеклашнинг зарур куроли сифатида қолмоқда. Коррупцион қилмишларни аниқлаш, текшириш, жиноий таъқибни амалга ошириш ва улар юзасидан адолатли суд қарорларини чиқариш жиноят ҳуқуқида мансабдор шахслар томонидан жиноят содир этишдан ўзини тийишни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб қонунни бузганлик учун жиноий жавобгарликни муқаррар келиб чиқиши ҳолатини ўзи ҳар қандай коррупцияга қарши курашни асосий мақсад қилган мамлакатнинг антикоррупцион сиёсатининг устивор йўналиши бўлмоғи лозим.

Жиноий антикоррупцион чоралар билан боғлиқ кўплаб масалалар халқаро ва миллый қонунчиликда етарли дараҷада ўрганилган, таҳлил қилинган. Аммо, маълум бир муаммоли йўналишлар мавжудки, бу йўналишлар юзасидан сиёсий қарорлар қабул қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, академик доираядаги ва бошқа мансабдор шахслар учун бир мунча қийинчиликлар келтириб чиқаради. Булар қаторига бир неча коррупцияга қарши кураш юзасидан қабул қилинган турли халқаро ҳужжатларга қўшилган (масалан, Коррупцияга қарши кураш бўйича БМТ, Европа Итифоки, Йқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (кейинги ўринларда ИҲ ва РТ) нинг конвенциялари) шу жумладан Шарқий Европа ва МДҲ давлатларини ҳам келтириб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур давлатларда коррупциянинг криминаллашувига қарши қаратилган кўплаб ислоҳотлар амалга оширилган бўлишига қарамасдан, у ерда ҳукм сураётган консерватив одатлар, ҳуқуқий воқелик кўргина ҳолатларда амалдаги қонунчилик нормаларининг бузилишига ва қонуннинг самарадорлигини оширишга жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Ушбу мамлакатларда қабул қилинаётган кўпгина

коррупцияга қарши курашга қаратылған қонун хужжатлари турли сабабларга күра ижроси амалда қўлланилиши таъминланмаяпди. Бунга сабаб, айрим холларда сиёсий ироданинг етишмаслиги, раҳбарий кўрсатмаларнинг ва маълумотнинг етишмаслиги, шунингдек, уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ маблағларнинг назарда тутилмаганлиги каби ҳолатлар бўлиб қолмоқда.

Ундан ташқари, содир этилган коррупцион қилмишлар схемаларини тобора мураккаблапшуви ва улар билан боғлиқ жиноятларнинг турли соҳаларда содир этилиши ҳам маълум қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатлар тергов, прокурор ва суд органлари томонидан қонунларни қўллашда жиддий қийинчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган бир қатор объектив ва субъектив факторлар ва уларнинг таҳлили Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига бағишлиланган иккинчи тадқиқотимиз ҳисобланади. Биринчи тадқиқотимиз англо-саксон ва роман-герман хуқуқ оиласига киравчи давлатларнинг юридик шахслари коррупцион қилмишлари учун белгиланган жиноий жавобгарлиги хусусиятларига бағишлиланган эди.

Ушбу тадқиқотимизнинг мақсади сифатида қўйидагиларни:

1. Юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлар учун жавобгарлигини белгиловчи Шарқий Европа мамлакатларининг қонунчилигини таҳлил қилиш асносида, уларда мавжуд бўлган ижобий тажрибани ва мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

2. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг бу борадаги эҳтиёжларини ўрганиш орқали уларни ўқитиш ва малакасини ошириш;

3. Тадқиқотлар орқали олинган ижобий натижаларни келажакда Ўзбекистон Республикасининг коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгиловчи қонун хужжатларини қабул қилишда ушбу нормаларни имплементация қилишни назарда тутади.

Ундан ташқари, ушбу тадқиқотлар натижасида олинган билимлар ва кўнімалар мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи миллий қонунчилик нормаларнинг таъсир доирасини кучайтиришга хизмат қиласи. Етарли имкониятлар мавжуд бўлганда давлатнинг бу борадаги сиёсатини шакллантирувчи, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар амалиётчи экспертлар учун ушбу

мавзуга бағищланған семинар тренинглар ўтказилиши ва уларда илғор хорижий тажрибалар ўрганилиб таҳлил этилиши мүмкін бўлади.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг (кейинги ўринларда ИХ ва РТ)нинг коррупцияга қарши курашиш тармоғига асосан юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жавобгарликни назарда тутувчи Шарқий Европа ва МДҲ давлатлари кириб, бу мамлакатларнинг сони 17 тани ташкил этади. Уларнинг аксарияти, яъни 12 тасининг қонунчилигида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Болгария ва Россия қонунчилигида эса маъмурий жазолаш тизими, Озарбайжон, Латвия ва Украинада эса юридик шахсларнинг квазижиной жавобгарлиги белгиланган<sup>1</sup>.

Болгарияда юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи Болгария Республикасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жазолар тўғрисида”ти Қонуни билан тартибга солиниб, унда тегишли қоидалар тартиби келтириб ўтилган<sup>2</sup>.

Ушбу Қонун талабларига кўра юридик шахсларнинг ноқонуний бойиши ёки бойишига олиб келадиган ҳар қандай жиноий қилмишлари учун мулкий санкциялар назарда тутилган бўлиб, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жазолар тўғрисидаги Қонунга кўра, шунингдек, жиноий уюшма таркибида ёки унинг манфаатлари учун ҳар қандай содир этилган жиноят натижасида юридик шахслар жавобгарлиги белгилаб қўйилган<sup>3</sup>.

Ушбу тоифадаги ишлар бўйича прокурор жиноят иши қўзғатади ва ишни тегишли маъмурий ишлар бўйича судлар кўради<sup>4</sup>. 2013 йилнинг октябрь ойида Болгария Вазирлар Маҳкамаси Миллий Парламентга “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жазолар тўғрисидаги Қонунига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ти Қонун лойиҳасини киритиб, унда юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жавобарликни назарда тутувчи жиноялар доирасини янада кенгайтирди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: М.Курм, Д.Котляр и др.Ответственность юридических лиц за коррупцию в странах Восточной Европы и Центральной Азии

<sup>2</sup> Қаранг: Ст.83а, параграф 1, Закона Болгарии об административных правонарушениях и наказаниях.

<sup>3</sup> Қаранг: Болгариянинг юқорида келтириб ўтилган Қонуни 1-параграф 83-а мөддаси.

<sup>4</sup> Қаранг: Болгариянинг юқорида келтириб ўтилган Қонуни 1-параграф 83-б мөддаси.

Россия Федерациясининг “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги<sup>1</sup> қонунчилігі ва Россия Маъмурый хукуқбузарликлар тұғрисидаги кодексининг 19.28-моддаси юридик шахсларнинг коррупцион құлмишлари учун маъмурый жавобгарликни белгилайды. Ушбу тартибга күра юридик шахсларнинг коррупцион құлмишлари учун прокурор иш құзғатади, суриштирув ишларини амалга оширгандан кейин судга беради ва маъмурый суд ушбу ишларни мазмұнан күриб чиқиб тегишли қарор чиқаради<sup>2</sup>.

Латвия Республикасида юридик шахсларнинг коррупцион құлмишлари учун жиной жавобгарлик белгиланған бўлиб, бу ҳолат Латвия Жиноят кодекси Умумий қисмининг маҳсус бобида назарда тутилған<sup>3</sup>. Ушбу ЖКда юридик шахслар құлмишларига нисбатан кўлланиладиган чоралар жазо сифатида эмас, балки “мажбурий чоралар” деб номланиб, ЖКда рўйҳати келтирилған құлмишларни юридик шахс номидан содир этган ёки маълум оқибатларга сабаб бўлган құлмишлар етарли даражада назорат қилинмаганлиги оқибатида юз берган бўлса, жавобгарликни назарда тутади<sup>4</sup>. Латвия Жиноят-процессуал кодексида эса, прокурор томонидан юридик шахсга нисбатан жиноят иши құзғатишининг процессуал тартиби келтириб ўтилған, чунки юридик шахсга нисбатан жиноят иши құзғатиш асослари ва унинг тартиби тұғрисидаги қоидалар жиноят-процессуал қонун нормалари билан тартибга солиниб, у ерда юридик шахснинг ноқонуний ҳаракатлари квазижиноий ҳаракат сифатида квалификация қилиниши қўрсатилған.

Худди шундай юридик шахслар жавобгарлиги тартиби Озарбайжон Республикаси қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, унда “жиной-хуқуқий мазмұндаги чоралар” юридик шахсга нисбатан кўлланилиши мумкин қачонки, юридик шахс томонидан ёки унинг манфаатлари йўлида құлмиш содир этилган бўлса<sup>5</sup>. Озарбайжон

---

<sup>1</sup> Қаранг: Россия Федерациясининг 2008 йил 25 декабрдаги ФҚ-273-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги Қонуни.

<sup>2</sup> Қаранг: Россия Федерацияси Маъмурый хукуқбузарликлар тұғрисидаги кодекси ва ИХваРТнинг хорижий давлатлар мансабдор шахсларининг халқаро тижорат ишларыда порахұрлыкка қарши курашиш ишчи гурухининг 2-босқичи материаллари, 79-80 –Б.

<sup>3</sup> Қаранг: Глава VIII<sup>1</sup>, статья 701<sup>1</sup>, Уголовного закона Латвии.

<sup>4</sup> Қаранг: ИХваРТнинг хорижий давлатлар мансабдор шахсларининг халқаро тижорат ишларыда порахұрлыкка қарши курашиш ишчи гурухининг 1-босқичи материаллари, 37§, 11 –Б.

<sup>5</sup> Қаранг: Озарбайжон Республикаси ЖКнинг 15-боб, -Б.30.

Жиноят-процессуал кодексида эса юридик шахслар жавобгарлигининг процессуал тартиби ҳам худди Латвиянигида ўхшайди.

МДҲ давлатлари минтақасида юридик шахсларнинг коррупцион жиноятлар учун жавобгарлик энг охири ҳозирча Украина қабул қилинган бўлиб, 2014 йилнинг апрель ойида Украина Олий Радаси томонидан тасдиқланган Украина Жиноят кодексига ўзгариш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конун орқали киритилди. Ушбу Конун билан юридик шахсларни коррупцион қилмишлар учун жавобгарлика тортишнинг процессуал тартиби Украина Жиноят-процессуал кодексига ҳам киритилди.

Шарқий Евropa ва МДҲ мамлакатларида юридик шахсларни жавобгарликка тортишнинг қуйидаги 4 модели мавжуд:

1. Идентификацион модель – ушбу моделда юридик шахсларнинг жавобгарлиги фақат юридик шахс фаолиятини назорат қилувчи шахс томонидан жиноят содир этилган ҳолатда фаоллашади, аниқроғи компанияда юксак лавозимда ишлайдиган ёки ваколатли вакиллик ҳукуқига эга бўлган шахс томонидан жиноят содир этилиши натижасида вужудга келади;

2. Кенгайтирилган идентификацион модель – ушбу моделда юридик шахс жавобгарлиги компаниянинг юқори поғонадаги раҳбари ўз ходимлари устидан назоратни лозим даражада амалга ошира олмаганилиги сабабли вужудга келади (“назорат мавжуд бўлмаган коида”);

3. Субсидиар жавобгарлик модели – бу моделда меҳнат шартномаси доирасида фаолият юритаётган ҳар қандай компания ходими томонидан юридик шахс фойдаси учун жиноят содир этган ҳар қандай ҳолатда юзага келади ва бу ходим билан бирга юридик шахс ҳам бароавар жавобгарлика тортилади;

4. Ташкилий модель – бунда юридик шахснинг жавобгарлигига корпоратив маданиятдаги камчиликлар сабаб бўлади.

Юқорида келтирилган барча тўрт модель ҳам ИХ ва РТга кирувчи 17 та мамлакатда мавжуд. Бу мамлакатларнинг асосий қисми (14) келтириб ўтилган моделларни у ёки бу туридан ўз амалиётларида фойдаланишади (қуйидаги жадвалга қаранг). Улардан 9 таси – Озарбайжон, Босния ва Герцоговина, Грузия, Латвия, Литва, Македония Республикаси, Словения, Сербия ва Украина ўз конунчилигига раҳбар томонидан назорат ўрнатилмаганилиги тўғридан-тўғри юридик шахсларнинг жавобгарлигини келтириб чиқаради. Россия Федерацияси ва Болгариядаги маъмурий жазолаш тизими эса кўпроқ субсидиар жавобгарлик моделига мос келадиган

бўлса, Руминия эса ташкилий модель асосида юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгиловчи ягона мамлакат ҳисобланади.

### **Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларида юридик шахсларни жавобгарликка тортишнинг моделлари:**

Идентификацион модель	Кенгайтирилган идентификацион модель	Субсидиар жавобгарлик модели	Ташкилий модель
Албания	Озарбайжон	Болгария	Руминия
Молдова	Босния ва Герцоговина	Россия	
Хорватия	Грузия		
Черногория	Латвия		
Эстония	Литва		
	Македония		
	Сербия		
	Словения		
	Украина		

### **3.2. Юридик шахсларнинг жавобгарлигини келтириб чиқарувчи шахсларнинг ҳаракатлари таҳлили Масъул шахс тушунчаси.**

Айрим идентификацион моделга ўхшаш моделни қўллайдиган давлатларда юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи қўп ҳолатларда масъул шахс (ёки назорат қилувчи мансабдор шахс) тушунчасига қандай компонентлар киришига боғлиқ бўлади. Бу тушунча қанча қўп вакиллар доирасини қамраб олса, шунча бу жараённи амалга ошириш осон, мослашувчан ва самарали бўлади. Умуман масъул шахс ёки назорат қилувчи мансабдор шахснинг иккита кўриниши мавжуд бўлиб, улар институционал ва функционал турларга бўлинади. Биринчиси, масъул шахсни кенгаш ёки бошқа бошқарув органи аъзолигидан келиб чиқиб жавобгарлигини аниқласа, иккинчиси, вакилнинг мажбуриятидан келиб чиқиб жавобгарликни аниқлайди. Шунингдек, учинчи кўриниши ҳам мавжуд бўлиб бу ҳам институционал, ҳам функционал кўринишларнинг элементларини ўзида мужассам этган аралаш моделдир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каранг: Грузия конунчилигига аралаш модел тушунчаси берилган бўлиб, Грузия ЖКнинг З боб 107<sup>1</sup>-моддасида масъул жавобгар шахснинг куйидаги тушунчаси берилган: “Масъул мансабдор шахс шундай шахски, ўюридик шахснинг тузилмасида раҳбарлик ва вакиллик ваколатига эга бўлган ва ўюридик шахс номидан қарор қабул киласди

Функционал тушунча (шунингдек аралаш) институционал турга нисбатан анча самарали ҳисобланади, чунки у формал тайинлашлардан йирок бўлиб, компанияларнинг фактик фаолиятига яқинроқ ва мосроқ бўлади. Функционал тушунчани кўлловчи давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бу ерда компания ва унинг вакили орасидаги алоқалар муҳим эмас, муҳими вакил функционал кўринишдаги олдига кўйилган вазифасини қанчалик бажаришида. Кўшимча тарзда яна шуни айтиш мумкинки, функционал тушунча кўпроқ таркибида бошқарув ва назорат функцияларига эга бўлган хориж компаниялари талабларига кўпроқ жавоб беради. Бунга Латвиядаги “ГАМА” компанияси яққол мисол бўла олади. Бу ерда компанияни жавобгарликка тортилишига компаниянинг минтақавий вакили томонидан содир этилган қилмиш сабаб бўлиб, минтақавий вакил компанийнинг бошқарув ва назорат органларига аъзо бўлмаган.

Функционал тушунчанинг тўлароқ таърифи Черногория қонунчилигига берилган бўлиб, унга кўра “масъул шахс”: “Масъул шахс жисмоний шахс бўлиб, унга юридик шахс томонидан маълум мажбурият юклатилган, юридик шахс номидан ҳаракат қиласидан ва у юридик шахс номидан ҳаракат қилиш ваколати борлигини тасаввур қилиш мумкин бўлган шахсга айтилади. Шунингдек, юридик шахснинг акционери ҳисобланадиган жисмоний шахсга ҳам масъул шахс сифатида қаралиши мумкин”<sup>1</sup>.

Бу ерда иккита ҳолатни қайд этиш жоиз. Биринчидан, Қонунда тўғридан-тўғри юридик шахс номидан ҳаракат қилаётган акционер “масъул шахс” сифатида қаралмоқда. ИХ ва РТга аъзо давлатлар амалиётида йирик акциядорлар ва мулкдорлар гарчанд, юридик шахснинг бошқарув ва назорат органларига кирмасада, кўпгина ҳолатларда улар юридик шахсларнинг бошқарув фаолиятига аралашишади. Бошқа томондан бу тушунчанинг устунлиги шундан иборатки, у “масъул шахс”нинг тушунчасига ташқи томондан таъриф беради. Масъул шахс ташқи томондан юридик шахс номидан ҳаракат қилиш ваколати борлигини тасаввур қилиш мумкин бўлган шахсга айтилади.

Шундай қилиб, юридик шахснинг коррупцион қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортишда, юридик шахс номидан ҳаракат

---

<sup>1</sup> Қаранг: Черногориянинг “Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисида” ги Қонунининг 4-моддаси; Шундай тушунча Сербиянинг шу мазмундаги Қонунининг 5-моддасида ҳам берилган.

қиладиган масъул шахслар доирасига нафақат шу компанияда юқори лавозимда ишловчи раҳбарлар, балки юридик шахс номидан ҳаракат қилган барча шахслар тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда юридик шахс бошқарувида жисмоний шахс юқори лавозимда ишлайдими ёки оддий вакил сифатида жиноят содир қиладими, бу ҳолатлар юридик шахсни жавобгарликка тортишда аҳамиятли эмас.

Ундан ташқари, “масъул шахс” тушунчасининг аниқ ва мослашувчанлигидан ташқари, яна унинг қайси ноқонуний ҳаракатлари юридик шахснинг жавобгарлигига сабаб бўлиши ҳолатига ҳам аниқлик киритиб олишимиз зарур. Ўз ўзидан маълумки, масъул шахс шахсан жиноят алматлари мавжуд ҳаракатларни содир қилгандагина (масалан, пора олишни таклиф қилади ёки ваъда беради, порани пора олувчига етказиб беради ва ҳ.к.) юридик шахс жавобгарлиги ҳам юзага келади. Келтириб ўтилганларга қўшимча килиш мумкинки, масъул шахс ўз ходимига топшириқ бериб, унга бевосита таъсир ўтказиши ёки кўмаклашиши орқали жиноят содир этилишига сабаб бўлса ҳам юридик шахс жавобгарлиги юзага келади. Кўпгина давлатларда бундай ҳаракатларни содир қилганини учун ишлаб чиқилган умумий концепциялар мавжуд бўлиб, улар тил бириктириш, далолатчилик, ёрдамчилик ёки ташкилотчилик кўринишида мавжуд бўлади. Жумладан, Словения қонунчилигига масъул шахс тушунчаси ва унинг ҳаракатлари бошқарув атамаларига киритилган. Словения қонунчилигига кўра жиноят содир этган ҳар қандай шахснинг ҳаракатлари юридик шахснинг жавобгарлигини келтириб чиқариши мумкин, агарда: (1) жиноят юридик бошқарув ёки назорат қилувчи органининг ноқонуний берилган қарори, буйруғи ёки кўрсатмаси натижасида содир этилган бўлса, ёки (2) юридик шахсни бошқарув ва назорат органлари жиноят бажарувчисига жиноят содир этиш учун таъсир ўтказган ёки йўл кўйиб берган бўлса<sup>1</sup>.

Словения қонунчилиги бу борада бир мунча мукаммалроқ бўлиб, “юридик шахс жиноят содир этишда айбланиши мумкин, қачонки “ўз ихтиёрида ноқонуний йўл билан топилган мулкка эга бўлса ёки жиноят содир этишда ноқонуний объектдан фойдаланса”<sup>2</sup> деб белгиланган. Бу шуни англатадики, жиноий қилмиш раҳбар томонидан маъқулланса, бу ҳолда юридик шахс жавобгарлигига олиб

<sup>1</sup> Қаранг: Словениянинг юридик шахсларнинг жиноят содир этганлиги учун жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

келиши мумкин. Мазкур ҳолат назорат қилиш йўқлиги факти билан биргаликда, Словения ўз “идентификация модели”ни ташкилий ёндашиш орқали янада бойитиб, янги одатий идентификация моделига кўра оригинал ва самаралироқ моделни яратишган.

Кейинги жиноий хулқ-автор юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортишига асос бўлиши Македония Республикаси қонунчилигига ҳам келтириб ўтилган бўлиб, унга кўра “юридик шахс агарда унинг ходими ёки вакили жиноят содир этган бўлиб, юридик шахснинг бошқарув ёки назорат органи бу ҳолатни яширган ёки бажарувчига нисбатан жиноий таъкиб бошланмасдан олдинроқ жиноят ҳақида хабар бермаган бўлса ҳам вужудга келади”<sup>1</sup>, жавобгарлик шарти эса зарар учинчи шахсга етказилса.

Юридик шахсни назорат функцияси мавжуд бўлмаганлиги сабабли жавобгарликка тортишнинг иложи бўлмаган мамлакатларда қилмишни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат айниқса Эстония ва Хорватия каби давлатлар қонунчилигига жуда мураккабдир.

Эстония қонунчилигига эътироф этиладики, “агарда юридик шахс катта раҳбари ёки ваколатли вакили юридик шахс ёки унинг органи манфаатлари йўлида жиноий қилмиш содир этсалар, юридик шахс ҳам жавобгарликка тортилади”<sup>2</sup> дейилган.

Худди шундай ҳолат Хорватия қонунчилик тизимида ҳам мавжуд. Хорватия қонунчилигига кўра масъул шахс сифатида “юридик шахс амалиёти учун жавобгар сифатида белгиланган жисмоний шахс ёки юридик шахс амалиёти вазифаси юклатилган шахс”<sup>3</sup> дейилган. Хорватия қонунчилиги юридик шахснинг барча ходимларини қамраб олмасдан фақат вакиллик ваколатига эга бўлган, қарорлар қабул қилиш ва назорат қилиш вазифалари юклатилган ходимларнинг жавобгарлиги юридик шахснинг жавобгарлигини келтириб чиқаришини назарда тутади.

Эстония ва Хорватия ҳам қонунчилиги мураккаб мамлакатлар ҳисоблансада, лекин қонунчиликни қўллаш амалиётига бой мамлакатлар қаторига киради. Масалан, 2010-2012 йиллар давомида Эстонияда 200 та юридик шахс жиноий жавобгарликка тортилиб,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Македония Республикаси ЖК, 2 боб, 28-а-моддаси.

<sup>2</sup> Қаранг: Эстония Жиноят кодексининг 14-моддаси.

<sup>3</sup> Қаранг: Хорватия жиноят содир қилганлиги учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Конунининг 4-моддаси.

улардан 27 таси порахўрлик жиноятида айбланган. Бу эса ИХ ва РТ аъзо давлатлар ичидаги юқори кўрсаткичдир. Хорватияда эса шу даврда уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси томонидан 12 та юридик шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган.

Бундан ташқари, бу икки мамлакатнинг юқори лавозимдаги мансабдор шахслари томонидан содир этилган жиноятларни аниқлаш ва таъқиб қилиш борасидаги саъи-ҳаракатлари айниқса, муваффақиятли бўлди. Жумладан, Эстониядаги ер участкалари билан шуғулланувчи “АС Мерко Эхитус”<sup>1</sup> компаниясига нисбатан Атроф табиий муҳитни ҳимоя қилиш вазири ва Ер Кенгаши бош директорига катта миқдорда пора берганлик жиноят бўйича жиноят иши кўзгатилиб, тергов қилинган ва суд уларга нисбатан 798 000 евро миқдорида жарима жазоси тайинлаган. Мазкур масъул мансабдор шахслар мураккаб коррупцион схемалар орқали “АС Мерко Эхитус” компанияси давлатга тегишли 37 та ер участкаларини, умумий баҳоси 12 млн. еврода ноқонуний сотишган ва яна баҳоси 7,2 млн. евролик 9 та ер участкаларини сотиб олишга келишишган. Ушбу жиноят иши доирасида АС Мерко Эхитус” компанияси Атроф табиий муҳитни ҳимоя қилиш вазирлигига янгиофис қуриш учун ажратилган давлат харидларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш мақсадида вазир ва Ер Кенгаши бош директорига пора берганлиги сабабли 127 823 евро миқдорида жаримага тортилган<sup>2</sup>, “д.о.о.Фими Медиа” компанияси фаолияти эса мажбуран тутатилган. Ундан ташқари, Хорватияда мамлакат миқёсида 337 та врач ва фармацевтларга ишлаб чиқарган дорисини юқори самарали дори воситаси деб кўпроқ пулга сотиш учун пора берганликда айбланган фармацевтик компанияга

---

<sup>1</sup> Каранг:Эстониядаги “АС Мерко Эхитус” компанияси таркибига “АС Мерко Эхитус Эсти” номли катта қурилиш компанияси киради ва у қурилиш соҳасида етакчи компания ҳисобланниб, ұ Латвияда фаолият юритувчи “СИА Меркс”, Литвада фаолият юритувчи “ЮАБ Мерко Статиба”компаниялари ва бошқа улар билан боғлиқ бўлган қурилиш компаниялари 2012 йилнинг охирларида 915 киши ишлаган вауларнинг ҳар йиллик пул айланмаси 249,1 млн. европни ташкил этган. Ушбу компаниянинг акциялари Болтиқ фонд биржасига қўйилган. Жиноят иши кўзгатилгандан кейин компания фаолияти қайта ташкил этилган.

<sup>2</sup> Каранг:2015 йилнинг 1 январигача Эстония ЖКда пора беришни иккита жиноят таркибига “Ноқонуний ҳаракат ёки қарор учун пора бериш (298-м.) ва конуний ҳаракат ёки қарор учун пора бериш (297-м.)жиноятлари учун жавобгарликка ажратар эди.Шу боис, компания ЖКнинг 298-моддаси билан айбланган бўлсада,оқибатда ҳукм ЖКнинг 297-моддаси билан чиқкан.

(Гиппократ иши) нисбатан чиқарилган айблов ҳукми бу мамлакатда ҳам юридик шахслар жавобгарлигини назарда тутувчи қонунчиллик нормалари ва ҳуқуқни муҳофаза килиш тизими самарали ишлаётганидан далолат беради.

Юқорида келтириб ўтилган аниқ мисоллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Эстония қонунчилигида масъул шахс тушунчасини кенгайтирилган тарзда талқин килиш ёки назорат функциясининг йўқлиги ҳолатлари кузатилмаяпди. Ҳар бир ҳолатда компаниялар, ҳатто хусусий шахслар томонидан юқори турувчи мансабдор шахсга юридик шахс манфаатлари учун пора бериш ҳолатлари қайд этилган. Масалан, Эстониядаги ер участкалари харид қилиш коррупцион схемаси юзасидан пора ушбу компанияни бир вақтлар ташкил қилган, кейинчалик асосий акциядорларидан бири бўлган директорлар Кенгаши раиси томонидан амалга оширилган. Бу эса Эстонияда барча йирик компаниялар фаолияти унинг акциядорлари, мулқдорлар томонидан доимий назорат қилиниб турилади ва компаниянинг оддий ходими ўз ташаббуси билан бирор ноқонуний ҳаракат содир этиш эҳтимоли жуда кам. Оддий ходимлар компания раҳбарлари ёки мулқдорлари қарорлари ижросини таъминлашда иштирок этишади, холос. Шунингдек, катта тадбиркорларда сиёsatчилар ва юқори мансабдор шахслар билан мулоқотда бўлиш имконияти оддий ходимнигiga нисбатан бир неча баравар кўпdir. Аммо, мураккаб бошқарув тизимиға эга бўлган йирик трансмиллий компанияларда, бу компаниялар фаолияти тўғридан тўғри назорат қилинmasлиги сабабли муаммолар туғилиши мумкин. Шу муносабат билан узоқ келажакда Эстония амалиётчи эксперклари масъул шахс ёки назоратнинг йўқлиги тушунчаларини кенгайтирилган тарзда талқин қилиш амалиётидан тўғри хulosа қилишлари Эстония қонунчилиги учун факат фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

ИХ ва РТга аъзо давлатларнинг кўпчилиги юридик шахслар коррупцион қилмишлари учун жиноий жавобгарликнинг асосий шарти сифатида назоратнинг йўқлиги белгисини қонунчилигига киритишган. Бу белги бир қатор қуидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган: “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Европа Кенгаши Конвенциясида<sup>1</sup>, ИХ ва

---

<sup>1</sup> Каранг: Европа Кенгашининг “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги 1999 йил 27 январдаги конвенцияси. Е.T.S. №173.

РТ нинг ”Раҳбарий илғор амалиёти”<sup>1</sup>да ва х.к. Бу ҳужжатларнинг асосий фарқи техник жиҳатлари юзасидан бўлиб, айрим қонунларда бу қоида масъул шахс<sup>2</sup> дейилса, бошқасида эса бошқарув ва назорат органлари деб келтирилади<sup>3</sup>. Масалан, Сербия қонунчилигига кўра, юридик шахслар жиной жавобгарлиги қачон юзага келиши қуидагича белгиланган: унга кўра масъул шахс томонидан бошқарув ёки назоратни остида юридик шахс фойдасига ноқонуний ҳаракатларни амалга оширган ҳолатларда. Бошқача вазият Македония Республикаси и қонунчилигига келтирилган бўлиб, унда юридик шахс жавобгарлиги юзага келадики, “агарда қилмиш назорат қилувчи орган томонидан, доимий назоратни амалга оширганлиги натижасида” юз берган бўлса” дейилган. Ундан ташқари, алоҳида ҳолатларда Македония қонунчилиги корпоратив бошқарув органлари ходим ёки вакиллар томонидан қилмиш содир этишининг олдини олиша олмаслиги натижасида жиноят содир этилса ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутади<sup>4</sup>.

Афсуски, бирорта юқорида келтириб ўтилган мамлакатлар қонунчилигига ва амалиётида “назоратнинг йўқлиги” тушунчаси амалиётда қўлланилганлиги ҳолати бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Россия ва Болгария маъмурий жавобгарлик ва жазолаш тизими асосан субсидиар жавобгарлик принципига асосланган жавобгарлик тури сифатида қаралади. Россия Федерацияси қонунчилиги қайси шахснинг қилмиши юридик шахснинг жавобгарлигини келтириб чиқаришини аниқ кўрсатмайди.

Фақат “қилмиш юридик шахснинг номидан ва унинг манфаатлари йўлида содир этилган бўлса кифоя”<sup>5</sup>. Шу боис, назарий жиҳатдан ҳар қандай жисмоний шахс содир этган қилмиш учун юридик шахсни ҳам жавобгарлика тортиш мумкин. Аммо, ИХ ва РТ нинг Россияда олиб

<sup>1</sup> Қаранг: Тижорат келишувларида хорижий мансабдор шахсларнинг пора олишига карши курашиб амалиёти тўғрисида”ги ИХ ва РТ Конвенциясининг айрим моддаларини қўллаш юзасидан илғор амалиёти бўйича раҳбарий кўрсатмалар 2009 йил 26 ноябрь.

<sup>2</sup> Қаранг: Масалан, Озарбайжон, Латвия, Литва, Сербия, Грузия ва Украина қонунчилигига.

<sup>3</sup> Масалан, Босния ва Герцоговина, Македония Республикаси, Словения қонунчилигига.

<sup>4</sup> Қаранг: Македония Республикаси ЖКнинг 2 боб 28<sup>a</sup>-моддаси.

<sup>5</sup> Қаранг: РФ Маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 19-28-моддаси.

борган тадқиқотлари натижасида шу ҳолат аниқланганки, аксарият ҳолатларда юридик шахснинг жавобгарлиги мулкдорнинг ёки юридик шахс раҳбарининг ноқонуний ҳаракатлари натижасида келиб чиқсан<sup>1</sup>.

Болгария қонунчилигига эса бу ҳолат аникроқ белгиланган бўлиб, унга кўра юридик шахсга нисбатан жазо тайинланиши мумкин, агарда юридик шахс ходими, юридик шахснинг топшириғига кўра маълум бир вазифани бажарган ва жиноят шу вазифани бажариш баробарида содир этилган бўлса<sup>2</sup> деб кўрсатилган. Лекин, Қонун ходимни жиноят содир қилишига олиб келган сабабни инобатга олмайди.

Руминия IX ва РТга аъзо мамлакатлар ичидаги юридик шахсларнинг жавобгарлигини ташкилий тушунча орқали ишлаб чиқиб, белгилаган ягона давлатдир. Бу мамлакат қонунчилиги юридик шахсларнинг жавобгарлигини келтириб чиқарадиган жисмоний шахслар доирасини аниқ белгиламайди, лекин “қилмиш жиноят ҳуқуқида келтириб ўтилганидек тартибда айби исботланганлик ҳаракати натижасида келиб чиқишини талаб қиласди”<sup>3</sup>. Қонунда юридик шахснинг айби очиб берилмайди, аммо Руминия жиноят қонунчилиги доктринасига кўра, айб икки боскичда аниқланган бўлиши лозим ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсга (унинг органларига) нисбатан, яъни жиноий ҳулқ-автор уларнинг ташаббуси, санкциялаши, йўл қўйиши ва ташкилотнинг ички қонун хужжатларида ўз ходими устидан назоратни йўлга қўймаганлиги ёки виждонсизлиги натижасида юз берган бўлса юзага келади дейилган.

Юридик шахснинг жавобгарлиги, у билан умуман боғлиқлиқ жиҳати бўлмаган жисмоний шахс ҳаракатлари натижасида ҳам юзага келиши мумкинми деган саволга “МРнинг иши” деб номланган ишни мисол сифатида келтириб ўтса бўлади. Мазкур ишга мазмунига кўра иккита компания ноқонуний маблағларни ювиш ва пора беришда воситачилик қилганлик ҳолатлари бўйича айбдор деб топилиб жарима жазосига тортилган ва фаолияти тутатилган. Жаноб МР Атроф мухитни муҳофаза қилиш Давлат агентлиги директори лавозимида ишлаган ва ўз минтақасида фаолият юритаётган компанияларга табиатни муҳофаза қилиш масалаларида рухсатнома берган. МР доимий равишда шу икки компанияларга рухсатнома беришда

---

<sup>1</sup> Қаранг: РГБП 2 Фаза, §259, 78-Б.

<sup>2</sup> Қаранг: Болгария Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ти Қонуннинг, §1, 83<sup>a</sup>-моддаси.

<sup>3</sup> Қаранг: Руминия ЖКнинг кодексининг 19/1-моддаси.

тамагирлик йўли билан пора талаб қилган. Табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчи компанияларга рухсатнома бериш учун, уларга олдиндан бир ёки бир нечта компаниялар билан консультатив ва хизмат кўрсатиш шартномалари тузиш тавсия қилинган бу компаниялар МР, ёки ММ, ёки КВ каби МРга хайриҳоҳ компаниялар бўлган. Умумий ҳисобда юқоридаги консультатив компанияларнинг банк ҳисоб рақамларига 400 000 евро миқдорида ноқонуний тўловлар ўтказилган. Масаланинг мураккаб жиҳати шундан иборат бўлганки, МР бу ММ ва КВ каби консультатив ва хизмат кўрсатиш компаниялари билан жиноят содир этилган даврда бирор бир боғлиқлик томони бўлмаган. Жаноб МР илгари ушбу икки компанияларнинг таъсисчиси бўлган, лекин у давлат хизматига расман тайинлангандан кейин бу компанияларни бир нечта ишончли шахсларга расман сотган. Аммо, бу компанияларни сотиб олган шахслар ва раҳбарлар МРни қўлида “ўйинчоқ-марионетка” бўлишган ва МРни топшириғинигина бажаришган. Суд бу раҳбарларнинг ҳаракатларини фактик хато деб баҳолаб, уларни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас, деб топган. Чунки улар на банк ҳисоб рақамига келиб тушаётган маблағлар ва на тузилаётган шартномалар тўғрисида ҳеч нарса билишмаган. Шунинг учун улар килмишининг субъектив томони ўзлари раҳбарлик қилаётган компания билан эмас, балки бу компаниялар фаолиятини реал бошқарган МР нинг хулқ-автори билан боғлиқ бўлган. Ушбу ишнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур моделни етарли даражада самарали ва эгилувчан эканлиги унга корпорациялар фаолияти устидан назорат ўрнатишнинг самарали воситаси сифатида қараш мумкинligини кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу ишга бенефициар мулкдорни жавобгарликка тортишнинг наъмунаси сифатида ҳам қараш мумкин.

### **3.3. Юридик шахс билан унинг вакили ҳулқ-авторидаги ўзаро алоқадорлик.**

Барча юқорида келтириб ўтилган юридик шахсларнинг жавобгарлигига оид моделлар содир этилган жиноятларни икки турга, биринчиси, жиноят бажарувчининг шахсий манфаатлари тегишли бўлган жиноят турларига ҳамда иккинчиси, компаниянинг тижорат соҳасини ривожлантириш мақсадида содир этилган жиноятларга бўлинади. Бирорта ҳам юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи моделда масъул шахсларнинг шахсий мақсади йўлида содир

этган жиноятлари учун юридик шахс жавобгарлигини белгиламайди. ИХ ва РТ га аъзо мамлакатлар ҳам вакилнинг ноқонуний ҳатти-харакатлари билан корпорация фаолияти ўртасидаги алоқа критериясига асосланади. Бу алоқани ифодалаш учун “унинг номидан”, “унинг шахсидан”, “унинг топшириғи билан” “унинг манфаатлари йўлида”, “фойдасига”, “унинг учун” каби стандарт иборалардан фойдаланишади.

ИХ ва РТ га аъзо мамлакатларнинг аксарияти қонунчилигига компаниянинг манфаатлари (ёки фойдаси ва х.к.) тушунчалиги очиб берилмаган. Лекин, барча мамлакатлар давлат органлари таъкидлашади, бу концепция умумий мазмунда шархланиши, ва бунда юридик шахслар режалаштирган ёки олинган фойда моддий кўринишга эга бўлиши шарт эмас дейишади. Шундай ҳолатни корпоратив тарзда етказилган етказилган зарар миқдорини аниқлашда ҳам кўрамиз<sup>1</sup>.

Барча давлатлар қонунчилигига жиноят натижасида олинган фойда ёки етказилган зарар жавобгарликнинг шарти сифатида келтирилмайди, фақат Македония Республикаси қонунида бу ҳолат назоратнинг йўклигига оид талабларда кўрсатилган<sup>2</sup>. Македония Республикаси ЖКнинг 28а-моддасида келтирилади, “Юридик шахс агарда унинг ходими ёки вакили қилмишни содир этиши натижасида юридик шахс фойдасига анча миқдорда фойда келтирилган ва бошқа шахс манфаатларига ҳам жиддий зиён етказилган бўлиб, агарда:

-раҳбар органининг, бошқарув органининг ёки назорат органининг имзоланган хулосасида, буйруғида ёки бошқа қарорида жиноий қилмиш содир этиш кўрсатилган бўлса; ёки

-доимий назорат остида бўлган шахсни юклатилган вазифаларни бажармаслиги оқибатида қилмиш содир этилган бўлса; ёки

-раҳбар орган, бошқарув органи ёки назорат органи бажарувчига нисбатан жиноят иши қўзғатилганга қадар жиноий қилмиш содир этишнинг олдини олмаган, уни яширган ёки хабар бермаган бўлса” деб кўрсатиб ўтилган.

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласини тўлиқ ҳал этишда яна бир ечимини топиш зарур бўлган муҳим масала мавжудки, бу ҳам бўлса уни тижоратга алоқадор (аффилированный) гурухлар фаолиятига баҳо беришда фойдаланиш масаласидир. Компания

---

<sup>1</sup> Қаранг: ИХваРТ нинг ўтказган сўровномасидаги 3,3б,7 саволлари.

<sup>2</sup> Қаранг: Македония Республикаси ЖКнинг 28а-моддаси.

томонидан унинг она ёки қизи ҳисобланган филиал, бўлим ёки тузилмалари фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида пора берилган бўлса, шу тузилмаларнинг энг бўлмагандаги камида биттаси албатта жазоланиши лозим. ИХ ва РТ га аъзо мамлакатлар давлат органлари уларнинг давлатида пора берган компания жавобгарликка тортилиши жоиз<sup>1</sup> деб ҳисоблашади. Бирок, аксарият ҳолатларда бундай фикр факат назарияга асосланган бўлади, чунки жиноят алоқадор гурух ёки учинчи шахс манфаатлари йўлида содир этилган бўлсада, бу ҳолат қонунда аниқ кўрсатилмаган. Бу ҳолатда Хорватия қонунчилигида яхши истисно келтирилганки, унга кўра, масъул шахс томонидан жиноят содир этилганда юридик шахс жавобгарликка тортилиши тўғридан-тўғри кўрсатилиб шундай белгиланади: “агарда юридик шахснинг ўзи ёки бошқа шахс ноқонуний фойда олган бўлса ёки олиши мумкин бўлса”<sup>2</sup> .

Аксарият ИХ ва РТ га аъзо давлатлар қонунчилигида юридик шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилишда ягона талаб унинг вакили томонидан жиноят содир этилиши ҳолати инобатга олинади. Аммо иккита давлат, яъни Сербия ва Черногорияда мамлакатларида бунга қўшимча равишда масъул шахс ўз ваколати доирасида ҳаракат қилган ёки қилмаганлигини аниqlаш талаб қилинади. Сербия қонунига кўра масъул шахс ўз ваколати доирасида ҳаракат қилиб, юридик шахс манфаатларига фойда келтирган бўлса, юридик шахс жавобгарлиги вужудга келади<sup>3</sup>. Шунга ўхшаш қоида Черногория қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, унда “юридик шахс шундай ҳолатда жавобгарликка тортиладики, масъул шахс ўз ваколати доирасида юридик шахс номидан ҳаракат қилиб, аммо юридик шахс фойдасига қандайдир ноқонуний фойда олишни мақсад қилса ҳам” дейилган<sup>4</sup>. Келтириб ўтилган ушбу ҳолатлар юридик шахсларнинг жавобгарлиги чегарасини жиддий чеклаб қўйиши мумкин. Айниқса, бу муаммо вазифалар ва мажбуриятлари бошқарув органлари ўртасида тақсимланган йирик компаниялар фаолиятида қийинчилекларни келтириб чиқариши мумкин.

---

<sup>1</sup> Карап: ИХ ва РТ нинг ўтказган сўровномасидаги 3, 5б, 3. 8-саволлари

<sup>2</sup> Карап: Хорватиянинг “Жиноий қилмиши учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонунининг 1-боб, 3-моддаси.

<sup>3</sup> Карап: Сербиянинг Жиноий хукуқбузарлекларни содир этганлиги учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси.

<sup>4</sup> Черногориянинг юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонуни, 5-м.

“Шахс манфаатини кўзлаб” (ёки шахс манфаати йўлида) терминлари юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқлашда жиноят содир этган вакил билан компания тижоратчи ўртасидаги алоқани аниқлаш мезони ҳисобланади. Аммо, порахўрлик жинояти учун бу критерия ҳеч қандай қўшимча қиймат сифатида баҳоланмайди<sup>1</sup>. Порахўрлик – бу шундай жиноятки, бунда ҳар иккала манфаатли томон фойда олишни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам компания номидан пора бериш ўз-ўзидан компания фойдаси учун пора бериш ҳам ҳисобланади. Шунга қарамасдан, бу критерия “манфаатнинг мавжудлиги” критерияси сифатида мукобил ҳолатда ушбу компания орқали бошқа пора берувчи компанияни ҳам жавобгароликка тортишга ёрдам бериши мумкин. Агарда юридик шахс номидан ҳаракат қилган шахснинг ҳаракатлари мустақил жавобгарликка сабаб бўлса, ва бу ҳолат иш ҳолатлари доирасида ўз исботини топган бўлса, унда бу шахснинг ҳаракатларидан ким манфаатдор бўлди деган масала ҳеч қандай рол ўйнамайди. Шу сабаб “шахс манфаатларини кўзлаб” деган критерияни қабул қилган мамлакатлар назария жиҳатдан компанияларнинг ноқонуний фаолияти учун жавобгарликка тортишда яна бир таъсир таянчи сифатида фойдаланилади.

Ўз ўрнида эътироф этиш жоизки, “унинг номидан” критерияси ўз номидан қўшимча қийматга эга бўлиб, “манфаатларини кўзлаб” критериясидан мустақил тарзда инобатга олиниши ҳам мумкин. Ҳар иккала критерия ҳам битта жиноят иши доирасида исботланиши лозим деган талаб нотўғри бўлиб, асоссиз равишда ишни чигаллаштириб юбориши мумкин. Агарда компания жиноят натижасида фойда кўраётган бўлса, бажарувчи унинг номиданми ёки бошқа компания номидан ҳаракат қилганилиги аҳамиятга эга эмас.

Юқорида келтириб ўтилган кенг тарқалган критериялардан ташқари, бир неча давлатлар қўшимча бир нечта бошқа критерияларни қабул қилган. Масалан, Македония Республикаси қонунчилига кўра “яна масъул шахс томонидан содир этилган қилмиш “юридик шахс ҳисобидан содир этилган” бўлса, бу қилмиш юридик шахсга нисбатан ҳам тадбиқ этилади” дейилган<sup>2</sup>. Бу шуни англатадики, масъул шахс ҳаракатлари ўз навбатида юридик шахс

---

<sup>1</sup> Қаранг: яна Черногориянинг юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисида”ги Конуни, 5-моддаси.

<sup>2</sup> Қаранг: Македония Республикаси ЖКнинг 1-боб, 28<sup>а</sup>-моддаси.

ҳаракатлари ҳам ҳисобланади, юридик шахс бу ҳолатда ҳатто хуқуқий ва моддий оқибатни келтириб чиқарсада, масалан, компания маблағидан пора сифатида фойдаланилса жавобгарликка тортилади. Яна бир бор эътироф этамизи бу критерия илгари келтириб ўтилган асосий критерияларга қўшимча тарзда инобатга олинади. Бундай қўшимча критериядан Босния ва Герцоговина, ҳамда Грузияда ҳам фойдаланишади<sup>1</sup>.

Яна бир критерия Руминия қонунчилигида келтирилади, “унинг манфаатлари йўлида”, “унинг номидан” каби критериялардан ташқари “предметли фаолиятни амалга оширишда”<sup>2</sup> деган ибора ҳам қўлланилади. Ушбу баҳолаш мезони компания вакили ҳаракати билан компания тижорат фаолияти орасидаги заиф алоқани англатади, шу боис, бу ҳолат фақат компания оддий ходимининг ноқонуний ҳаракатлари учинчи шахс манфаатларига хизмат қилсагина эътиборли ҳисобланади.

Ва ниҳоят, юридик шахслар жавобгарлигининг яна иккита оригинал критерияси тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Хорватия қонунчилиги юридик шахсни жавобгарликка тортиш мезони сифатида қилмиш “юридик шахсни қайсиdir мажбуриятини бузса”<sup>3</sup> деган критерияни ишлатади.

Болгария қонунчилигида эса юридик шахслар “уюшган жиноий гурух топшириғига кўра ёки қарорига кўра”<sup>4</sup> содир этилган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши назарда тутилган.

#### Автоном жавобгарлик.

Автоном корпоратив жавобгарлик масаласини икки босқичда таҳлил қилиш мумкин. Биринчидан, хукуқбузарликнинг бажарувчисини судланиши, бевосита юридик шахснинг жавобгарлигига олиб келадими, агарда акси бўлса, унда процессуал автономия тўғрисида фикр юритиш мумкин. Масаланинг моҳияти шундаки, юридик шахсга ва бажарувчига нисбатан жиноий таъқиб ва суд жараёнини бир биридан алоҳида мустақил жараён сифатида ўтказиш лозимми деган масала кун тартибида туради.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Босния ва Герцоговина ЖКнинг 124-моддаси. Грузия ЖКнинг 2-боб 107<sup>1</sup>-моддаси.

<sup>2</sup> Қаранг: Руминия ЖКнинг 19/1-моддаси.

<sup>3</sup> Қаранг: Хорватиянинг юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисида”ги Конунининг 1-боб 3-моддаси.

<sup>4</sup> Қаранг: Болгариянинг “Маъмурий хукуқбузарликлар ва жазолар тўғрисида”ги Конунининг 1-боб, 83<sup>a</sup>-моддаси.

Одатда юридик шахсларнинг жавобгарлиги жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини истисно қилмайди ёки аксинча жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги эса корпорацияларнинг айблашни истисно қилмаслиги тартиб сифатида белгиланган. Самарали механизмда яна бир бажарувчининг жавобгарлиги принципи харакатда бўлиши лозим, лекин бу ўз навбатида – жисмоний шахснинг жавобгарлиги юридик шахсни жавобгарликка тортишнинг асосий шарти бўлиб қолмаслиги керак. Ушбу қоида астасекин халқаро ҳуқуқнинг асосий стандартларидан бири бўлиб қолган ва тобора кўплаб давлатлар юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласида бу қоидага амал қилишмоқда. Бу қоида юридик шахсларнинг жавобгарлиги санкцияси самарали бўлиши лозим деган принципга асосланади ва бу ерда юридик шахснинг жавобгарлиги жисмоний шахсларнинг, яъни жиноятни бажарувчиларини жавобгарликка тортиш масаласи билан узвий боғлиқ бўлмаслиги жоиз.

ИХ ва РТ нинг раҳбарияти илгор амалиётда шуни назарда тутадики<sup>1</sup>, унда юридик шахсларнинг жавобгарлиги фақат жисмоний шахсларнинг жиноят содир этиши натижасида жиноий таъқибга олиниши ёки суд томонидан айбдор деб топилиши билан боғлиқ бўлиб қолмаслиги лозим. ИХ ва РТ нинг пораҳўрликка қарши курашиш бўйича Ишчи гурухи “жисмоний шахсни айбдор деб топиб, уни жазолаши, жуда мураккаб бўлган ва мунтазам равища марказлашмаган қарорлар қабул қилиш механизмига эга бўлган корпаратив тизим бошқаруви билан тенглаша олмайди”<sup>2</sup> деб хulosса килади. Ушбу талаб тўғридан-тўғри БМТ Конвенциясининг З-боб, 26-моддаси мазмунини бузиб қўрсатади. Ҳали 1988 йилда Европа Кенгаши Вазирлар Кўмитаси ўз Тавсиясида қатнашчи давлатларга куйидагича қўрсатма берган: ташкилотлар жисмоний шахслар томонидан жиноий ҳисобланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган ёки этмаганлигидан қатъий назар жавобгарликка тортилиши лозим.<sup>3</sup> Худди шундай хавотирли хulosани GRECO (англ. Group of

---

<sup>1</sup> Қаранг:ИХваРТ Кенгашининг 2009 йил 26 ноябрдаги халқаро тижкорат келишувларида хорижий мансабдор шахсларга пора берилишига қарши курашиш бўйича Тавсияларнинг 1-иловаси

<sup>2</sup> Қаранг:ИХваРТ нинг Ишчи гурухининг Венгрия бўйича ҳисобати 3-фаза §2; шунингдек Польша бўйича ҳисобати 2-фаза §161-163.

<sup>3</sup> Қаранг: Европа Кенгаши Вазирлар Кўмитасининг 1988 йил 20 октябрдаги R-сонли Тавсияси.

States Against Corruption, – Европа Кенгаши томонидан коррупцияга қарши кураш мақсадида 1999 йилда ташкил этилган халқаро ташкилот ҳам берган. Ва у күйидагича баён этилган: “олдин құлмиш содир этган жисмоний шахсни-бажарувчini аниқлаш лозим, чунки йирик корпорацияларда шахс фақат содир этилган жиноятни бир қисмини бажариши мумкин, шунингдек, бу корпорацияларда қарорлар жамоавий қабул қилинади, шу боис, жиноят содир қилишда гумон қилинган жисмоний шахснинг айбини аниқлада жиноий жавобгарликка тортиш бажарип бўлмайдиган вазифадир”<sup>1</sup>.

Аммо қайд этиш жоизки, ушбу қоидани қўллашнинг иккита йўли мавжуд. Айрим режимларда жиноят содир этган жисмоний шахс аниқланган ва идентификация қилинган, лекин айбдор деб топилмаган ва жазоланмаган; бошқа йўлида эса айбдорни аниқлаш ҳам шарт эмас<sup>2</sup>.

Кейинги келтириб ўтилган ёндашув шундай ҳолатларда ҳам қўлланиладики, тергов органи жиноят корпорациянинг манфаатлари учун содир этилганлигини исботлаган, аммо құлмиш билан боғлиқ барча ҳолатлар аниқланмаган, масалан, жиноий қарор кенгаш бошқаруви томонидан қабул қилинган лекин қайси бошқарув кенгаш аъзоси қарор қабул қилишда овоз беришда қатнашганлигини аниқлашнинг имконияти йўқ ҳолатларда ҳам қўлланилади. Аммо бу вазият терговчининг ишини нафақат енгиллаштиради, балки катта корпорацияларда унинг тузилиши катталиги ва бошқаришнинг мураккаблиги сабабли корпорация сиёсатини биргаликда фаолият олиб борувчи жисмоний шахслар шакллантиради. Шу сабабли, бундай ҳолатларда жиноят хуқуки нуқтаи назаридан бирорта ҳам жисмоний шахс ҳаракатлари бажарувчи сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Бу ҳолатларда, компанияни жиноий жавобгарликка тортишда аниқ жиноят содир этган шахсни аниқлаш, яни идентификация қилиш талаб этилмаслиги юридик шахсларни жавобгарликка тортишда самарали ҳолат деб топиш мумкин.

Бу борада АҚШ Федерал суди томонидан ишлаб чиқилган таълимотни наъмуна сифатида келтириб ўтса бўлади. Корпорация деганда унда ишлайдиган кўплаб ходимлар жамоасини тушунганимиз

---

<sup>1</sup> Каранг: ГРЕКО. Латвия бўйича тавсияларга қўшимчалар 2009 йил февраль §39.

<sup>2</sup> Каранг: Масалан, АҚШ, Финландия, Швецария ва Нидерландияларда бажарувчini идентификация қилиш талаб этилмайди.

учун, асл жиноятчини аниқлаш зарур. Жиноий таъқибни амалга оширувчи орган фақат корпорацияда фаолият юритувчи қайсиdir шахс жиноят содир этган деб кўрсатиши кифоя. Гарчанд, қонун бу борада аниқ кўрсатмасада, айрим компаниялар маълум жиноятлар учун жавобгарликка тортилган эди, аммо бу ерда қилмишни содир этган компания ходимларининг ҳаракатлари жиноят таркибининг субъектив томони талабларига жавоб бермаса ҳам. Бу ҳолатларда компаниянинг турли жисмоний шахслари жамоавий зарур билимлар элементларига эга деб ҳисобланиб, бу жамоавий билимлар элементлари компания жавобгарликка тортишга сабаб бўлган<sup>1</sup> дейилган.

ИХ ва РТ га аъзо давлатларнинг деярли барчаси у ёки бу кўринишда юридик шахсларниң жавобгарлиги жиноятни бажарувчиси, яъни жисмоний шахснинг жавобгарлиги билан бевосита боғлиқ эмас деб эътироф қилишади<sup>2</sup>. Аммо юқорида келтириб ўтилган иккинчи ёндашувни фақат Грузия ва Латвия қонунчилигига учратамиз. Грузиянинг қонунчилигига кўра, “юридик шахс содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликка қачон тортиладики, қачонки, жиноят юридик шахс номидан ёки юридик шахс ёрдамида ёки унинг манфаатлари йўлида содир этилса, уни содир этган жисмоний шахс аниқланган аниқланмаганидан қатъий назар”<sup>2</sup> юридик шахс содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилади” дейилган. Латвия қонунчилигига қуйидаги ҳолатда эса юридик шахснинг жиноятига оид алоҳида иш қўзгатилиши мумкин, “агарда жиноят содир этган субъектнинг шахсини аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш имконияти бўлмаса”<sup>3</sup>. Шунга қарамасдан, Латвия давлат органлари бу вазиятга масалан, жиноят яширин овоз бериш йўли билан содир этилиш ҳолатлари кириши мумкинлигини таъкидлашиб, бу формулировка барча бошқа айб аноним ёки жамоавий бўлган вазиятларни қамраб олишини эътироф этишган. Тўлиқ автоном жавобгарлик масаласи Руминия қонунчилигига ҳам хосдир, чунки бу мамлакатга хос бўлган юридик шахсларнинг

---

<sup>1</sup>Карант: Фақат Литва қонунчилигига юридик шахсни жавобгарликка тортиш учун жиноят содир этган жисмоний шахс жавобгарликка тортилиб судланган бўлиши лозим дейилган.ИХ ва РТ сўровномасидаги Литванинг жавоблари 6.1-6.3.

<sup>2</sup>Карант:Грузия ЖКнинг 4-боб, 107<sup>1</sup>-моддаси.

<sup>3</sup>Карант: Латвия ЖПКнинг 3-боб, 439-моддаси 2 қисми.

жавобгарлигини назарда тутувчи ташкилий модель жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ эмас<sup>1</sup>.

ИХ ва РТ га кирувчи бошқа давлатлар қонунчилиги қўпроқ қилмишни содир этган жисмоний шахсни-бажарувчини аниқлашни талаб этади. Бу давлатлар қонунчилигига юридик шахслар жавобгарлиги масаласида (Босния ва Герцоговина, Болгария, Македония Республикаси) шундай хисобланадики, юридик шахс коррупцион қилмишлари учун “хатто жисмоний шахс жавобгарликка тортилмаса ҳам”<sup>2</sup> жавобгар бўлади, “айбдор деб топилмаган” (Черногория, Россия)<sup>3</sup>, “айбизз” ёки “юридик шахс мажбуралиши натижасида ёки у томонидан қўрқитиш орқали”<sup>4</sup> содир этилган бўлса (Словения) ҳам юридик шахс жавобгарлиги келиб чиқиши белгиланган. Бу ҳолатларнинг барчаси қилмиш содир этган масъул шахс аниқланган ва унга нисбатан маълум текширувлар ўтказилганлик ҳолатларига оидdir. Акс ҳолда эса уларни “жавобгарликка тортиш”, “айбдор деб топиш” ёки “айблилик” тўғрисида хулоса қилиш мумкин эмас.

Сербия, Озарбайжон ва Хорватия мамлакатларида автономлик принципи процессуал қоидаларда ўз ифодасини топган. Масалан, Сербияда “агарда масъул шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик тутатилган, ёки айблов эълон қилиш рад этилган”<sup>5</sup> ҳолатларда ҳам юридик шахс жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Худди шунга ўхшаш ҳолатни Озарбайжон қонунчилигига қуйидагича ифодаланади: “жиноий таъқиб жисмоний шахсга нисбатан тўхтатилган ҳолатлар юридик шахсга нисбатан жиноий-хукуқий чоралар қўлланилишига тўскинлик қилмайди”<sup>6</sup>. Хорватия қонунчилиги юридик шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатишни ва жиноий таъқибни амалга оширишни кутилмаган имкониятини назарда

<sup>1</sup> Қаранг: ИҲваРТнинг Руминия сўровномасидаги, Руминиянинг 2-4-боб, 6.1, 6.2 ва 6.3 жавоблар.

<sup>2</sup> Қаранг: Босния-Герцоговина ЖКнинг 1-боб, 125-м., Болгариянинг юқорида келтирилган Қонунининг 3-боб, 83<sup>a</sup>-м., Македония ЖКнинг 2-боб 28b-м.

<sup>3</sup> Қаранг: Черногориянинг Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисида”ти Қонунининг 6-м., Россиянинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Қонунининг 2-боб, 14-м.

<sup>4</sup> Қаранг: Словениянинг “Жиноят содир этганлиги учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ти Қонунининг 1-боб, 5-м.

<sup>5</sup> Қаранг: Сербиянинг “Жиноят содир қилганлиги учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ти Қонунининг 7-м.

<sup>6</sup> Қаранг: Озарбайжон ЖКнинг 99-4.4-моддаси.

тутади: “масъул шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши ёки жиноий таъқибни амалга ошириш ҳуқуқий ёки бошқа сабаблар билан йўл қўйилмайди”<sup>1</sup>.

Бундай ҳолат Украина ЖКнинг корпоратив жавобгарлик тўғрисидаги янги бобида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлсада, аммо бундай жавобгарлик жиноят содир этган “масъул шахс” жавобгарлиги билан боғлаб келтирилган. Тадқиқ қилинаётган модель (жиноий-ҳуқуқий чоралар) бундай чоралар индивидуал жавобгарликка нисбатан иккинчи даражали деб қаралади. Мазкур модель юридик шахс номидан ва унинг манфаатлари йўлида “жиноятни масъул шахс томонидан содир этилишини” талаб этади. Украина ЖКнинг 9610-моддаси талабларига кўра юридик шахсга нисбатан бундай чораларни кўллашда, суд бошқа ҳолатлар билан биргаликда жиноятни оғирлик даражасини, бажарувчи жиноий ниятини қанчалик даражада амалга оширганигини инобатга олади. Украина ЖПКнинг 214-моддасига кўра эса юридик шахсга нисбатан жиноий иш юритиш жисмоний шахсга иш юритиш билан бир вақтда амалга оширилади. Ва нихҳоят шу кодекснинг (яъни ЖПКнинг) 284-моддасининг 3-қисмида юридик шахсга нисбатан юритилган жиноят иши, агарда шу иш бўйича жавобгарликка тортилган жисмоний шахсга нисбатан тўхтатилган ёки бу шахс оқланган бўлса юридик шахсга нисбатан ҳам бекор қилинади”,<sup>2</sup>-дейилган.

### **Процессуал автономия.**

Автоном жавобгарлик принципининг ҳам ўз процессуал жиҳатлари мавжуд. Бу ерда масала шундан иборатки, юридик шахсга нисбатан жиноий таъқибни давом эттириш ва уни айбордор деб топиш масаласи, жисмоний шахсга-бажарувчига нисбатан қандай қарор қабул қилиниши лозим ёки қилингандигидан қатъий назар амалга оширилади. Ушбу масаланинг ижобий ҳал этилиши юридик шахснинг жавобгарлиги масаласини кўпроқ мослашувчан ва вазиятга қараб эгилувчан қилиб, айниқса мураккаб ва чалкаш ишларни кўришда муҳим ҳисобланади. Чунки, ҳар бир жисмоний шахснинг химоя ҳуқуқи билан таъминланганлиги, қанча иш юзасидан кўп

---

<sup>1</sup> Қарант: Хорватиянинг “Жиноят содир этганилиги учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонунининг 2-боб, 23-м.

<sup>2</sup> Қарант: Истамбул ҳаракат режасининг 2015 йил 24 марта Украина бўйича ўтказган мониторингининг 52-бети.

гумонланувчининг жиной таъқиб жараёнида қатнашиши, шунча қўп вақтни талаб этади. Қўп эпизодли ва мураккаб коррупцион схемага асосланган ва узоқ муддат фаолиятда бўлган ёки бир нечта жисмоний ва юридик шахс иштирок этган ва трансчегаравий тусга эга бўлган қилмишларни жиной таъқиб қилиш аксарият ҳолатларда жавобгарликка тортиш муддати билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Бунга мисол қилиб ер участкаларини алмашиш билан боғлиқ юқорида келтириб ўтган ва тўққиз йил давом этган Эстониядаги “АС Мерко Эхитус ва Руминиядаги МР компаниялари фаолиятига оид жиной ишни келтириб ўтса бўлади. Эстония Олий суди ушбу жиноят иши бўйича айбланган битта жисмоний шахсни жиной жавобгарликдан озод этиб, иккинчи шахсга тайинланган жазонинг муддатини енгиллаштириб берган. Кўпроқ эътиборни юридик шахснинг жавобгарлиги масаласига қаратиб, иш бўйича ўтаётган жисмоний шахсларни (ёки уларни айримларини) алоҳида иш сифатида кўриб чиқиши, тергов ва судга ажратилган қимматли муддатларини тежашга, шу орқали одил судловга йирик ишларни ўз вақтида юборишга хизмат қиласди.

Агар ИХ ва РТнинг антикоррупцион тизимига аъзо мамлакатларга эътиборни қаратасак, бу ерда ҳам иккита ёндашув мавжудлигига ишонч ҳосил қиласмиш. Аксарият ИХ ва РТ антикоррупцион тизимига аъзо мамлакатлар қонунчилигига жиноят процессини иккита алоҳида иш юритишга ажратади, фақат айрим ҳолатларда умумий қоидалардан истисно тариқасида текширув ҳаракатларини бир вақтда олиб бориши ва ягона суд қарорини чиқаришига йўл қўяди. Сербиянинг юридик шахсларнинг жиноят содир этганилиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги Қонунининг 35-моддасида кўйидаги қоидалар келтириб ўтилган:

“Қоидага кўра юридик шахс ва масъул шахсга нисбатан қўзғатилган ва тергов қилинган жиноят иши юзасидан қўйида келтирилган ҳолатларда ягона суд қарори чиқарилиши лозим.

Агарда масъул шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш ва тергов қилиш имконияти бўлмаганда, қонунда етарли асослар кўрсатилган бўлса, фақат юридик шахснинг ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилиши лозим<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: шундай қоидалар Хорватия, Македония, Черногория, Словения ва Украина конунларида ҳам мавжуд.

Ушбу масала Болгария қонунчилигида батафсилроқ ўз ифодасини топган бўлиб, бу қонунда ишни алоҳида ишлаб чиқаришга ажратиш асослари келтирилган. У ўз ичиға амнистия акти, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги, ўлим ва узоқ муддатга руҳий касалликка чалиниши каби ҳолатларни қамраб олади. Шунингдек, Латвия қонунчилигида бундай ҳолатлар қуидаги тартибда келтириб ўтилган:

Жисмоний шахсга нисбатан юритилган жиноят иши реабилитация асосларисиз тугатилган бўлса;

Агарда жисмоний шахсни аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асослар мавжуд бўлмаган вазиятлар юз берганда ёки турли объектив сабабларга қўра жиноят ишини ўз муддатида судга юбориш имконияти бўлмаса;

Жисмоний шахс манфаатлари ва унинг химоя ҳуқуки билан боғлиқ жиноий-ҳуқуқий муносабатларни ўз вақтида ҳал этишда;

Юридик шахс вакилининг тегишли илтимосномаси мавжуд бўлгандা<sup>1</sup>.

Бошқа гурух мамлакатлар на умумий, на маҳсус қоидаларни ўз қонунчилигида тан олишмайди. Масалан, Эстониянинг на ЖК, на ЖПҚда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги, жисмоний шахсларнинг-бажарувчиларнинг жавобгарлигидан алоҳида ўтказилиши тўғрисида сўз юритилмайди<sup>2</sup>. Аммо, Эстониянинг давлат органлари амалиётида битта бўлсада жиноят иши мавжудки, унда суд маълум иш юритиш вақтида жиноят содир этишда гумон қилинаётган юридик шахсга нисбатан алоҳида жиноий таъқиб методини қўллашга рухсат берган.

Охирги кўтарилиган масала юзасидан битта муҳим тушунча бериш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Эътироф этилардики, айрим тергов ҳаракатларини бевосита юридик шахсга нисбатан қўллаб бўлмайди, чунки юридик шахс корпоратив ташкилот ҳисобланниб, у гапириш, ўйлаш ёки муносабат билдириш қобилиятига эга эмас<sup>3</sup>. Бу эътироф айрим одатий тергов ҳаракатлари учун тўғри ҳисобланади, бироқ алоҳида маҳсус услублар учун эса бу хато бўлади. Гумон қилинаётган компания офици назорат остига олиниши мумкин, масалан, компанияга расмийлаштирилган телефонлар хуфёна

---

<sup>1</sup> Латвия ЖПКнинг З-боб 439-моддаси.

<sup>2</sup>Шундай ҳолатлар Грузия ва Руминия қонунчилигида ҳам мавжуд.

<sup>3</sup> Қаранг: Бу масала юқорида ҳам келтириб ўтилган эди.

эшитишига қўйилиши, компанияга юборилган хат ва турли жўнатмалар яширин равишда очиб кўрилиши, ва ниҳоят юқоридагилардан аҳамияти кам бўлмаган ҳолат яширин агент турли тўқима гаплар билан компанияга кириб унинг фаолияти билан яқиндан танишиши мумкин, буларнинг ҳаммаси жисмоний шахсларнинг ишончига киришга нисбатан афзалроқдир. Шу сабабли, тергов жараёнида маҳсус услубларни бевосита ва юридик шахсга нисбатан кўлланилиши имконияти мавжуд. Деярли барча ИХ ва РТ антикоррупцион тизимида аъзо давлатлар саволномага берган жавобларида самарали тезкор кидирув ва тергов ҳаракатларини юридик шахсларга нисбатан автоном тарзда қўллашларини баён килишган<sup>1</sup>.

### **3.4. Юридик шахсларнинг жавобгарлигини қўллаш соҳалари.**

#### **Жавобгарлик субъектлари.**

Кўпчилик юрисдикцияларда “юридик шахс” тушунчаси асосан фуқаролик ва тижорат ҳуқуқида, агар юридик шахсни жавобгарлик соҳаси тегишли бўлса жиноят ҳуқуқида ҳам қўлланилади. ИХ ва РТ антикоррупцион тизимида кирувчи мамлакатлар ҳам шу йўлдан боришимокда: корпоратив жавобгарлик фақат юридик шахс мақомига эга бўлган субъектларга нисбатан қўлланилади, шу сабабли тегишли ҳуқуқ соҳаларида бу ҳақда тегишли тушунчалар берилган. Аммо, Черногория давлатида бу борада бошқача услугуб қўлланилади. Бу давлатнинг юридик шахслар жавобгарлигини назарда тутадиган қонунида корпоратив жавобгарлик субъектларининг рўйхати келтириб ўтилган. Жумладан, ушбу Қонуннинг 4.1-моддаси куйидагича ифодаланган:

“юридик шахс деганда, мунтазам ёки вақти-вақти билан мулкка эгалик қиласидиган ва ўз фаолияти давомида шу мулкни бошқарадиган ва ишлатадиган компания, чет эл компанияси ва унинг филиали, давлат кархоналари, ташкилотлари, муассасалари, миллий ва хорижий нодавлат ташкилотлари, инвестиция фонди, бошқа фондлар (давлат органи ваколати асосида фаолият юритадиган фонддан ташқари), спорт ташкилотлари, сиёсий партиялар, шунингдек, бошқа ассоциация ёки ташкилотлар тушунилади” дейилган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: ИХ ва РТнинг антикоррупцион тизими саволномасининг 10.6-рақамли саволи.

Ушбу тушунчадан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, термин “юридик шахс” кўпроқ жиноят ҳуқуқида қўлланилади, бошқа ҳуқуқ соҳаларида эса кўпроқ бошқа терминлардан фойдаланилади. Шундай ҳолатни биз Латвия қонунчилигига учратамиз, у ерда корпоратив жавобгарлик, юридик шахс доирасидан ташқарига чиқарилган. Бу ерда юридик шахсни алоҳида жиноий-ҳуқукий тушунчаси мавжуд бўлмасада, Латвия давлати<sup>1</sup> қонунчилигига юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган мажбурий чоралар, унинг ҳамкорларига нисбатан ҳам, ҳатто юридик шахс мақомига эга бўлмаган шахсларга ҳам қўлланилади.

Шундай юридик бирлашмалар ёки ташкилотлар юридик аҳамиятга эга бўлган харакатларни содир қилишади, гарчанд улар юридик шахс мақомига эга бўлмасаларда. Шу йўл билан улар турли коррупцион схемаларда ҳам иштирок этишлари мумкинлигини инобатга олган ҳолда Латвия қонун чиқарувчиси бундай субъектларга нисбатан ҳам юридик шахслар жавобгарлигини тадбиқ этган.

Ўрни келганда эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги қонун ҳужжатларида юридик шахс тушунчаси фақат Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида келтириб ўтилган. Мазкур кодекснинг 4 боби “Юридик шахслар” деб номланниб, кодекснинг 39-моддасида юридик шахс тушунчаси қуидагича келтириб ўтилган: “Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқаруvida алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда дайвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс хисобланади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак”<sup>2</sup>.

Ушбу кодексда юридик шахсларнинг белгилари ҳам берилган бўлиб унга кўра юридик шахс қуидаги белгиларга эга бўлиши шарт:

Мустақил ташкилот;

Мулкий мустақиллик;

Мулк учун жавобгарлик;

Фуқаролик муносабатларида ўз номидан иш кўриши;

---

<sup>1</sup> Қаранг: Латвия ЖКнинг 701-моддаси.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси – Т “Адолат”, 2018 йил.

Ўз низоми в таъсис шартномасига эгалиги;  
Мустақил баланс ва сметага эга бўлиши;  
Давлат рўйхатидан ўтганлиги ва тегишли лицензияси мавжудлиги.

Келажакда Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг жиноий қилмишлари учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги қонун қабул қилинса, юридик шахс тушунчаси янги термин ва белгилар билан тўлдирилиши ва бу кенгайтирилган тушунча амалдаги ЖҚда ўз ифодасини топса ажаб эмас.

### **Оммавий ҳуқуқий шахслар.**

Кўпгина юрисдикцияларда жиноят ҳуқуқида юридик шахс жавобгарлиги барча юридик шахсларга бирдек қўлланилмайди. Ҳаммасидан кўпроқ жиноий жавобгарлик давлат органлари ва унинг кўйи маҳаллий органларига нисбатан татбиқ этилмайди. Ушбу ёндашиш ИХ ва РТнинг антикоррупцион тизимига аъзо давлатлар қонунчилигига ҳам хос бўлиб, бу давлатлар қонунчилигида корпоратив жавобгарлик давлат, автоном вилоят, муниципалитетлар ва маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан бундай жавобгарлик назарда тутилмаган. Айрим давлатларда мазкур рўйхатга халқаро ташкилотлар<sup>1</sup> ёки оммавий ваколатта эга бўлган юридик шахслар<sup>2</sup> ҳам киритилган. Хорватия ва Македония Республикалари қонунчилигида маҳаллий давлат органлари учун фақат уларнинг давлат ваколатини амалга ошириш юзасидан белгиланган вазифалари кирмайди холос, бошқа вазиятларда жавобгарлик юзага келади. Масалан, агарда ушбу маҳаллий органлар давлат ваколатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ноқонуний ҳаракатларни содир этганда улар бошқа юридик шахслар қатори жавобгарликка тортиладилар. Черногория қонунчилигида ҳам ушбу ҳолатлар учун умумий принцип татбиқ этилиб, у умумий тарзда қуйидагича баён қилинган: “Давлат

---

<sup>1</sup> Қаранг: Озарбайжон, Болгария, Эстония, Латвия, Литва, шунингдек коррупцион жиноялар учун Украина қонунчилигида ҳам халқаро ташкилотлар жавобгарликка тортилмайди.

<sup>2</sup> Қаранг: Эстония, Латвия, Руминия ва Украина қонунчилигида бу ташкилотлар учун ҳам жавобгарлик белгиланмаган.

ваколатига эга бўлган юридик шахс, шу ваколатларни амалга ошириш жараёнида жавобгарликка тортилмайди”<sup>1</sup>.

Грузия қонунчилигига бу масала янада бошқача мазмунда келтириб ўтилган. Грузия ЖКнинг 1-боб 1071-моддаси талабларига кўра жиноий жавобгарлик тижорат ва нотижорат ташкилотлари хисобланган юридик шахсларга ва уларнинг ҳуқуқий ворисларига нисбатан қўлланилади. Келажак амалиёти шуни кўрсатадики, кейинчалик марказий ҳокимият давлат органлари ҳам судга берилиши мумкин.

### **Хусусий ҳуқуқ субъектлари.**

Юридик шахс тушунчаси ва унинг таснифлари турли давлатларда турфача баён қилинади. Аммо барча давлатлар у ёки бу тарзда улар орасидаги фарқларни келтириб ўтишади:

тижорат ташкилотлари (компаниялар) ва нотижорат ташкилотлари;

давлатга ва маҳаллий органларга қаарашли хусусий компаниялар; миллий ва хорижий компаниялар.

Шуни эътироф этиш лозимки, Сербиядан ташқари барча ИХ ва РТ антикоррупцион тизимиға аъзо давлатлар, давлатга, автоном субъектларга ва маҳаллий фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан назорат қилинадиган тижорат компанияларига корпоратив жавобгарликни белгилаб қўйишган. Худди шундай ҳолатни биз хорижий компаниялар<sup>2</sup> ва нотижорат ташкилотларига нисбатан ҳам кўрамиз.

Юқорида мисол тариқасида келтириб ўтилган Латвиядаги “ГАМА” компанияси иши шуни кўрсатдики, амалиётда чет эл компаниясига нисбатан ҳам самарали жиноий таъқибни амалга ошириш мумкин экан. Ушбу мисолда халқаро бозорда самарали фаолият юритаётган чет эл компанияси ва унинг минтақавий вакили, турк фуқароси ҳам жазодан қочиб кутила олмади. Ёки яна мисол сифатида келтириб ўтилган Хорватиядаги “Фими Медиа” компанияси ишини таҳлил қиласак, унда Хорватия нотижорат ташкилотини жавобгарликка тортиш мумкинлигини кўрсатиб берди. Бундай ҳолат

<sup>1</sup> Қаранг: Черногориянинг юридик шахсларни жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги Конуннининг 2-боб, 2-моддаси.

<sup>2</sup> Қаранг: Хорватияда юридик шахсларнинг жавобгарлиги чет эл компанияларига факат Хорватия қонунчилигига назарда тутилган бўлсагина қўлланилади; Болгарияда эса, бундай чет эл компанияси рўйхатдан ўтган бўлиши талаб этилади.

жиноят иши сиёсий партия давлат ва фонdlар ва эҳсонларни талонтарож қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиб суд ҳукми чиқарилганлиги билан тугаган Эстония ва Литва мамлакатлари амалиётида ҳам мавжуд<sup>1</sup>.

## **Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилишида ворислик масаласи.**

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласида яна бир муҳим ҳолат шундан иборатки, агарда юридик шахс тугатилса, бошқа юридик шахсга қўшиб юборилса ва қайта ташкил этилса унинг жавобгарлиги масаласи муаммоли ҳисобланади. Самарали тизимларда юридик шахснинг тугатилиши, бошқа юридик шахсга қўшиб юборилиши ва қайта ташкил этилиши уни жавобгарликдан озод этилишига асос бўлмайди. Шу ўринда Руминия қонунчилигида юридик шахс фаолиятини қайта ташкил этишдан холос бўлишга олиб келадиган самарали мисол бор. Руминия қонунчилигига кўра, юридик шахсларни жавобгарликка тортиш ва суд жараёнида қўйидаги профилактик чоралар назарда тутилган:

юридик шахснинг тугатилиш жараёнини тўххтатиб қўйиш;

юридик шахсни қўшиши ёки ажратишни тўхтатиш;

юридик шахснинг маблағини камайтиришга олиб келадиган турли келишуввларга таъкиқ қўйиш;

айрим юридик ҳаракатларни таъкиқлаш;

маълум бир фаолият билан шуғулланишни таъкиқлаш, масалан, жиноят содир этилишига олиб келган фаолиятни<sup>2</sup>.

Бундай чеклов чораларининг зарурлигига яна юқорида келтириб ўтилган Эстониянинг ер участкаларини алмаштириш билан боғлиқ “AC Мерко Эхитус” компанияси мисолини келтириб ўтиш мумкин. Биламизки, мазкур компания порахўрлик жиноятида айбланиб, суд томонидан 798 000 евро микдорида жаримага тортилган эди. Бу иш қўзғатилган Эстония қонунчилигида юридик шахснинг фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича ҳеч нарса дейилмаган. Бу иш 2006 йилнинг октябрь ойида қўзғатилган жиноий иш доирасида компания офисида тинтувлар ўtkазилгач оммавий тус олди. 2008 йилнинг март ойида эса,

---

<sup>1</sup> Каранг: Эстонияда сиёсие партия барча партиялар учун бир хил белгиланган маблағдан қўпроқ маблағ сарфланганлиги учун судланган эди. Эстония ЖКнинг 402-моддасида шундай килмиш учун жавобгарлик белгиланган, шунингдек, Эстония Олий суди ҳукми 3-1-1-67-09-сонли.

<sup>2</sup> Каранг: Руминиянинг ИХ ва РТ саволномасидаги 10.2-саволга берилган жавоблар.

ҳали тергов ҳаракатлари тугамасдан компания раҳбарияти унинг фаолиятини қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва бир компания доирасида иккита “AC Мерко Эхитус” ва “AC Ярвеvana” компанияларини ташкил этади. Барча тижорат фаолияти ва маблағи “AC Мерко Эхитус” компаниясида қолади, “AC Ярвеvana” компаниясига эса 17,5 млн. евро тергов жараёнидаги жиноят иши ҳаражатлар учун ўтказилади (қонунда кўрсатилган максимал жарима миқдоридан кўпроқ). Ҳар иккала компаниялар акциялари биржанинг кимматли қоғозлар рўйхатида қолганлиги боис, “AC Ярвеvana” компанияси устидан жиноий таъкиб амалга оширилаётган биржадаги активлари сотилиши мумкин бўлган ягона компания бўлиб қолган. 2008 йилда яна янгидан ташкил этилган “AC Мерко Эхитус” компанияси давлат харидларида қатнашишга уринди, аммо унинг тендерда қатнашиши таъкиқланди.

Компания эса бу вазиятда таъкиқни суд орқали ўз фойдасига ҳал этди. Эстония Маъмурий суди ўз қарорида эътироф этганки, бу компания фаолияти янги компания сифатида қайта ташкил этилганлиги ва уни давлат харидларида қатнашиш ҳуқуки борлиги ва харидни амалга ошириш учун етарли иқтисодий имкониятга эга эканлигини асосслаб, кўрсатиб ўтган. Натижада 2014 йилда Эстония Олий суди жиноят палатаси “AC Ярвеvana” компаниясини ушбу жиноят иши бўйича айбдорлиги тўғрисида оҳҳирги қарорни қабул килган.

Ушбу ҳолатда “AC Мерко Эхитус” компанияси компания фаолиятини қайта ташкил этишдан нимага эришди? – деган савол туғилади. Энг аввоало, бу компания 798000 евро миқдоридаги жарима жазосидан қочиб кутила олмади, зеро ушбу жарима 2008 йилда компаниядан давлат фойдасига ундирилди. Шунингдек, компания ўз товар белгисини, яъни номини оқлаб ололмади, чунки жиноят ишининг номида “AC Мерко Эхитус” тамғаси сақланниб қолди. Бирок, компания давлат харидлари тендерларида қатнашиш ҳуқуқини сақлаб қолди. Бу унинг учун жуда муҳим эди, чунки бу ҳолат бир марта жарима тўлашдан кўра афзал эди. Ундан ташқари, компания фаолиятини бўлиш орқали қайта ташкил этиш унинг фаолиятини барқарорлаштиришга, акциядорлар ва инвесторларни ҳамда уларни мижозларида бир марталик тўланган жарима компаниядаги улушларини камайтирмаслигига ишонч ҳосил қилишига олиб келди.

## **Юридик шахсларнинг жиноятлари доираси.**

Юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлар учун жавобгарлиги масаласида яна бир муҳим хусусият шундан иборатки, бу шахсларнинг жавобгарлиги умумийми ёки маҳсусми, яъни маълум бир жиноятлар доираси билан чекланганми ёки унга барча жиноятлар алоқадорми деган масалани ҳам таҳлил қилиш лозим. Умумий ҳуқуқ кўпроқ қўлланиладиган мамлакатларда умумий ёндашиш кўпроқ учраса, континентал ҳуқуқ қўллайдиган давлатларда тарихан маҳсус жавобгарлик тенденцияси кучлироқ<sup>1</sup> намоён бўлади. Бироқ ИХ ва РТ антикоррупцион тизимиға аъзо мамлакатларда ҳам кейинги ёндашиш кўп учрайди. Бешта давлат Босния-Герцоговина, Хорватия, Черногория, Руминия ва Сербияларда юридик шахсларнинг жавобгарлиги жиноят ҳуқуқида кўрсатилган барча жиноятларни қамраб олади. Лекин Болгария қонунчилиги бу борада ўзига хос хусусиятга эга. Бу ерда умумий қоидага кўра корпорациялар фақат чекланган миқдордаги жиноятлар учун жавобгарликка тортилади, аммо юридик шахс жиноятни уюшган жиноий гурӯҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этган бўлса унда компания барча жиноятлар учун жавобгарликка тортилади<sup>2</sup>.

Алоҳида ёндашишдан фойдаланадиган бошқа мамлакатларда, юридик шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноятлар тури турлича. Масалан, Украина ва Болгарияда уларнинг сони кўп эмас, Литвада эса унинг акси юридик шахслар ҳар иккита жиноятдан бири учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Бироқ, ИХ ва РТ антикоррупцион тизимиға аъзо давлатларнинг барчасида юридик шахслар порахўрлик, таъсир ўтказиш, жиноий йўл билан топилган пул маблағларини ювиш ва бошқа коррупцион мазмундаги жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.Faқат, Македония Республикасида ва Словения қонунчилигида пассив порахўрлик учун алоҳида огоҳлантирилган. Мекаденияда яна таъсир билан суиистъемол қилиш жиноятига ҳам алоҳида огоҳлантириш татбиқ этилган<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Алленс Артур Робинсон, 2008, 74-75 –Б.

<sup>2</sup> Қаранг: Болгарининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жазолар тўғрисидаги Конуннинг 83а-м.

<sup>3</sup> Қаранг:ИХ ва РТ саволномаси 1.3-савол.

## **Амалиётда юридик шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи.**

Қонун фақат қонун сифатида суд залида ўз исботини топади, бошқа холатда қоғозда қолиб кетиши мүмкін. Шу сабабли юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи қайси давлатларда амалда қай даражада йўлга қўйилганлигини таҳлил килиш жоиз бўлади. Турли мамлакатларда юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи турли даврларда белгиланганлиги боис, бу кўрсатгич турли давлатларда турлича кўринишга эга. Ундан ташқари, мамлакатлар бир биридан майдони ва минтақавий тузилиши ва ҳ.к. кўрсатгичлари билан ҳам фарқ қиласди. Шунга қарамасдан юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласида айрим умумлашмалар ва хуносалар қилиш мүмкін.

Агарда юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ўз қонунчилигига яқинда кириптган мамлакатларни (Азорбайжон, Украина) бир четга суриб, қолган давлатлар қонунчилигини таҳлил қиссан ИХ ва РТ антикоррупцион тизимиға аъзо мамлакатларни учта гурухга ажратиш мүмкин<sup>1</sup>. Биринчи гурух давлатларга, юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиб, айблаб, суд ҳукми чиқариш одатий амалиётга айланган мамлакатлар киради (Эстония, Литва, Черногория, Руминия, Словения); иккинчи гурух мамлакатларда бу борада маълум тажриба шаклланиб улгурган (Болгария, Сербия); учинчи гурухга юридик шахсларни жавобгарликка тортиш механизми энди йўлга қўйилаётган давлатлар (Грузия, Латвия) киради, қуйида бу давлатлар рўйхати алоҳида жадвал шаклида келтирамиз. Шуни қайд этиш лозимки, бу жадвалга Албания, Босния-Герцоговина, Хорватия, Македония Республикаси, Молдова ва Россия Федерацияси бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги боис киритилмаган. Босния-Герцоговина берган маълумотга кўра, ҳозирга қадар бирорта юридик шахс коррупцион жиноятларда айланмаган. Хорватияда (аҳолиси сони 4,45 млн., бу қонун 2003 йилдан амалда) 12 та юридик шахсга нисбатан Коррупцияга ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиб бошқармаси томонидан жиноят иши қўзгатилиб айб эълон қилинган. Македонияда (аҳолиси 2,06 млн., қонун 2004 йилдан бўён амалда) 495 та юридик шахс жавобгарликка тортилган деган маълумот олинган лекин, ИХ ва РТ антикоррупцион тизими миллий координатори бу сонни нотўғри деб, бор йўғи бир нечта юридик шахс жавобгарликка тортилганини маълум қилган. Россия Федерациясида (аҳолиси 143,73

---

<sup>1</sup> Қаранг: М.Курм, Д.Котляр, Б.Хикман и др.Ответственность юридических лиц за коррупцию в странах Восточной Европы и Центральной Азии

млн., қонун 2010 йилдан амалда) 2010-2012 йиллар давомида 84 та иш қўзғатилиб, улардан 60 дан ортиғи маъмурий жавобгарликка тортилган<sup>1</sup>. Шу муносабат билан Хорватия ва Россияни ҳам биринчи гурӯҳ мамлакатлар рўйхатига киритса бўлади.

## **2010-2013 йиллар давомида юридик шахсларга нисбатан жиноий таъқиб қўлланган мамлакатлар жадвали**

Давлатлар	Айб эълон қилинган	Айблов хуносаси чиқарилган	Оклов ҳукми чиқарилган	Аҳолиси сони млн.киси	Юр.ш. жавобгарлиги киритилган вақт
Болгария	38	маълум.йўқ	маълум.йўқ	7,42	2005й.
Грузия	2	2	0	4,93	2006й.
Латвия	11	маълум.йўқ	0	2,24	2005й.
Литва	316	178	21	3,33	2002й.
Руминия	463	маълум.йўқ	маълум.йўқ	21,43	2006й.
Сербия	30	маълум.йўқ	маълум.йўқ	7,38	2007й.
Словения	533	82	19	2,03	1999й.
Черногория	81	50	маълум.йўқ	0,63	2007й.
Эстония	200	246	17	1,33	2002й.
Жаъми:	1674	558	57		

Афсуски нима учун бир давлат бошқасига нисбатан юридик шахсларни қўпроқ ёки камроқ жавобгарликка торғанлигини бир қарашда тушунириб бўлмайди. Юридик шахсларни жавобгарликка тортишни тартибга солувчи саволда мамлакатлар тажрибаси ва жавобгарлик киритилган йил орасида маълум алоқадорлик мавжудлиги кўзга ташланади. Эстония, Литва, Словения каби давлатларда бу кўрсатгич юқори, чунки бу мамлакатлар юридик шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги ўз қонунларини ушбу асрнинг бошларида қабул қилишган, ҳатто Словения 1999 йилда қабул қилган. Бироқ, Черногория 2006 йилда қабул қилган бўлсада, юридик шахсларга айб эълон қилиш ҳолати 81 та, бу ўз-ўзидан юқори кўрсатгич, шунингдек, бу давлат бошқаларга нисбатан кичик ҳам. Бунинг акси Латвия, бу давлатда 2010-2013йиллар давомида 11 та айб эълон қилинган, гарчанд бу давлат тегишли қонунни 2005 йилда қабул қилган бўлсада, ҳайратланарлиси шундаки, ушбу мамлакатнинг ҳажми, яъни катта-кичикилиги ҳам аҳамиятга эга ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: ИХ ва РТ антикоррупцион тизими томонидан тузилган саволнома 9.1 - савол.

Кўриниб турибдики ҳудуди кичикроқ даватлар юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонунга тезроқ мослашишган, буни шу билан тушунтириш мумкинки, кичик давлатда давлат органлари самаралироқ фаолият юритишади (кам аҳоли, кам муҳокама ва камроқ ходимларни ўқитиш ва ҳ.к.).

ИХ ва РТ антикоррупцион тизими томонидан ўтказилган тадқиқотлар давомида юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонунлар қабул қилингандан кейин ушбу қонунларни қўллаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд тизими ходимлари ўқитилганлиги, бу масалада уларнинг малакаси оширилганлиги тўғрисида саволлар берилган. Грузиядан ташқари, барча мамлакатлар бу саволга ижобий жавоб бериб, ўқитиш бўйича тегишли маълумотлар, шарҳлар, расмий кўрсатмалар ва олиб борилган илмий ишлар тўпламларини тақдим этишди. Шунга қарамасдан, юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, бу мамлакатлар полиция, прокурор ва суд тизими ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш масаласига жиддий зътибор қаратиши зарур.

### **Пораҳўрлик учун жиноий жавобгарликнинг айрим масалалари.**

Юридик шахслар жавобгарлигининг умумий кўрсаткичи бир давлатники, иккинчисиникидан фарқ қиласди, шунга қарамасдан хулоса қилиш мумкинки, бу кўрсаткичлар фақат қофозда эмас. Аммо, афсуски коррупцион жиноятлар, айниқса пораҳўрлик жинояти ҳақида бундай деб бўлмайди. Айниқса, бу кўрсаткичлар умумий ҳолати яхши давлатларда ачинарли. Бу давлатларнинг жадвалини ҳам қўйида келтириб ўтамиш. Фақат Эстонияда юридик шахсларга пораҳўрлик жинояти содир этилгани учун жиноий таъқиб қилинганлар сони умумий кўрсатгичга яқин келади. Бу давлатда 2010-2013 йиллар давомида юридик шахсларга нисбатан жиноий таъқиб амалга оширилган ишларнинг ҳар тўртинчиси, пораҳўрлик жиноятига тўғри келади. Таққосласак, Словенияда 533 тадан фақат учтасида юридик шахслар пораҳўрлик жиноятида айблангандек холос (0,6%). Литвада эса бу кўрсатгич 2%, Руминияда 3% ни ташкил этади. Келтирилган кўрсаткичлар юридик шахсларнинг коррупцион жиноятлари эпизодик кўринишга эга эканлигидан далолат беради<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Пораҳўрлик таклиф этиш, ваъда бериш, бериш, олиш ва олиш-беришда воситачилик қилишни англатади.

2010-2013 йилларда порахүрлик жинояти содир этилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликка тортилган юридик шахслар жадвали

Мамлакатлар	Айб эълон қилинган	Айблов ҳукми чиққан	Оқлов ҳукми чиққан
Босния-Герц-на	0	0	0
Латвия	2	1	0
Литва	7	7	0
Руминия	14	1	0
Сербия	1	0	0
Словения	3	0	0
Хорватия	1	0	0
Эстония	27	16	3
Жаъми:	55	25	3

Корпоратив пора берувчиларни аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш қийин эканлигини тушинса бўларди, агарда бошқа аниқланган коррупцион жиноялар сони ҳам паст бўлса, бироқ бундай эмас.

Куйида келтириб ўтилган яна бир жадвалга эътибор қаратсак, унда келтириб ўтилган порахүрлик жинояти билан жиноий жавобгарликка тортилган жисмоний шахслар миқдори юридик шахсларнинг шундай кўрсатгичидан жуда юқори даражада эканлигига гувоҳ бўламиз<sup>1</sup>.

2010-2013 йилларда порахүрлик жинояти содир этилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликка тортилган жисмоний шахслар жадвали

Мамлакатлар	Айб эълон қилинган	Айблов ҳукми чиққан	Оқлов ҳукми чиққан
Босния-Герц-на	27	17	6
Латвия	603	222	0
Литва	2469	2004	29
Руминия	1742	1071	108
Словения	140	56	24
Эстония	200	263	13

---

<sup>1</sup> Қаранг: Руминияда айблов ҳукмлари фақат Миллий антикоррупция директориати томонидан амалга оширилган ишлар бўйича берилган.

Шу муносабат билан, коррупцияга қарши кураш учун масъул бўлган терговчилар ва прокурорлар корпоратив порахўрлик билан кураша олмаслигининг ўз “иррационал” сабаблари мавжуд бўлиши керак. Афсуски, ИХ ва РТ нинг фақат кабинетда ўказган тадқиқотларини мукаммал дейиш қийин.

### **Жазо.**

Халқаро хукуқ юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари рўйхатини келтирмайди. Фақат жарима ва мол-мулкни мусодара қилиш (ёки етказилган заарга тенг пул санкцияси) ИХ ва РТ нинг, Европа Конғашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги, БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияларида<sup>1</sup> асосий жазо турлари сифатида қайд этилган. Худди шундай фикрни суд қарорлари тўғрисидаги принциплар ҳақида ҳам айтса бўлади: конвенция қанақа жиноятга ёки жиноят содир этган шахсга тааллуқли факторлар-жазонинг қатпиқлигини белгилаб беради, келтирилмайди. Фақат умумий хисобланган талаб, яъни тайинланган жазо қилмишга мос, самарали ва кейин жиноят содир этишдан тийиб турадиган бўлиши лозим.

### **Жазо турлари.**

Турли юрисдикцияларда турли жазо турлари таснифи келтирилган. Айрим мамлакатларда асосий жазолар ва қўшимча жазолар турлари ажратиб кўрсатилган; бошқасида эса ажратиш жазо турлари билан тъминлаш чоралари ажратилган. Шу сабабли бир хил жазо тури масалан, давлат харидларида қатнашишни тъзиқлаш, бир давлатда жазо тури сифатида (Руминия), бошқасида эса (Хорватия) тъминлаш чоралари сифатида, учинчисида (Эстония) эса маъмурий оқибат сифатида қўллаш назарда тутилган. Ундан ташқари, квазижиноий жавобгарлик жазо тизими мавжуд мамлакатларда жазо тўғрисида эмас, балки мажбурлов чоралари ёки жиноий-хукукий чоралар назарда тутилган. Шу боис, қуйида жазо турлари тўғрисида мулоҳаза юритганимизда асосий эътибор жазоларни таснифи ва белгиларига қаратамиз.

---

<sup>1</sup> Каранг: ИХ ва РТ Конвенциясининг З-моддаси, Европа Конғаши Конвенциясининг 19-моддаси ва БМТ Конвенциясининг 26-моддаси.

## **Жарима.**

Қонунчиликда корпоратив жарима миқдорини белгилашни ҳам иккита, ёпиқ ва очик усуслари мавжуд. Ёпиқ тизимда минимал ва максимал жарима миқдори ёки уларнинг охиргиси ёзилган пул миқдори ёки формуласидан келиб чиқиб жарима миқдорининг хисоби белгиланади (масалан, ҳар ойига энг кам ойлик иш ҳақини кўпайтириш орқали). Очик тизимда жарима миқдори бир ёки бир неча омилга боғлиқ бўлиб, бу жарима миқдори аниқ бир жиноятнинг турига қараб (масалан, жиноятдан олинган фойдага қараб) ёки айланувчининг шахсига қараб (масалан, компаниянинг пул айланмаси) белгиланади. ИХ ва РТ антикоррупцион тизимига аъзо давлатларнинг аксариятида ёпиқ тизим қўлланилиб, қонунда жариманинг минимал ва максимал миқдори кўрсатиб қўйилган. Минимал жарима миқдори 38 еврода (Литвада) 100 000 еврогача (Черногория), максимал миқдори 21000 еврода (Молдова) 32 млн. еврогача (Латвия) бўлган миқдорда ўзгариб туради. Кейинги бетларда ИХ ва РТ антикоррупцион тизимига аъзо мамлакатлардаги жарима миқдори тўғрисидаги жадвал келтириб ўтилади.

Бироқ, бир қатор мамлакатларда ҳар иккала тизим принциплари ҳам қўлланилади, хатто турли жиноялар бўйича бир вақтда ҳар иккала тизим ҳам қўлланилиши мумкин. Болгария, Македония Республикаси, Черногория, Словения ва Украина қонунчилигига юридик шахслар томонидан содир этилган жинояларга моддий фойда олишга ва моддий зарар етказишга олиб келган жинояларга ва моддий зарар етказилмаган ёки зарар миқдорини аниқлаш имконияти йўқ жинояларга бўлинади. Биринчи ҳолатда жарима жазоси миқдори олинган фойда ёки зарар миқдоридан келиб чиқиб белгиланса, бир вақтнинг ўзида иккинчи ҳолатда жиноят учун жазо маълум аниқ пул миқдоридаги жарима билан белгиланади. Бу борада Словения қонунчилиги қатиқроқ жазо турини назарда тутади, масалан, корпратив пораҳўрлик жинояти учун олинган мулкий фойданинг 200 бараборига teng бўлган жарима жазоси назарда тутилган. Бошқа жиддий ҳолатларда жарима жазоси ўрнига корпорациянинг барча мол-мулки мусодара қилиниши мумкин (Украинада коррупцион жиноялардан ташқари)<sup>1</sup>. Черногория Юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Қонунининг 2-боб 14-моддасида

---

<sup>1</sup> Қаранг: Словениянинг Жиноий ҳукуқбузарлклар учун юридик шахсларни жавобгарлиги тўғрисида Қонунинг 25, 26-м.м. ЖКнинг 262-моддаси.

жариманинг максимал миқдори 100 баробар миқдор билан чекланган. Озарбайжонда беш баробари билан, Украинада икки баробари билан, Болгарияда жариманинг иқтисодий миқдорининг энг паст чегараси белгиланган ва у ноқонуний олинган фойда миқдорига нисбатан олиниади, максимал миқдори эса жарима тарзида белгиланган. Македония Республикасида эса аксинча иқтисодий эквивалент ҳажмига қараб жарима жазоси миқдори белгиланади<sup>1</sup>. Масалан, Македония ЖКнинг З-боб, 96а-моддасида юридик шахсларга тайинланадиган жарима жазоси миқдори 100 000 евродан ошиб кетмаслиги лозим.

Шунга ўхшаш ҳолатни биз Россия Федерацияси қонунчилигига ҳам учратамиз, у ерда жариманинг энг юқори миқдорини аниқлаш учун коэффицент-кўпайтириш усули қўлланиб, у жарима жазосини пул қўринишидаги энг кам миқдори бўсағасини аниқлаб беради. Бу ерда Россия қонунчилигининг қизиқ вазиятига дуч келамиз, пора миқдори ошган сари нафақат жарима миқдори ҳам ошади, балки коэффицент-кўпайтириш миқдори ҳам ошиб боради. Россия қонунчилигига қўйидаги жарима миқдорлари назарда тутилган:

13900 еврогача (1 млн. рубль) миқдорда бўлган пора олиш жинояти учун-жарима жазоси миқдори 13900 евродан кам бўлмаслиги;

13900 евродан 277000 еврогача (20 млн. рубль) пора олиш жинояти учун – жарима жазоси 277000 евронинг ўтиз баробаридан кам бўлмаслиги;

277000 евродан баланд пора миқдори учун жарима жазоси камида 1 390 000 евро (100 млн. рубль) миқдоридан кам бўлмаслиги шарт<sup>2</sup>.

Грузия қонунчилигига жарима жазосининг энг паст бўсағаси 44000 евро миқдорида белгилансада, аммо қонун максимал жарима миқдорини аниқ белгиламайди ва бу миқдорни фақат суд белгилаши мумкин<sup>3</sup>.

ИХ ва РТ антикоррупцион тизимида аъзо мамлакатларда юридик шахсларга тайинланадиган жарима жазоси миқдорининг жадвали

---

<sup>1</sup> Қаранг: М.Курм, Д.Котляр, Б.Хикман и др.Ответственность юридических лиц за коррупцию в странах Восточной Европы и Центральной Азии-с.48.

<sup>2</sup> Қаранг: ст. 19.28, Кодекса РФ об административных правонарушениях.

<sup>3</sup> Қаранг: ИХ ва РТнинг саволномасининг 8.2-саволига Грузиянинг жавоби.

Мамлакат	Жарима минимал миқд. еврода	Жарима максимал миқд. евро		Минимум, муқобил	Максимал, муқобил
Азарбайжон	52000	156000	ёки	ноқон.олган фойда ёки зарар миқд.	ноқон.олган фойда ёки зарар миқд.5бароб.
Албания	2150	360000			
Болгария	2600	51000	ёки	ноқон.олган фойдани миқд.	510000 евро
Босния-Герц.	2550	2550 000			
Македония	1620	972500	ёки		ноқон.олган фойда ёки зарар миқд.5бароб.
Грузия	44000	-			
Латвия	3200	32000000			
Литва	38	1900000			
Молдова	525	21000			
Россия	13900	-	ёки	пора миқд.уч баробари	пора миқд.юз баробари
Руминия	4000	334000			
Сербия	9000	4 400000			
Словения	10000	1000000	ёки	-	ноқон.олган фойда ёки зарар миқд.200- бароб.
Украина	4250	640000	ёки	-	ноқон.олган фойда миқд.2- баробари
Хорватия	650	1 965000			
Черногория	100000	5000000	ёки	ноқон.олган фойда ёки зарар миқд.20 бароб.	ноқон.олган фойда ёки зарар миқд.100 бароб.
Эстония	4000	16000000			

Самарали, етарли ва тийиб туришга таъсир қилувчи санкциялар.

Жарима миқдоридаги санкция ва жазо турлари корпорацияларни жавобгарликка тортишнинг асосий воситаси бўлиб, юкорида қайд этиб ўтганимиздек, халқаро ҳукуқда назарда тутилган ягона жазо тури хисобланади. Шу билан боғлиқ жарима миқдорлари камми ёки кўпми ва улар самарали, етарли ва тийиб туришга таъсир ўтказилиши мумкинми деб эътироф қылсак бўлади.

Шундан келиб чиқиб, иккита таққослашни амалга ошириш мумкин. Биринчидан, коррупцион жиноятлар учун тайинланадиган жарима жазосини бошқа мансабдор шахслар жиноятлари учун тайинланадиган бошқа жазо турлари билан таққослаш мумкин. Коррупцион жиноятлар оғир жиноятлар тоифасига кириб, уни содир этганлик учун тайинланадиган жазо турларини бошқа жиноят турлари, масалан, фирибгарлик, ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш ва ҳ.к. жиноятлар учун тайинланадиган жазо турлари билан таққослаш жоиз.

Иккинчидан, таққослаш халқаро-ҳукуқий ҳужжатлар орқали, яъни БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти Конвенцияси, Европа Кенгашининг коррупцияга қарши курашиш давлатлари грухи, ИХ ва РТ нинг коррупцияга қарши курашиш тизими давлатлари ҳужжатлари орқали амалга оширилади. Гарчанд бу халқаро ҳукуқий ҳужжатларда бирорта жазо етарлилиги қоидасини кўрсатмаган бўлсада, аммо, маълум белги мавжудлигига шубҳа йўқ. ИХ ва РТ нинг ишчи грухи кўп маротаба ўз хисоботларида пул миқдоридаги санкциялари халқаро корпорацияларга жиддий таъсир кўрсатадиган, етарли даражада қаттиқ бўлишини эътироф этиб келган. Хусусан, Германия ва Италияда максимал жарима миқдори 1 млн. евро бўлса, Словакияда 1,6 млн. евро, ИХ ва РТ Япониядаги 2,7 млн. евро жаримани кам деб баҳолаган, Эстонияда 16 млн. евро ва Бельгияда 10 млн. европи етарли деб хисоблаган<sup>1</sup>.

Умуман, ИХ ва РТ нинг антикоррупцион тизимига аъзо мамлакатлар биринчи тест синовини топширишлари мумкин. Бироқ, кўпгина мамлакатларда Конун корпоратив жарималарнинг умумий ҳажмини белгилаб беришган бўлиб, улар барча жиноятларга нисбатан кўлланилади. Аниқ жиноят учун аниқ жарима миқдорини белгилашни

---

<sup>1</sup> Қаранг: Пит 2014, стр. 243; и ОЭСР 2013, Антикоррупционные реформы в странах Восточной Европы и Центральной Азии, стр. 65.

назарда тутадиган махсус кўрсатма мавжуд эмас. Бу эса шуни англатадики, мазкур давлатларда қонунларни амалда қўлланишини таққослаш мақсадга мувофиқдир. Словения, Македония Республикаси<sup>1</sup> ва Хорватия<sup>2</sup> қонунларида бу ҳолат чукур таҳлил қилинган. Ушбу мамлакатларда корпоратив жарималар миқдори жисмоний шахслар томонидан содир этилган шундай қилмишлар учун қўлланиладиган жазо миқдори билан бевосита боғлиқ, яъни жис моний шахслар содир этадиган порахўрлик, ноқонуний маблағларни ювиш ва бошқа коррупцион жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, корпоратив жарималар ҳам унинг миқдорини энг юқори даражасига етади. Масалан, Словенияда жис моний шахсга жазо тури сифатида уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, юридик шахсга эса шу қилмишнинг максимал жарима жазоси назарда тутилган<sup>3</sup>. Мазкур жазони порахўрлик ва жиной фаолиятдан олинган маблағни ювиш каби жиноят турларига ҳам татбиқ этса бўлади, чунки бу қилмишлар учун жис моний шахсларга бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган<sup>4</sup>.

Иккинчи тестга қайтадиган бўлсак, аксарият ИХ ва РТ антикоррупцион тизимиға аъзо давлатларнинг қонунчилиги мазкур халқаро ташкилотнинг ишчи гуруҳи белгилаган стандартларига мувофиқ келмайди.

Аслини олганда айрим давлатлар бу стандартлардан анча орқада қолиб кетган. Аммо, максимал жарима миқдори олинган фойда миқдорига боғлиқ (ёки айрим бошқа ташқи таъсир чоралари) давлатлар бу борада кўрсатгичлари яхши. Агарда жарима жазосининг юқори миқдори очиқ қолдирилган бўлса, унда жарима миқдори хоҳлаган миқдорда белгиланиши мумкин. Коррупцияга қарши кураш бўйича Истамбул ҳаракат режаси муҳокама қилинаётган йиғилишида Озарбайжонга нисбатан ишчи мониторинг гуруҳи ўз хисоботида кўрсатганки, назарий жиҳатдан бу жарималар, олинган фойда ёки етказилган зарар миқдоридан унинг зарар миқдоридан беш баробар кўп

---

<sup>1</sup> Қаранг: Македония Республикаси ЖКнинг 96g-моддаси.

<sup>2</sup> Қаранг: Хорватиянинг Юридик шахсларнинг жиной хуқукбузарликлар содир этганлиги учун жавобгарлиги тўғрисидаги Қонунининг 10-моддаси.

<sup>3</sup> Словениянинг Жиной хуқукбузарликлар учун юридик шахсларни жавобгарлиги тўғрисида Қонунининг 25, 26-м.м.

<sup>4</sup> Словения ЖКнинг 245 ва 262-моддалари.

белгиланган бўлса ҳам, унга самарали тийиб туриш воситаси сифатида қараш мумкин<sup>1</sup>.

### **Амалиётда жарима миқдори.**

Фақат қонун доирасидаги жиной-хукукий чоралар билан тийиб туриш механизмини самараדור деб бўлмайди; қонунни ҳақиқатда қўллаш амалиёти ҳам бундан кам аҳамиятга эга эмас. Шу муносабат билан айрим қонунлари етарли даражада қатиқ ИХ ва РТ антикоррупцион тизимиға аъзо давлатларни ҳам танқид қилса бўлади. XXатто юридик шахслардан қачонлардир ундирилган энг катта жарималар ҳам қонунда кўрсатилган максимал жарима миқдоридан кам бўлиб қолмоқда. Айниқса, порахўрлик жинояти учун тайинланган жазолар нисбатан енгил бўлиб қолмоқда. Масалан, олдинги бобларда мисол сифатида келтириб ўтилган жиноят содир этганлик учун юридик шахсларга тайинланган максимал жарима миқдори хизмат ваколатини суиистеъмол қилганлиги учун Хорватиянинг Fimi media, Эстониянинг АС Мерку Экулис порахўрлик билан боғлик, Латвиянинг ишончни суиистеъмол қилиш, Руминиянинг пора бериш, Словениянинг хизмат мавқенини суиистеъмол қилиш билан боғлик жиноят ишларини эслаш жоиз.

Қуйида ушбу ҳолатлар ифода этилган жадваллар келтириб ўтилади:

*Юридик шахсларга жиноят содир этганлиги учун қўлланилган жариманинг максимал миқдори*

Мамлакат	Конунда кўрс-лган максимал жарима миқд.	Кўлланилган максимал жарима миқд.	% таққослаш
Латвия	2 849 000	1 210 688	42,5
Литва	1 900 000	150 725	7,9
Словения	1 000 000 ёки ноқон. фойдани 200 баробари	100 000	10,0
Хорватия	1 955 000	667 000	34,0
Эстония	16 000 000	798 000	5,0

<sup>1</sup> Каранг: ИХ ва РТ учинчи раунд ҳисобатини Озарбайжонни мониторинг қилиш натижаси.

*Юридик шахсларга пораҳўрлик жиноят содир этганлиги учун  
қўлланилган жариманинг максимал миқдори*

Мамлакат	Қонунда кўрс- ган максимал жарима миқд.	Қўлланилган максимал жарима миқд.	% таққослаш
Латвия	32 000 000	6 400	0,02
Литва	1 900 000	22 610	1,2
Руминия	134 000	35 000	26,1
Эстония	16 000 000	798 000	5,0

Эстония давлатида юридик шахсга нисбатан жарима жазосининг энг юқори миқдори ер участкалари бўйича амалга оширилган фирибгарлик ҳолати юзасидан АС Мерко Эхитус компанияси ва ундан ажралиб чиқкан АС Ярвеvana компаниясига тайинланган юқорида келтириб ўтилган суд амалиётидир. Шу ўринда яна бир ҳолатни қайд этиш жоизки, компания АС Ярвеvana 798000 евро миқдорда жарима жазосига тортилгандан кейин, Эстония хавфсизлик хизмати АС Мерко Эхитус ва яна олтига бошқа шу иш билан боғлик компанияларга нисбатан ҳам жиноий таъқибни амалга оширган ва 2012 йилда АС Мерко Эхитус суд томонидан 300 000 еврога, унинг яна бошқа ҳамкорлари Парбус иши деб номланган жиноят иши юзасидан 50 000 еврордан 200 000 еврогача бўлган миқдорда жаримага тортилган.

Мазкур ишга якун қўйилгандан кейин Эстония Адлия вазирлиги ер участкалари бўйича фирибгарлик ишларида қатнашган барча компанияларнинг тўлаган жарималари, уларнинг молиявий аҳволига канчалик салбий таъсир кўрсатганигини аниқлаш учун маҳсус сўровномалар ўтказган<sup>1</sup>. Сўровнома натижаларига кўра юқоридаги юридик шахслар катта миқдорда жарима тўлаган бўлишларига қарамасдан, уларнинг молиявий аҳволи бир меъёрда қониқарли ҳолатда сақланиб қолиб, улар Эстонияда ўз мавқенини сақлаб қолишганлигини аниқлашган.

Агарда глобал бозорда юз бераётган улкан ўзгаришларни бир четга суриб қўйиб мулоҳаза юритсақ, унда Эстониядаги ер участкалари билан бўлган ишни жиддий таҳлил қилиш мумкин. Ишлаб турган вазир, давлат органининг бош директори пора оловчи

<sup>1</sup> Қаранг: Вайнман Т. Korruptsionijuhtumite järelmõju juriidilistele isikutele. Таллин, 2014 йил.

ҳамда мамлакатдаги йирик компания пора берувчи бўлса, бундай ҳолатда улар орасидаги коррупцион схема бир неча йиллар давомида фаолият кўрсатиб, компанияга миллионлаб евро ва судланганларга бир неча юз минг евро миқдорда фойда келтириб турган бўлса, бундай жиноятнинг содир этилиши шубҳасиз давлатнинг энг юқори эшелонларида коррупция мавжудлигидан далолат беради. Бироқ, юридик шахс содир этган жиноят учун белгаланган жазо миқдори барча етказилган заарарнинг 5% гина ташкил этган. Бундай ҳолатда юридик шахсга қонунда белгиланган максимал жазога яқин жазо тайинлаш учун нима қилиш лозимлигини тасаввур қилиш қийин.

Худди шунга ўхша什 вазиятни биз Латвиядаги "ГАМА Холдинг" компанияси жиноят ишини таҳлил қилганда ҳам кўрамиз, чунки бу ҳолатда ҳам юридик шахсга нисбатан мамлакат тарихида энг катта 1,2 млн. евро миқдорида жарима белгиланган. Бу жарима миқдорининг ўзи жуда катта, аммо уни компания олган иқтисодий фойдаси билан ва тузилган шартнома миқдори билан таққосласак бу ҳам жуда камдир. Сабаби "ГАМА Холдинг" халқаро компания мақомига эга бўлган компания ҳисобланиб, унинг барча молиявий активлари 595,2 млрд. еврони ташкил этади<sup>1</sup> ва тузилган қурилиш шартномаси асосида компания кўрган фойда миқдори 323,5 млн. еврони ташкил этган. Бу кўрсатичлар олдида компанияга тайинланган 1,2 млн. евро миқдоридаги жарима компанияни бундай коррупцион схемалардан келажакда тийиб туришга мажбур қилувчи таъсир кучига эга бўлмайди.

Ушбу келтириб ўтилган мисоллар яна бир бор ИХ ва РТ ишчи гурухи томонидан кўрсатиб ўтган стандартлар юридик шахсларниг коррупцион қилмиши учун тайинланадиган пул санкциялари етарли даражада юқори бўлиши шу компанияларни коррупцион схемалардан келажакда ўзларини тийиб туриши учун қанчалик муҳим эканлигини кўрсатиб турибди. Унча катта ҳисобланмаган давлатлардаги қонунчиллик амалиёти ҳамда қўланилаётган жазо амалиёти ўртacha меъёрдаги компанияларга мўлжалланиб эмас, балки йирик ва халқаро миқёсдаги хорижий компанияларга мўлжалланиб белгиланса, бу ҳолат компанияларнинг келажакда коррупцион схемалардан фойдаланишдан ўзларини тийиб турувчи омил сифатида фойда келтиради.

---

<sup>1</sup> Каранг: "ГАМА Холдинг" компанияси ҳақидағи юқорида келтирилган маълумотларга Каранг.

## **Мусодара.**

Амалиётда юридик шахсларга құлмишлари учун белгиланадиган жарима миқдори, жиноятга алоқадор мулкни мусодара қилиш нүктай назаридан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Агарда давлат амалиётида йирик мусодара тизими мавжуд бўлса, унда жарима миқдорини камроқ белгилаши жоиз. Жиноят хукуқи назарияси бир неча босқичли мусодара тизимини қўллашни назарда тутади:

Жиноят куролини мусодара қилиш, агарда у жиноят содир этишда ёки уни режалаштиришда фойдаланилиши кўзда тутилган бўлса (масалан, одам ўлдириш куроли, гиёхвандлик воситаси, пора предмети ва ҳ.к.);

### **Жиноий йўл билан олинган фойдани мусодара қилиш;**

Судланган шахснинг мулкини кенгайтирилган мусодара қилиш, агарда у шу мулкнинг вужудга келиши қонунийлигини исботлай олмаса. Бу мусодара турининг олдингиларидан фарқи шуки, бу ерда мусодара қилиниши назарда тутилган мулк айборнинг жиноий харакатлари натижасида олинган ва уни исботлаш учун қўшимча далил талаб этилмаган бўлса;

Ҳар қандай мулк келиб чиқишининг қонунийлигини мулк эгаси исботлай олмаса, амалга ошириладиган фуқаролик мусодараси. Бу мусодара турининг юқоридагидан фарқи шуки, бу ерда фуқаролик мусодарани қўллаш учун шахс жиноят содир этиши талаб килинмайди.

Биринчи келтириб ўтилган мусодара тури деярли барча юрисдикцияларда мавжуд бўлиб, унинг асосий мақсади, жазоловчи санкция эмас, аксинча шунга ўхшаш жиноятни такроран содир этилишининг олдини олишга қаратилган ёки жамиятни бутунлай химоя қилишга йўналтирилган (масалан куролдан химоя қилиш) чорасидир. Шу боис, айrim мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам жиноят қуролини мусодара қилиш процессуал қонунчилик нормалари билан тартибга солинади. Бироқ айrim ҳолатларда, яъни порахўрлик, жиноят содир этишда фойдаланилган куролни олиб қўйиш жазолаш сифатида самарали бўлиши мумкин. Худди шундай ҳолатни Ўзбекистон қонунчилиги назарда тутади, аммо бу вазият фақат жисмоний шахсларни жавобгарликка тортишда қўлланилади холос. Аммо мусодара қилинаётган пул оғир меҳнат эвазига ишлаб топилган бўлса ва у пора сифатида кимгadir берилса, унда бу ҳолат пул эгасини жаримага тортишдек оғир кечиши мумкин.

Жиноий йўл билан топилган мулкни мусодара қилиш деярли барча давлатлар амалиётида учрайди ва жазолаш самарасини бермайди, чунки у мулк мусодара қилингунга қадар бўлган ҳолатни тиклайди, холос. Шу сабабли, кенгайтирилган ва фуқаролик мусодараси мамлакатда кўпгина ҳолатларда паст микдордаги жаримани қоплаб кетадиган самарали мусодара тизими мавжудлигидан далолат беради.

Жиноий йўл билан топилган мулкни мусодара қилиш ҳам худди фуқаролик мусодараси ва кенгайтирилган мусодарадагидек, айрим жиноят таркибида кўрсатилган ҳамда ноқонуний бойишга олиб келган - шу орқали унинг мулки кескин ошишига сабаб бўлган фойданинг келиб чиқишини қонунийлигини исботлай олмаса, юз беради. Бу ерда ҳам кенгайтирилган ва фуқаролик мусодарадагидек, ноқонуний мулкнинг келиб чиқиши айрим вазиятларнинг мавжудлиги орқали аниқланади (масалан, айборнинг ихтиёридаги мулкнинг баҳоси, унинг олаётган даромадига мувофиқ келмаслиги). Шу сабабли айборнинг фойдаланишида бўлган мулк келиб чиқишининг қонунийлигини исботлаш мажбурияти мулк эгаси зиммасига тушади, суд эса шундай далил мавжуд бўлганлиги ёки бўлмаганлиги ҳолатига караб хулоса чиқаради.

Мусодара институти қоидаларини кўриб чиқишида яна иккита саволга аҳамият бериш жоиз бўлади. Зоро, бу саволлар жуда ҳам мухим ҳисобланади. Биринчидан, самарали мусодара режимини қўллаш учун жиноий йўл билан топилган ва мусодара этилаётган мулк баҳоси мухимдир, чунки кўп ҳолатларда жиноий йўл билан топилган мулк яширин тарзда олинган ёки сарф қилинган ёки бошқа жиноягта алоқаси йўқ виждонли учинчи шахсга фойдаланиш учун берилган бўлса (мусодара мулк микдори баҳосига асосланган бўлса). Бошқа мусодара қилишнинг самарали усули, бу мусодара қилиниши назарда тутилган мулкни учинчи шахсга фойдаланиш учун текинга ёки бозор баҳосидан анча кам баҳога харид қилинган бўлса қўлланилади.

ИХ ва РТ антикоррупцион тизимига аъзо давлатларнинг кўпчилиги жиноий фаолиятдан олинган фойданни мусодара қилишни асосий ёки қўшимча жазо сифатида қўллашади. Умуман, бу борада коррупцион қилмишни содир этган юридик шахсларга нисбатан ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас. Жиноий заарни ундириш орқали мусодара қилинган мулкий заарни қоплаш ёки учинчи шахслар фойдаланишига берилган мулкни мусодара қилишнинг самарали амалиёти Черногория қонунчилигида назарда тутилган. Юридик

шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги Қонуннинг 36-моддаси бу борада қўйидагиларни:

“Юридик шахс ихтиёридан ҳар қандай пул, қимматбаҳо буюм ва бошқа моддий фойда жиноят содир этилиши натижасида олинган бўлса, олиб қўйилиши лозим: агарда шундай олиб қўйишнинг имконияти бўлмаса, юридик шахс олинган моддий фойда қийматини коплаб бериши шарт;

“Жиноят содир этилиши натижасида олинган моддий фойда ҳам шахсдан олиб қўйилиши жоиз, агарда бу мулк ёки фойда унга зарарни коплаш ёки шундайига фойдаланиш учун берилган бўлиб, у ҳатто ҳақиқий баҳосига нисбатан анча кам бўлса ҳам”;

“Ҳар қандай учинчи шахс манфаатлари йўлида жиноят содир этилиши натижасида олинган моддий фойда ҳам олиб қўйилиши лозим”.

Македония Республикаси қонунчилиги алоҳида қоидаларни жумладан, агарда жиноят содир этишда гумон қилинган компания мусодара қўлланилгунга қадар ўз фаолиятини тутатган бўлса ҳам мусодара қўлланилишини назарда тутади. Бундай ҳолатда тутатилган юридик шахснинг ҳуқукий ворис, агарда бундай ворис бўлмаганда эса – юридик шахсларнинг таъсисчилари жиноий йўл билан олинган фойдани биргаликда қоплаб беришга мажбурдирлар<sup>1</sup>.

Мол мулкни мусодара қилишнинг кенгайтирилган тури Эстония, Молдова, Черногория, Руминия ва Литвада, фуқаролик мусодараси эса Словенияда, ноқонуний бойиш билан боғлиқ корпоратив жиноятлар учун эса Литва ва Молдова қонунчилигига қўлланиллади<sup>2</sup>.

Яқинда қабул қилинган Эстония ЖКнинг 21-боби 832-моддаси талабларига кўра, суд юридик шахсга тегишли мулкни, агарда шу мулк айблов ҳукми чиққунга қадар ва содир этилган жиноят юридик шахс фаолияти жиноят содир қилишга йўналтирилган ва мулк эса жиноий йўл билан топилган бўлса, суд уни мусодара қилиши мумкин. Қачонки, шахс мулк қонуний йўл билан топилган маблағ эвазига олинганлиги исботлай олса, мусодара қўлланилмайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Македония Республикаси ЖКнинг 2-боб, 96-т-моддаси.

<sup>2</sup> 2015 йилнинг февраль ойида Украина ўз қонунчилигига ўзгартириш киритиб, унда юридик шахслар учун жиноий ва фуқаролик кенгайтирилган мусодара институуни киритган ва унга кўра коррупцион жиноятлар содир этган юридик шахслар ва жиноий йўл билан олинган маблагни ювган ( ҳар иккала ҳолатда ҳам жисмоний шахсга суд ҳукми чиқсан бўлиши шарт) мулки мусодара қилинади.

Словенияда эса алоҳида молиявий текширув ўтказилган бўлиб, унда жиноят содир қилишда гумон қилингандан шахс мулкка эгалик қилса, уни сарф этиш, ёки фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, бу мулкнинг келиб чиқиши (1) ноқонуний бўлса, (2) мулк унинг ихтиёрида ёки унинг ворисига фойдаланишга берилган, ёки (3) у билан боғлиқ тарафга берилган, (4) ёки шу шахсларнинг мулки билан копланган бўлса. Шундай текширув судланган шахсга нисбатан ҳам, шунингдек, айборнинг ўлими сабабли суд олди текшируви ўтказилган ёки суд муҳокамаси тўхтатилган ёки шу шахсни жиноят содир этишда гумон қилишга етарли асослар мавжуд бўлганда ҳам ўтказилиши мумкин. Агарда ўтказилган молиявий текширув натижасида мулк ноқонуний йўл билан топилганлигига етарли далиллар мавжуд бўлса, маҳсус давлат айблов хизмати бундай шахсга фуқаролик тартибида мулк эгасига нисбатан даъво киритиши мумкин. Мулк эгаси бундай давони рад этиши мумкин, агарда у мулк ноқонуний йўл билан топилмаганлигини ёки мулк билан боғлиқ томонга шу мулкнинг ҳақиқий қийматини тўлаганлигини исботлай олса. Агарда шахс бундай далилларга эга бўлмаса ва мулкнинг конуний келиб чиқишини исботлай олмаса, унда мулк фуқаролик суди томонидан Словения Республикаси фойдасига мусодара қилинади<sup>1</sup>. Қайд этиш жоизки, бу қоида пораҳўрликда гумон қилингандан ёки айланган юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Литва ИХ ва РТ антикоррупцион тизимга кирувчи мамлакатлар ичида ягона юридик шахсларнинг ноконунний бойиши учун жавобгарликни назарда тутган давлат ҳисобланади. Ушбу давлат ЖКнинг 1891-моддаси бу тоифадаги жиноят таркибини қуидагича белгилайди:

“Энг кам яшаш даражасининг 500 баробаридан кўп қийматига эга бўлган мулкка эгалик хуқуқига эга бўлган шахс<sup>2</sup>, агарда у бундай мулк унинг қонуний йўл билан олинган даромади эвазига олиниши мумкин бўлмаслигини билган бўлса ёки билиши лозим бўлса ёки билиши мумкин бўлса, жарима жазосига ёки тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум қилиниши ва шу мулки мусодара қилинади.

---

<sup>1</sup> Каранг: Словениянинг Ноқонуний йўл билан олинган мулкни мусодара қилиш тўғрисидаги Қонунининг 4, 10, 26, 27 ва 34-моддалари. ИХ ва РТ Ишчи гурӯхи хулюсасининг 3-фаза, 56-параграфи.

<sup>2</sup> Литвада энг кам яшаш даражасининг 500 баробаридан кам бўлмаган қиймат 18 000 европи ташкил этади.

Юридик шахс шунингдек, ушбу моддада назарда тутилган ҳолатларда жавобгарликка тортилади.

Агарда мулкнинг қиймати жиной жавобгарлик назарда тутилган юқорида келтирилган суммадан кам бўлса, бундай шахс мулкидан тегишли солиқ тўлаши ва мулкни қийматининг 10% фоизидан 50% гача маъмурий жаримага тортилади”<sup>1</sup> дейилган.

Хозирча юқорида келтириб ўтилган бирорта қонунчилиқдаги ўзгартиришлар амалиётда кўлланилганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Бироқ, 2013 йилнинг ноябрь ойида Словенияда 55 та жисмоний ва 75 та юридик шахсларга нисбатан 11 та молиявий текширув ўтказилган. Текширув натижаларига кўра судга учта фуқаролик давоси бешта жисмоний ва иккита юридик шахсга нисбатан киритилиб, даъво суммаси 3,72 млн. еврони ташкил этган<sup>2</sup>.

Айрим ИҲ ва РТ антикоррупцион тизимиға аъзо давлатлар мол-мulkни мусодара қилишни алоҳида пуллик жазо тури сифатида кўллайдилар, аммо бу мусодара жиной йўл билан топилган фойда ёки мулкга ноқонуний эга бўлиш билан боғлиқ тарзда эмас. Масалан, Латвияда мулкни мусодара қилиш мажбурий тарзда юридик шахсга тегишли мулкни давлат фойдасига мусодара қилишдан иборат жазо тури сифатида қаралади ва бу жазо тури бошқа жазо турлари масалан, юридик шахсни тугатиш каби жазо турлари билан бир вақтда кўлланилиши мумкин<sup>3</sup>. Словенияда ҳам жиной ва фуқаролик мусодараси билан бир вақтда шунга ўхшаш жазо турлари кўлланилиши мумкинлигини юқорида келтириб ўтдик. Юридик шахсларнинг жиноятлари учун жавобгарлик тўғрисидаги Қонунининг 14-моддасида келтириб ўтиладики, жиддий содир этилган жиноятлар учун юридик шахсларнинг мулкини ярми, оғир ҳолатларда бутун мулки мусодара қилиниши мумкин дейилган. 15-моддасига кўра эса бу жазо тури юридик шахс фаолиятини тугатиш жазоси билан бир вақтда кўлланилиши ҳам мумкин. Черногория қонунчилигига ҳам тугатилаётган компаниянинг мол-мулки давлат фойдасига ўтказилиши назарда тутилган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: ИҲ ва РТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларидағи антикоррупцион ислоҳотлар. 2013. 60-Б.

<sup>2</sup> Қаранг: ИҲ ва РТнинг хуносаси 3-фаза 57 параграф.

<sup>3</sup> Латвия Жиноят қонунининг 70<sup>2</sup> ва 70<sup>5</sup>-моддалари.

## **Тугатиш.**

ИХ ва РТ антикоррупцион тизимиға кирувчи мамлакатларда юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган яна бир жазо тури бу улар фаолиятини мажбуран тугатишдан иборат<sup>1</sup>. Аммо кўпчилик давлатларда юридик шахс фаолиятини мажбуран тугатиш фавқулодда жазо тури сифатида қўлланилиб, бунинг учун маълум вазиятдагина рухсат этилади. Суд амалиётида юридик шахснинг фаолиятини тугатиш жазоси фақат юридик шахс ноқонуний мақсадларда тузилган бўлса ёки унинг фаолияти жиноят содир қилишга йўналтирилган бўлсагина қўлланилади. Шунга ўхшаш холатлар Хорватия, Латвия, Черногория, Руминия ва Словения каби давлатлар қонунчилигига назарда тутилган<sup>2</sup>. Руминияда мажбурий тугатиш жазоси шунда қўлланиладики, агарда юридик шахс ўзига юклатилган мажбуриятларидан бирини бажармаса<sup>3</sup>. Македония Республикаси қонунчилигига суднинг юридик шахс фаолиятини мажбурий тугатиш тўғрисидаги ҳукми фақат юридик шахс томонидан рецидив жиноят содир этилганда ёки шундай хавф мавжуд бўлганда қўлланилади. Хусусан, ЖКнинг 96-моддасида шундай дейиладики, юридик шахс фаолиятини мажбурий тугатиш фақат юридик шахс томонидан оғир жиноят содир этилиб, унинг содир этилиш услубида келажакда яна шундай жиноят содир этиш имкониятларини келтириб чиқарса (7-боб), ёки янги жиноят шу юридик шахсга нисбатан маълум фаолият билан шугулланиш таъкиқлангандан кейин содир этилса (8-боб) қўлланилади.

Айрим мамлакатлар қонунчилиги юридик шахс фаолиятини мажбуран тугатиш жазосини қўллаш мумкин бўлган жиноялгар доирасини аниқ қўрсатиб беради. Руминия, Македония Республикаси ва Хорватия каби давлатларда сиёсий партиялар фаолияти мажбуран тугатилиши жазосидан ҳимоя қилинган. ОАВ эса Руминия

---

<sup>1</sup> Карапт: Ҳозирги пайтда юридик шахс фаолиятини мажбуран тугатиш деярли барча ИХ ва РТ га аъзо давлатларда қўлланилади, фақат Болгария ва Россия қонунчилигига бу жазо тури назарда тутилмаган. Украинада эса бу жазо тури пораҳўрлик ва бошқа коррупцион жиноялтар учун қўлланилмайди. Эстонияда бу жазо тури 2002 йилгача мавжуд эди.

<sup>2</sup> Карапт: Хорватиянинг Юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Қонунининг 1-боб, 8 ва 12-моддалари. Латвия ЖКнинг 70<sup>3</sup>-м., Черногориянинг Юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Қонунининг 22-м., Руминия ЖКнинг 139-м., Словениянинг Юридик шахсларнинг жиноий ҳукуқбузарлеклари учун жавобгарлиги тўғрисидаги Қонунининг 12-м.

<sup>3</sup> Руминия ЖКнинг 2-боб 139-м.

қонунчилигида ҳимоя қилинган бўлса Хорватияда маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти ҳам тугатилиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Гарчанд, юридик шахс фаолиятини мажбуран тугатиш жазоси оғир жазолар турига кирсада, аммо амалиётда уни қўллашади. Бу борада Хорватияда фаолият юритган “Фими Медиа” компаниясининг иши диққатга сазовар. Бу компания фаолияти биринчи инстанция суди қарорига кўра мажбуран тугатилишига сабаб айлов хulosасига кўра ушбу компания бир қатор давлат компанияларига сохта ҳисоб рақами юбориб, улардан ноқонуний маблагф тўплаб, шу маблагни сиёсий партия фаолиятини молиялаштиришга сарфлаган. Руминияда эса МР иши номли жиноят ишида иккита компания порахўрлар томонидан пора йиғиши манбаига айлантирилганлиги учун уларга нисбатан қўшимча жазо тури сифатида фаолиятини тугатиш тўғрисида суд ҳукми чиқарилган. Суд ўз ҳукмида “хар иккала компания фаолияти жиноят содир этишга йўннатирилганлигини” алоҳида келтириб ўтган. Грузияда ҳам худди шундай фаолият юритган иккита компания суд ҳукми билан уларнинг фаолияти мажбуран тугатилган.

### **Юридик шахс ҳуқуқларини чеклаш.**

Гарчанд, пуллик жарима жазолари тайинлаш юридик шахсларнинг келажакда жиноят содир қилиш мақсадидан тийиш воситаси сифатида қўлланилсада, вакт ўтиши билан бошқа жазо турлари ҳам юридик шахсларга нисбатан қўлланила бошлади. Кўпроқ бу янги жазо турлари компанияларнинг корпоратив ҳуқуқларини чеклаш жазоси сифатида жиноят ва маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги ишларда қўлланила бошланди. ИХ ва РТ антикоррупцион тизимига аъзо давлатлар бу ўзгаришларни юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонунларида ҳам инобатга олиша бошлади.

Энг кўп таъқиқловчи буйруқлар рўйхати Македония Республикаси қонунчилигида мавжуд. ЖКнинг 96-б-моддасида судланган юридик шахсга нисбатан кўйидаги бир ёки бир нечта қўшимча жазо турлари қўлланилиши мумкин:

- 1) маҳсус қонунларда назарда тутилган рухсатнома, лицензия, концессия ёки бошқа ҳуқуқлар олишни таъқиқлаш;
- 2) давлат сотувларида қатнашиш бўйича ўтказиладиган тендерларда, давлат-хусусий шахслар ҳамкорлиги доирасида

---

<sup>1</sup> Қаранг:Руминия ЖКнинг 141-м., Македония ЖКнинг 9-боб, 96-м., Хорватиянинг юқорида келтирилган қонунининг 2-боб, 12-м.

ўтказиладиган давлат харидлари бўйича тузиладиган шартномаларда ва келишувларда қатнашиш ҳукуқидан маҳрум қилиш;

3) янги юридик шахс тузиш ҳукуқидан маҳрум қилиш;

4) имтиёзли субсидия ва кредитлардан фойдаланишни таъкиқлаш;

5) маҳсус қонун билан рухсат берилган рухсатнома, лицензия, концессия ёки бошқа ҳукуқларни бекор қилиш;

6) маълум фаолият билан шугулланишни вақтинча ёки доимий таъкиқлаш.

ИҲ ва РТ антикоррупцион тизимига кирувчи мамлакатларда таъкиқловчи буйруклар рўйхатини тўлиқ келтириш учун Македония Республикасида мавжуд бўлган таъкиқловчи буйрукларнинг қуидаги рўйхатлар варианти билан тўлдириш жоиз:

1) зарур ва самарали ҳисобланган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (Черногория)<sup>1</sup>;

2) юридик шахснинг тузилмаларини ёпиш (Руминия);

3) юридик шахсни суд назорати остига қўйиш (Руминия);

4) миллий ва маҳаллий бюджет ташкилотлари билан битимлар тузишни таъкиқлаш (Хорватия)<sup>2</sup>;

5) юридик шахсга тегишли қимматли қағозлар билан савдо қилишни таъкиқлаш (Словения)<sup>3</sup>.

ИҲ ва РТ антикоррупцион тизимига аъзо мамлакатларда юридик шахсларнинг айрим фаолият турларига таъкиқ қўйиш амалиёти кенг тарқалгандир. Бу таъкиқнинг у ёки бу қўриниши Болгария, Эстония, Россия ва Украинадан ташқари барча мамлакатларда учрайди. У ёки бу фаолият тури билан шугулланишни таъкиқлаш, улар фаолиятини молиялаштиришнинг турли шаклларида ёки маълум бир фаолият билан шугулланиш тўғрисида лицензия олиш ҳолатларида учраши мумкин, худди Македониядагидек бу ҳолат тури санкция қўринишида ҳам бўлиши мумкин. Давлат харидларида қатнашиш таъкики – Латвия ва Руминия қонунчилигида; кредит, субсидия ва бошқача тарзда давлат ёрдамидан фойдаланишга таъкиқ – Хорватия ва Латвия қонунчилигида; рухсатнома, лицензия ва бошқа имтиёзлардан фойдаланишни таъкиқлаш – Босния-Герцоговина, Хорватия, Латвия, Черногория Республикаси ва Словения қонунчиликларида мавжуддир.

<sup>1</sup> Қаранг:Черногориянинг юридик шахснинг жавобгарлиги тўғрисидаги Конунининг 29-м.

<sup>2</sup> Хорватиянинг Юридик шахслар жавобгарлиги тўғрисидаги Конунининг 18-м.

<sup>3</sup> Словениянинг юқорида келтирилган Конунининг 14-м., 4-қ.

Кўпгина мамлакатларда компанияларнинг ҳуқуқларини чеклаш маълум бир вазият вужудга келганда қўлланилади. Масалан, яна Македония Республикаси қонунчилигига мурожаат қиласдан бўлсан, бу ерда суд бир ёки бир нечта қўшимча жазо турини тайинлаши мумкин, агарда юридик шахс фаолиятида хизмат фаолиятини суистеъмол қилиш ҳолати содир этилган бўлса, шунингдек, келажакда шу қилмишни қайта содир этилиши реал хавфи мавжуд бўлса<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, қўшимча жазо турини тайинлаш учун алоҳида маҳсус шароитлар ҳам мавжуд бўлиши лозим. Масалан, маълум бир фаолият тури билан юридик шахсларнинг шуғулланишини таъқиқлаш қўшимча жазо тури жарима жазоси билан бир вақтда тайинланиши мумкин, қачонки юридик шахс фаолияти давомида жисмоний шахс томонидан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноят содир этилган бўлиб, бу жиноят келажакда яна такроран содир этилиши хавфи реал мавжуд бўлса. Бу ҳолатда юридик шахс учун вақтингчалик фаолият билан шуғулланишини таъқиқлаш қўшимча жазоси бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга тайинланишига йўл қўйилади. Юридик шахс учун маълум фаолият тури билан шуғулланишни доимий таъқиқлаш қўшимча жазоси, жарима жазоси билан бир вақтда тайинланиши фақат шундай ҳолатда йўл қўйиладики, унда жисмоний шахсга бу қилмиш учун камида уч йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва бу жиноятни ёки ўхшаш бошқа жиноятни келажакда такрор содир этиш реал хавфи мавжудлиги ҳамда бу жиноятни суднинг юридик шахсга фаолият тури билан вақтингчалик шуғулланишини таъқиқловчи ҳукми кучга киргандан кейин қайта содир этиши, яъни рецидив ҳолатини вужудга келиши сабаб бўлади<sup>2</sup>.

Худди Македониядагидек, Хорватия, Черногория ва Словения қонунчиликлари ҳам юридик шахсларнинг фаолиятига айrim таъқиқлар қўйишни жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика мақсадида ҳам қўллашади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Македония Республикасининг Юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Конунининг 96<sup>b</sup>-м.

<sup>2</sup> Македония ЖКнинг 4-б-параграфлари 96<sup>c</sup>-моддаси, яна Веттори 2011, 31-33 Б.

<sup>3</sup> Хорватиянинг Юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғр-ги Конуни 16-18-м.м., Черногориянинг шу номдаги Конуни 32-м., Словениянинг ҳам шу мазмундаги Конуни 20-м.

Хорватияда юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилашда куйидаги терминлардан фойдаланишади:

Юридик шахслар фаолиятининг айрим турларига Қонун таъкикни суд қарорига асосан, шу қарор муддати тугагунга қадар бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга қўллайди, қачонки агарда бу фаолиятни давом этириш фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ёки хавфсизлигига хавф соладиган бўлса, шунингдек, мулкига ёки иқтисодиёта ёхуд юридик шахс илгари худди шу ёки шунга ўхшаш жиноятни содир этган бўлса (16-м.).

Миллий органлар ёки минтақавий, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан юридик шахсларга берилган лицензия, рухсатнома, концессия ва субвенцияларга (лотин тилидан давлат томонидан маҳаллий органларга ажратиладиган маблаг) таъкиқ шундай ҳолатларда қўйиладики, агарда лицензия, рухсатнома, концессия ва субвенциялар олган юридик шахс фаолияти уни жиноят содир этишга олиб келса (17-м.).

Миллий ва маҳаллий бюджетлардан фойдаланиш учун келишувлар тузишга таъкиқ, агарда юридик шахснинг бу фаолияти жиноят содир этиш хавфини келтириб чиқарса, юридик шахсларга нисбатан шундай ҳолатда қўлланилади. (18-м.).

### **Чеклаш маъмурий санкция сифатида.**

Айрим мамлакатларда юқорида келтириб ўтилган таъкиклар айблов ҳукми оқибатида келиб чиқсан жиноий санкциялар ҳисобланмайди, балки бу ҳолат маъмурий-ҳуқукий актлар билан тартибга солинади. Масалан, Болгария қонунчилигига кўра ҳар бир тендерда қатнашаётган иштирокчи илгари жиноий жавобгарликка жумладан, порахўрлик жинояти учун ҳам жавобгарликка тортилмаганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этиши лозим. Ушбу Қонун хорижий жисмоний ва юридик шахсларга ҳам давлат харидларида қатнашишга рухсат бермайди, қачонки улар ўз мамлакатларида илгари жиноий жавобгарликка, шу жумладан порахўрлик жинояти билан ҳам жавобгарликка тортилган бўлса. Шунга қарамасдан, тендер тайинлаш юзасидан масъул орган томонидан тузилган комиссия тендерга берилган буюртмага баҳо бериш ва уни тарқатиш олдидан вақти-вақти билан юқоридаги келтирилган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида комплекс экспертиза ўтказиш учун бошқа органлар ёки шахслардан маълумотлар талаб қилиб олишлари ҳам мумкин. Агарда комиссия томонидан тендер иштирокчиларидан айримлари нотўғри

маълумотнома тақдим этилганлиги аниқланса, бунда бундай буюртма берган иштирокчи давлат харидлари тендеридан четлаштирилади<sup>1</sup>. Шунингдек, экспорт кредитлари олишга буюртма берган юридик шахслар антикоррупциян декларация ҳам тўлдиришлари лозим, Болгарияниң эса экспортларни сугурталаш Агентлиги бу экспортни сугурталаш учун экспертиза ўтказишлари жоиз. Агарда буюртмачи Агентликка нотўри маълумотнома тақдим этган бўлса ёки Жаҳон банки гурухи, Африка ривожланиш банки, Осиё ривожланиш банки, Европа тикланиш ва ривожланиш банки, Америкаларо ривожланиш банкларининг таъкиқ қўйилган рўйхатига киритилган бўлса, берилган буюртма сугурталанмайди.

Эстонияниң Давлат харидлари тўғрисидаги қонунида ҳам шундай дейилганки, агарда ёллаётган орган давлат харидлари учун тузилаётган шартномага жисмоний ва юридик шахсларни шундай ҳолатларда қўшмайди ёки контрактлар рўйхатидан ўчиради, унда шартнома бўйича ўтказилаётган тендерда қатнашмоқчи бўлган ёки номзод бўлган жисмоний ёки юридик шахс илгари порахўрлик жинояти ёки пул маблағларини ноқонуний ювган ёки солиқ соҳасида жиноят содир қилган бўлса<sup>2</sup>.

Шунга ўхшаш қоидалар Латвия, Литва, Словения ва Украина<sup>3</sup> қонунчиликларида ҳам мавжуд бўлиб, бу давлатларда порахўрлик жиноятида айбланган юридик шахслар фаолияти жиноят ва маъмурий хукуқ нуқтаи назаридан чекланиши мумкин.

Латвияниң хукукий тизими алоҳида химояланган хукуқ тизими ҳисобланади,. Чунки биринчидан, Жиноят кодексининг 704-моддаси талабларига кўра юридик шахс хукуqlари чекланиши мумкин: “агарда юридик шахснинг айрим хукуқлари ёки рухсатномалари ёхуд шу таъкиқни белгилаб бериш юридик тўсқинлик қилса, мамлакат эҳтиёжи ёки маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари учун ўтказилаётган давлат харидларида қатнашиш давлат томонидан қўллаб-куватланмаса ёки ёрдам берилмаса, айрим фаолият тури билан шуғулланиш бир йилдан кўп бўлмаган ва ўн йилдан ошмаган муддатга таъкиқланади”.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Болгарияниң Давлат харидлари тўғрисидаги Қонуни 47,48,68 -69м.м.

<sup>2</sup> Эстонияниң Давлат харидлари тўғрисидаги Қонуни 38 -м.

<sup>3</sup> Украинаниң коррупцияни олдини олиш тўғрисидаги Қонуни 17-м. 2014й. октябрь.

Юқорида келтириб ўтилганларга қўшимча қилиб айтиш жоизки, Латвиянинг Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунининг 39-моддасида харидни ташкил этувчи орган тендер қатнашчисини тендер харид қилиш вазифасидан четлатиши, шунингдек, тендерда қатнашиш учун берган буюртмани кўриб чиқмаслиги мумкин, агарда тендерда иштирок этувчи номзод ёки тендер қатнашчиси ёки шу қатнашчининг тендерда қатнашиш учун қарор қабул қилиш, назорат қилиш ваколатига эга бўлган шахс маълум бир жиноятни содир қилишда айбланиб, унга нисбатан суд ҳукми қонуний кучга кирган бўлса. Кейинги келтирилган ҳолат ўзига соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш, коррупциян жиноятлар, молия соҳасидаги фирибгарликлар, жиноий йўл билан топилган даромадларни ювиш ва уюшган жиноий гурухлар фаолиятида иштирок этишларни қамраб олади. Бу шуни англатадики, давлат харидлари комиссияси ҳатто айбдор деб топилган номзодни жиноят суди томонидан ҳукуқларини чеклаш ёки ундириш бўйича қарори мавжуд бўлмаса ҳам тендердан четплатади.

Маъмурий жазо чораларини қўллашнинг устунлиги шундан иборатки, бу ерда юридик шахсга қўлланиладиган барча санкциялар бир хilda қўлланилади, қачонки жиноий таъқиб доирасида эса қўшимча жазо турлари ёки хавфсизлик чоралари юқорида келтирилганидек анча мураккаб ва кўпгина ҳолатларда маълум бир шарт-шароитларни мавжудлигини талаб қиласди.

### **Суд қарорларини эълон қилиш.**

Анткоррупцион тизимга аъзо давлатларда кенг қўлланиладиган жазо турларидан яна бири бу – суд қарорларини чоп этиб бориш ҳисобланади. Бундай жазо тури Македония Республикаси, Черногория, Руминия, Сербия ва Словения қонунчилигига мавжуд бўлиб, бу юридик шахсларнинг жиноят содир этишдан тийиб турувчи восита сифатида фойдаланилади<sup>1</sup>. Масалан, Черногориянинг Юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Қонунининг 31-моддасида санкциянинг қўйидаги таърифи берилган:

“(1) Суд хавфсизлик чоралари сифатида суд қарорини чиқариши мумкин, агарда суд қарор ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишни

---

<sup>1</sup> Қаранг: Македония ЖКнинг 96<sup>е</sup>-м., Черногориянинг номи келтириб ўтилган қонунининг 31-м., Руминия ЖКнинг 136<sup>f</sup>,145-м.м., Сербиянинг номи келтириган қонунининг 26-м.

лозим деб топса, шу жумладан, чоп этилган суд қарори фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ёки савдони ҳимоя қилиш ёки бошқа манфаатдорларнинг хавфсизлигини таъминласа.

(2) Жиноий қилмишнинг мувофиқлигидан келиб чиқиб ва жамоатчиликни хабардор қилиш нуқтаи назаридан, суд ўз қарорини чоп этадиган ОАВ турини танлаши, шунингдек, суд қарорининг асосий қисмини тўлиқ ёки ундан қўчирмалар олиш орқали чоп этиши жамиятга қандай манфаат келтиришидан келиб чиқиб, суд қароридан манфаатдор бўлган шахсларга бу ҳақда маълум қиласди”.

### **Фуқаровий-хуқуқий санкциялар.**

ИХ ва РТ антикрупцион тизимиға аъзо мамлакатларнинг бирортаси ҳам АҚШда кўулланиладиган фуқаролик жарималари ва жазолаш компенсацияларини тан олмайди. Коррупцияга қарши курашиш ёки бошқа жиноий қилмиш нуқтаи назаридан фуқаролик жавобгарлиги, жиноят натижасида етказилган зарап қоплашни англатади. Шу боис, ҳар бир мамлакат жиноят содир этиш ёки жиноятчини шахси билан боғлиқ ёки умуман корпоратив жиноят содир этганларга алоҳида шароит яратиш сингари масалаларни мустақил ҳал этиш хуқуқига эга.

Корпоратив жиноятчилик масалаларида антикоррупция тизимиға аъзо давлатлар иккита гурухга бўйинади: тахминан уларнинг ярмида юридик шахслар учун алоҳида шарт-шароитлар мавжуд бўлса, бир вақтнинг ўзида қолганлари умумий принциплардан фойдаланишади, яъни илгаридан жисмоний шахслар учун ишлаб чиқилган жиноятнинг оғирлик даражаси, айни тан олганлиги, рецидивнинг мавжудлиги, олдиндан тил бириклириш ва ҳ.к. Ушбу тадқиқот иши асосан юридик шахслар учун махсус ишлаб чиқилган жазо тайинлаш принциплари тамоийларига асосланади.

Шунингдек, кўпгина мамлакатларда фуқаролик судлари юридик шахсларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин, агарда бу қарор шу давлатда мавжуд бўлган қонунчилик мақсадларига ва фаолиятига зид келмайдиган бўлса.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, ҳалқаро хуқуқ нормалари юридик шахсларга нисбатан жазо тайинлашда қандай ҳолатлар инобатга олиниши лозимлиги ҳақида кўрсатмалар бермайди. Шу сабабли, ҳар бир мамлакат юридик шахсларни жавобгарликка тортишда, бу ҳолатни жисмоний шахслар ҳатти-ҳаракатлари билан боғлайдими ёки корпоратив жиноятчилар учун алоҳида шарт-шароит яратадими мустақил ҳал этиш хуқуқига эга. Юқориги абзац

хатбошисида эътироф этганимиздек, корпоратив жиноятчилик масалаларида антикоррупция тизимига аъзо давлатлар иккита гурухга бўлинади: таҳминан уларнинг ярмида юридик шахслар учун алоҳида шарт-шароитлар мавжуд бўлса, шу вақтни ўзида қолганлари умумий принциплардан фойдаланишади, яъни илгаридан жисмоний шахслар учун ишлаб чиқилган жиноятнинг оғирлик даражаси, айбни тан олганлиги, рецидивнинг мавжудлиги, олдиндан тил биритириш ва ҳ.к. Ушбу тадқиқот иши асосан юридик шахслар учун маҳсус ишлаб чиқилган жазо тайинлаш принциплари тамойилларига асосланади.

### **Жазони белгилашнинг шарт-шароитлари.**

Юридик шахсга нисбатан тайинланадиган жазо турини белгилашга йўналтирилган алоҳида шарт-шароитлардан бири, бу айбланаётган юридик шахснинг иқтисодий ҳолати ҳисобланади. Бу принцип барча ИХ ва РТ антикоррупцион тизимига аъзо бўлган мамлакатлар қонунчилигига киришилган ва буни асосли деб топсан мақсадга мувофиқ бўлади. Юридик шахсга нисбатан белгиланган жазо тури нафақат уни келажакда жиноятни такрор содир этишдан тийиб турадиган омил ҳисобланади, балки бу жазо тури самарали ва қилишига яраша бўлиши ҳам лозим. Аксарият ҳолатларда жазонинг мақсади компания фаолиятини тутгатиш эмас, балки шу компанияни қонуний бизнес олиб боришга йўл очиб бериши жоиз. Бу мақсадга агарда компаниянинг маблағлари ёки активлари ундан олиб қўйилган бўлса эришиб бўлмайди. Шунингдек, суд жазо тайинлашда бу ерда учинчи шахслар, яъни компания ходимлари ва акциядорлари манфаатларига ҳам зарар етказмаслик ҳолатини ҳам инобатга олишлари зарур.

Юридик шахсларнинг иқтисодий мустақиллигидан ташқари, антикоррупцион тизимга аъзо мамлакатлар қонунчилигига жазо турини белгилашда бошқа шарт-шароитлар ҳам мавжуд. Юридик шахсларга жазо тайинлашда инобатга олиниши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича раҳбарий кўрсатмаларнинг кўпчилиги Черногория қонунчилигига назарда тутилган. Зеро биринчидан, Юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Қонуннинг 1 параграф 14-моддасида келтирилганки, унда “жарима миқдори етказилган зарар ёки ноқонуний олинган фойда миқдоридан келиб чиқиб белгиланади ва бу ердаги фарқ катта бўлса, унда тайинланадиган жарима миқдори унинг энг катта миқдорига teng бўлиши лозим”. Бу қоида қонуннинг 16-моддасида янада кенгайтирилиб, унда антикоррупцион тизимга аъзо давлатларнинг мавжуд жазо тайинлашнинг маҳсус

принципларини ҳам қамраб олади. Келтириб ўтилган барча турларни қамраб олиш учун Азорбайжон қонунчилигида мавжуд бўлган енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланган хайрия фаолияти ҳам қўшиш лозим. Юқорида келтириб ўтилган 1-параграф 16-модда қўйидагиларни назарда тутади:

“Суд юридик шахсларга жиноят содир этганлик учун тайинланадиган жарима хажмини белгилашда жазо мақсади ва жаримани кам ёки кўп миқдорига таъсир этувчи (оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар) қўйидагиларни:

- 1) жиноий қилмишнинг оғирлик даражасини, умумий манфаатларга етказиладиган хавфни;
- 2) жиноят содир этган юридик шахснинг жавобгарлик даражасини;
- 3) жиноят содир этган маъсул шахсларнинг сони ва уларнинг юридик шахсда эгаллаган лавозимлари;
- 4) маъсул шахсларнинг муқаддам судланганлик ёки судланмаганларни, ёки қонунни ва бошқа тартиб қоидаларни бузганларни;
- 5) жиноий қилмишни содир этиш шарт-шароитлари;
- 6) юридик шахснинг иқтисодий аҳволи ва тижорат фаолияти натижалари;
- 7) юридик шахснинг олдинги иш фаолияти, қонун ва бошқа қоидаларни бузган-бузмаганлиги;
- 8) юридик шахснинг жиноят содир этилгандан кейинги хулқ-автори, етарли назоратни амалга оширган шахсларни ишдан бўшатиши, интизомий жазога тортиши ва жиноят содир этган маъсул шахс билан меҳнат шартномасини бекор қилинганлиги;
- 9) жиноят натижасида зарар қўрган жабрланувчига муносабати, унга етказилган зарарни қоплаб бериши ва жиноят содир этилиши натижасида келиб чиқсан оқибатларни бартараф этилиши, шунингдек, мазкур ҳаракатларни унга нисбатан жиноят иши қўзғатилгандан олдин ва кейин амалга оширганлиги;
- 10) оғир молиявий ҳолатларни ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши, қийин шароитларда, эҳтиёж сабабли, тажрибасизлиги натижасида, эҳтиётсизлик оқибатида ёки жабрланувчининг қарор қабул қилишда тажрибасизлик қилиши натижасида содир этилиши;
- 11) жиноий қилмиш содир этилиши натижасида олган моддий фойдани қайтарилиши ҳолати;

12) юридик шахс томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш ва аниқлашга йўналтирилган самарали ва зарур чораларни кўриши;

13) юридик шахс томонидан жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноят ҳақидаги хабарни тегишли органларга етказиши, унинг жиноятларни аниқлаш, жиноий таъқибни амалга оширувчи давлат органлари билан ҳамкорлиги ёки жиноятни тергов жараённига аралашиши ҳолати;

14) юридик шахснинг содир этилган жиноятга муносабати, жиноят содир этганлик ҳақида икрорлиги” ҳолатларини.

Шунингдек, 17-модда судларга яна қуйидаги ҳолатларга эътибор беришни: юридик шахс илгари жиноий қилмишлар содир этганлиги муносабати билан жавобгарликка тортилганми, содир этган бўлса илгариги қилмиши ҳам шу жиноятлар тоифасига кирадими, ва охиргиси олдинги жинояти юзасидан чиқарилган айлов хукмига қанча вақт бўлган. Агарда юридик шахснинг жиноий қилмиш содир этганлиги учун камида икки марта судланганлиги ва тайинланган жарималарнинг умумий миқдори 50 000 евродан ошган бўлса, шунингдек, охирги тайинланган жарима муддати 5 йилдан ошмаган бўлса, суд юридик шахсга тайинланадиган жарима миқдорини икки минимал миқдорга кўтариши мумкин (18-м.).

Украина ЖКнинг 961-моддаси талабларига кўра суд юридик шахсга жиноий-хукуқий характердаги жазо турини тайинлашда жиноят содир этган шахс қилмишининг оғирлик даражасини, жиноий мақсадга қанчалик эришганлик даражасини, етказилган зарар миқдорини, ноконуний фойданинг характеристи ва миқдорини ҳамда юридик шахснинг жиноятни олдини олишга қаратилган ҳаракатларини инобатга олади.

### **Шартли жазо.**

Черногория қонунчилиги ҳам пухта ўйланган шартли жазо тизимиға эга. Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўгрисидаги Конуннинг 24-моддасида келтириб ўтилишича, суд юридик шахсга нисбатан 100 000 евро миқдорида жарима жазоси тайинлайди, агарда юридик шахс суд белгилаган бир йилдан уч ийлгача синов муддатида янги жиноятда айбдор деб топилмаса<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Каранг: Шартли жазо тайинлаш Македония Республикаси ва Словения қонунчилигига ҳам назарда тутилган. Македония ЖКнинг 96<sup>1</sup>-м., Словениянинг

Шунингдек, суд қарор қилиши мумкинки, агарда юридик шахс қонунда кўрсатилган муддатларда жиноят содир этилиши натижасида олган моддий фойдани қайтара олмаса, жиноят натижасида етказилган зарарни қопламаса ёки жиной-хукукий норма билан юклатилган бошқа мажбуриятларини бажармаса жазо ижро этилиши шарт.

Келтириб ўтилганлардан ташқари суд шартли жазога махҳум килинган юридик шахсни маълум вақтга химоя назорати остига олиши мумкин, яъни бу шуни англатадики юридик шахс қўйида келтирилган бир ёки бир нечта мажбуриятларни бажариши лозим:

1) янги жиноят содир қилишнинг олдини олишга қаратилган самарали ва мантиқий дастур ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

2) жиноятларни келажакда содир этилишини олдини олишга йўналтирилган ички назорат тизимини яратиши;

3) химоя назоратини амалга оширувчи давлат органига ўз тижорат амаллари тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб бориши;

4) жиноят содир этилиши натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарнинг келиб чиқиш хавфини йўқотиш ёки камайтириши;

5) қонуннинг қайтадан бузилишига шароит яратадиган ёки туртки бўладиган тижорат фаолиятидан ўзини тийиб туриши;

6) жиноят содир этилиши натижасида етказилган зарарни камайтириш ёки бартараф этиши;

7) юридик шахснинг одатий фаолиятига хавф солмайдиган жамоатчилик ишларини олти ой давомида ижро этиши лозим<sup>1</sup>.

Жиной жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг асослари.

Кўпгина тортишувларга сабаб бўлган яна бир институт бу “зарурий эҳтиёткорлик” (due diligence) масаласи ҳисобланиб, унга кўра юридик шахснинг жавобгарлиги мустаҳкамланган режимда, агарда оддий ходимнинг содир қилган қилмиши ўз навбатида юридик шахсни жавобгарлигини келтириб чиқариши мумкинлиги масаласидир. Аксарият юрисдикцияларда ўрнатилган тартибининг ижроси ишончли дастурнинг мавжудлиги яна бир омил ҳисобланиб, у юридик шахсга жазо тайинлашда инобатга олинади<sup>2</sup>. Бошқа давлатларда айниқса улардан ташкилий ёндашувдан

---

<sup>1</sup> Қаранг: Черногориянинг юридик шахсларни жиной жавобгарлиги тўғрисидаги Конунининг 26-27-м.м.

<sup>2</sup> Антикоррупцион тизимга аъзо давлатлардан Латвия, Черногория, Сербия ва Украинада ушбу ҳолат қўлланилади.

фойдаланганларида анчайин күпроқ аҳамиятга компания томонидан бошқа ходимлари томонидан жиноят содир этишнинг олдини олишга йўналтирилган чоралар аҳамиятга эга. Масалан, Нидерландия, Австралия ва Швейцария каби мамлакатларда агарда юридик шахсга нисбатан олиб борилган тергов ҳаракатларида ёки суд жараёнида юридик шахс томонидан ўрнатилган тартибга амал қилиш қоида ва механизмлари етарли даражада ишлаб чиқилган бўлса ва у жиноят содир этишнинг олдини олиш учун унга боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни амалга оширган бўлса, юридик шахс жавобгарликдан озод қилинади<sup>1</sup>. “Зарурий эҳтиёткорлик” ҳимоя воситаси сифатида Япония ва Корея қонунчилигида ҳам мавжуд бўлиб, унинг хусусияти шундан иборатки бу ерда корпаратив маданиятдаги камчиликлар ва назорат амалиётини исботлаш мажбурияти компанияларнинг ўзига юклатилган<sup>2</sup>. АҚШ Федерал суд амалиётида ҳам исботлаш мажбурияти давлатдан олиниб, айбланувчи томонга юклатилган.

Айрим муаллифлар “агарда ўрнатилган талаб чораларни кўлламаслик жавобгарликни келиб чиқишини назарда тутса ёки зарурий эҳтиёткорликка ҳимоя воситаси сифатида қаралса, унда бу ҳолат юридик шахсларнинг жавобгарлиги режимини янада адолатли ва самарали бўлишини таъминлади” деб ҳисоблашади. Улар таъкидлашича, бу ёндашув компанияларни ўрнатилган қоидаларга амал қилиш бўйича ишончли дастурлар ишлаб чиқишга ҳамда бу қоидалар бузилганда уларни давлат органлари билан ҳамкорлик қилишига ундайди<sup>3</sup>. Бошқа муаллифлар эса бу ёндашувга ишончсизлик билан қарашади. Уларнинг эътиroz билдиришича, бу ёндашув кўпроқ йўл-транспорт ходисалари, экологик оғатлар ва бошқа эҳтиёtsизлик орқасида содир этиладиган жиноятларга нисбатан татбиқ этиш мумкин, аммо уни юқори даражадаги коррупцион жиноятларга қўллаб бўлмайди. Шахснинг эҳтиёtsиз ҳаракатлари натижасида ҳам одам ўлими келиб чиқиши мумкин, айниқса бу ҳолат хавфсизлик қоидаларини таъминлаш масаласи талаб даражасида эмаслиги мукаррар бўлган компанияларда юз бериши мумкин. Бироқ, ҳалоллик қоидаларига қатъий амал қиласидиган ва ўз ходимларининг нотўғри хатти-ҳаракатларига йўл қўймайдиган компанияда оддий

---

<sup>1</sup> Қаранг: Алленс Артур Робинсон 2008, 68-71 –Б.

<sup>2</sup> Қаранг: Алленс Артур Робинсон 2008, 43-46 –Б.

<sup>3</sup> Қаранг: Алленс Артур Робинсон, 69-Б.

ходим томонидан компанияяга тегишли миллионлаб пулни давлатнинг юқори даражадаги масъул мансабдор шахсига пора сифатида бериш имконияти деярли йўқ. Лекин, улкан лойиҳалар учун улкан пул тўланади, бу ҳолатда пора бериш бизнес юритишнинг одатий ҳолати сифатида қаралиши мумкин, ҳатто менежментднинг энг юқори даражасида ҳам, шу боис, жавобгарлик масаласи ички қоидаларнинг ва директив хужжатларнинг сонига боялиқ бўлмаслиги жоиз.

Умуман олганда бу назарий жиҳатдан мунозарали масала ҳисобланади, ИХ ва РТ органлари “зарурий эҳтиёткорлик”га амалиётнинг зарурий воситаси сифатида қарашади ва уни енгил шаклда қўллашни тавсия қилишади<sup>1</sup>. Ишлатилаётган ҳимоя модели вариантини Италия мисолида кўриш мумкин, у ерда қонун шуни назарда тутадики, юридик шахс содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортилмайди, агарда жиноят раҳбар лавозимидағи шахс ёки унинг раҳбарлиги ёки назорати остида шахс томонидан содир этганлигини қўйидаги ҳолатлар билан исботласа:

1) агарда раҳбарият содир этилган жиноят бўйича жиноятларни олдини олишнинг самарали ташкилий-бошқарув моделини қабул килиб, ундан талаб даражасида фойдаланган бўлса;

2) мажбурий ижро ва янгиланган модельни амалга ошириш юзасидан мустақил назоратни таъминловчи орган яратилган бўлса;

3) ушбу модельни фаолиятини таъминлаш учун мустақил органи назоратни етарли даражада таъминлаган бўлса;

4) жисмоний шахс-жиноятнинг бажарувчиси фирибгарлик йўли билан фаолият юритаётган тизимни айланиб ўтган бўлса<sup>2</sup>.

Антикоррупция тизимга аъзо бўлган давлатлар ичida “зарурий эҳтиёткорлик” факат қонун даражасида Черногория қонунчилигига назарда тутилган бўлиб, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги Қонуннинг З параграф 23-моддасида, “суд юридик шахсни жазодан озод қилиши мумкин, қачонки юридик шахс жиноятларнинг олдини олиш учун барча самарали, зарурий ва мантикий чораларни кўрган бўлса” деб белгиланган.

Черногориянинг юқорида қайд этилган 23 моддаси юридик шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг иккита асосини

---

<sup>1</sup>Каранг: Коррупцияга қарши қураш бўйича Стамбул ҳаракат режасининг Грузия бўйича учинчи мониторинги, 30-Б.

<sup>2</sup> Италиянинг юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги тўғрисидаги июнь 2001 йилдаги Қонун декретининг 1 параграф 6-7 м.м.

келтириб ўтади: биринчидан, агарда юридик шахс жиноят иши қўзғатишидан олдин содир этилган жиноятни аниқлаб ва унга маълум бўлган жиноят ҳақида тегишли органга хабар берса у жиноий жавобгарликдан озод этилади (1\*-параграф). Юридик шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш яна шунда мумкинки, агарда юридик шахс ўз хоҳиши билан ва дарҳол ноконуний олинган моддий фойдани қайтарса, ёхуд етказилган зарарли оқибатни бартараф этса, ёхуд у билан ташкилий жиҳатдан боғлиқ бўлмаган бошқа юридик шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида маълумот берса (2-параграф). Ҳар иккала асослар Македония Республикаси ва Словения қонунчилигига ҳам келтириб ўтилган. Словенияда фақат бу асос “назорат мавжуд бўлмаган қоида” юзага келгандан қўлланилиши мумкин. Бошқа ҳолатларда ўз хоҳиши билан маълумот бериш жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида қўлланилади. Жиноят ҳақида ўз хоҳиши билан ўз вақтида берилиган хабар учун жиноий жавобгарликдан озод этиш институтлари Хорватия<sup>1</sup> ва Руминия<sup>2</sup> қонунчилигига ҳам мавжуд.

### **3.5. Антикоррупцион тизимга аъзо мамлакатларда прокуратуранинг ихтиёрий ваколатлари мавжудлиги.**

Прокурорнинг ихтиёрий ваколатлари айрим ҳолатларда жазодан озод қилиш институтига ўхшаб кетади. Бу ихтиёрий ваколатлар айниқса АҚШда асосан умумий хуқуқдаги хуқуқий анъаналар билан боғлиқ бўлиб, прокуратура хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тайёрланган ишлар бўйича мустақил жиноий таъқибни амалга ошириш ва қарор қабул қилиш ваколатига эгадирлар. Аммо, континентал хуқуқ тизими оиласига мансуб бир қатор мамлакатлар ҳам ҳар қандай жиноят юзасидан тегишли текширувлар ўтказилиши ва далиллар етарли бўлганда жиноятчига жазо берилиши шарт деган “қонунийлик” принципи талабларига зид бўлмаган ҳолда, бу принцип талабидан чекиниш мумкин бўлган хуқуқий механизмни ишлаб чиқишган.

Масалан, Германия Федератив Республикасида прокурорлар “мақсадга мувофиқ эмас” деган принципга амал қилиб, жиноят ишини

---

<sup>1</sup> Қаранг:Македония Республикаси ЖКнинг 96j-моддаси, Словениянинг юридик шахсларнинг жиноий хуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарлиги тўғрисидаги Қонун 11-м., Хорватиянинг юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги Қонуни 12-м.

<sup>2</sup> Қаранг: Германия ЖПКнинг 153-154-d-моддалари.

иши юритувидан бекор қилиши мүмкін, агарда айбланувчининг айбі кам ахамиятли деб, давлат уни жиной жавобгарикка тортишга манфаатдор бўлмаса<sup>1</sup>. Собиқ Совет итифоқи жиноят хукуқида мавжуд бўлган принциплар талаблари узоқ вақт давомида Антикоррупция тизимга аъзо мамлакатлар қонунчилигига ўз таъсирини ўтказиб келган, ва бу принципларда кам ахамиятли қилмиш деб топилган жиноялар, гарчанд уларда формал жиноят таркиби элементлари мавжуд бўлсада жиноят деб топилмайди. Ўзбекистон Республикаси амалдаги ЖКнинг Умумий қисмида “Қилмишни жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар” деб номланган алоҳида бўлим келтириб ўтилган бўлиб, бу ҳолатлар ичида ҳам “кам ахамиятли қилмиш” (36-м.) деган тури мавжуддир.

Антикоррупция тизимга аъзо мамлакатлар қонунчилигига жиноят учун жавобгарлик принципи кенг тарқалган принциплардан бири ҳисобланади.

Тўртта мамлакат – Грузия, Эстония, Руминия ва Черногория қонунчилигига – прокурорларнинг ихтиёрий ваколатлари кенг кўлланилади. Грузия қонунчилигига кўра, умумий хукуқ анъаналарига содик қолган ҳолатда эътироф қиласиди “жиноят иши қўзғатиш ёки уни тугатиш ҳақида қарор қабул қилишда прокурор давлат манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда ихтиёрий ваколатни амалга ошириши лозим”. Германия қонунчилиги Эстония учун наъмуна сифатида қабул қилинган. Эстония ЖПКнинг 202-моддасида эътироф қилинадики, “агарда жиноий таъқиб объекти иккинчи даражали бўлса, айборнинг айби кам ахамиятли ва давлат уни жавобгарликка тортишга манфаатдор бўлмаса, унда прокурор жиноий таъқибни тўхатиш ҳақида судга илтимоснома киритади”. Бу ҳолатда суднинг бу илтимосномани қондириши талаб этилмайди, агарда бу қилмиш учун қонунда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг минимал мурддати кўрсатилмаган ёки фақат жарима жазосигина назарда тутилган бўлса. Ҳар иккала ҳолатда ҳам гумонланувчи бу қарорга ўз розилигини билдириши, жиноят содир этилиши натижасида етказилган зарарни коплаб бериши ва жиноий таъқибни амалга ошириш жараёнида сарф этилган маблагни тўлаб бериши шарт. Қўшимча равишда суд ёки прокурор айбланувчи томоннинг розилиги билан унга белгиланган суммани давлат бюджетига тўлаши ёки давлат

---

<sup>1</sup>Каранг: Грузия ЖПКнинг 16-моддаси.

манфаатларига хизмат килувчи бошқа мақсадга ишлатиш мажбуриятини юклashi мумкин.

Эстония жиноят қонунчилигида прокурорнинг ихтиёрий ваколатларининг иккита шакли келтириб ўтилган. Биринчидан, Эстония ЖПКнинг 203-моддасида “агарда жиноий таъқибнинг обьекти иккинчи даражали бўлса, прокурор гумонланувчи, айбланувчи ва жабрланувчининг розилиги билан, ҳамда уларга кўлланиладиган жазо тури бошқа жиноятларнига нисбатан минимал хажмда бўлса, жиноий таъқибни тўхтатиш ҳақида судга мурожаат қилиши мумкин”лиги қайд қилинган.

Бу маҳсус қоида жиноятларни қайтарилиши, рецидивни камайтириши ҳамда ўғирлик жиноятига нисбатан жиноий таъқибни тўхтатиб туриб, қасдан одам ўлдириш каби оғир жиноятларга кўпроқ эътибор беришни таъминлаши мумкин. Иккинчидан, бу қоида гумонланувчини тергов органи билан ҳамкорлик қилишига ва давлатни уюшган жиноятчиликка ва очилмай қолган яширин жиноятларни фош қилишига хизмат қилиши мумкин. ЖПКнинг 205-моддасида прокурорнинг ихтиёрий ваколати доирасига муҳим ахамиятли ишларни тергов қилишда, топилиши лозим бўлган далилларни топишида ва аниқлашда тергов органи билан ҳамкорлик килган гумонланувчи, айбланувчига нисбатан жиноий таъқибни бекор қилиш ваколати ҳам берилган.

Руминиянинг янги Жиноят-процессуал кодексида ҳам айборд жисмоний ёки юридик шахсми қатый назар прокурор ўзининг ихтиёрий ваколатидан фойдаланиши мумкинлиги келтириб ўтилган. ЖПКнинг 318-моддаси прокурорга содир этилган жинояти учун етийилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси назарда тутилган ҳамда давлат шу жиноят иши доирасига шахсни жиноий жавобгарикка тортилишидан манфаатдор бўлмаса, жиноят ишини тўхтатиш ёки тугатиш ваколати берилган. Бундай ҳолатда прокурор айбланувчига қўшимча мажбурият юклashi мумкин.

Эстония ва Руминия қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Черногория қонунчилигида прокурорнинг ихтиёрий ваколатларига прокурор томонидан жиноят ишини қўзгатиш ваколати ҳам киритилган. Черногориянинг юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги қонунининг 46-моддасида прокурор юридик шахсга нисбатан жиноят ишини куйидаги ҳолатларда қўзгатмаслиги мумкин:

1) юридик шахсни жиноят ишидаги роли кам ахамиятли бўлса ва прокурор шу сабабли жиноят ишини қўзгатишни мақсадга мувофиқ эмас деб топса;

2) юридик шахснинг бирор бир мулки бўлмаса ёки юридик шахсга нисбатан банкротлик жараёни бошланган бўлса; ёки

3) юридик шахсни жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш учун етарли асослар мавжуд бўлса ёки шу қонуннинг 16-параграф, 11-14-бандларида келтирилган жарима микдорини камайтириш имконияти мавжуд бўлса.

Ушбу прокурорнинг ихтиёрий ваколати содир этилган жиноят учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазолари назарда тутилган қилмишлар учун тадбиқ этилади. Жиноят ишини кейинги босқичларида прокурор шунингдек, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиши мумкин, агарда ушбу жиноят содир этиш ҳолати ва юридик шахсни олдинги тижорат тамойиллари ўз аҳамиятини йўқотса ва юридик шахс маълум мажбуриятларни зиммасига олса ҳамда содир этилган жиноятнинг санкциясида саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси назарда тутилган бўлса<sup>1</sup>.

Кўшимча қилиб айтиш мумкинки, прокурор ихтиёрий ваколатларининг камроқ шакллари Хорватия, Македония Республикаси, Словения давлатлари қонунчилигига ҳам назарда тутилган. Мазкур мамлакатлар прокурорлари ўз ихтиёрий ваколатларидан яна шундай ҳолатларда файдаланишлари мумкинки, агарда юридик шахсга нисбатан жиноий таъқибни амалга ошириш тўхтатилиши мумкин, қачонки шу юридик шахснинг мулки йўқ, ёки шунча камки суд харажатларини ҳам қопламайди ёки бу юридик шахсга нисбатан банкротлик ҳолати жорий этилган бўлса<sup>2</sup> дейилган. Ундан ташқари, Словенияда прокурор юридик шахсга нисбатан жиноят иши кўзгатмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, агарда юридик шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатиш мақсадга мувофиқ эмас деб топса, жиноят содир этишда юридик шахсни роли кам аҳамиятли бўлса, ёхуд юридик шахснинг эгаси ягона шахс бўлиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса дейилган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Черногориянинг Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги Конунининг 47-моддаси.

<sup>2</sup> Хорватиянинг Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги Конунининг 24-м., Македониянинг шу номли Қонунининг 509-м., Словениянинг шу мазмундаги Қонуни 28-м.

## **Афзаликлар ва хавфлар.**

Прокурорларнинг ихтиёрий ваколатларининг ўз афзаликлари ва хавфлари мавжуд. Бир томондан, бу ваколат жиноят ишлари сонини назорат қилиш орқали муҳимроқ жиноят ишига эътиборни кўпроқ қаратишга ёрдам беради. Янада кўпроқ, бу ҳолат ҳар бир алоҳида жиноят ишининг ҳажмини назорат қилишга имконият беради. Коррупцияга оид йирик ишларда айрим ҳолатларда кераксиз мижозларга эътибор бермасдан асосий эътиборни жиноятчига қаратиш мақсадга мувофиқ, бу жиноятчи коррупция ботқоғига болган гуруҳми ёки маҳаллий тадбиркорлик субъектларида ўз таъсирига эга бўлган функционерларми компаниями ахамиятга эга эмас. Юқоридаги бобда мисол сифатида келтириб ўтилган Гиппократ ишида масалан, Хорватиянинг давлатлар органлари томонидан аникланганки, формацевтика компанияси мамлакатдаги 337 нафар врачлар ва фармацевтларга пора берган. Бу жиноят иши судгача бўлган даврда бир неча алоҳида ишларга ажратилган, чунки судга берилган муддат давомида бошқача шу муддат ичидан бу катта ҳажмдаги жиноят ишини кўриб чиқиш имконияти йўқ эди ва шу боис, бу вазифани амалга оширишда прокурорнинг ихтиёрий ваколати мухим рол ўйнаган.

Бошка томондан, прокурорга жиноят ишини судга кўриб чиқишга юборишдан уни ихтиёрий ваколатидан фойдаланиб, иш юритишдан тўхтатиб, бекор қилиш қулайроқдир, чунки суд ишни кўришда прокурор ихтиёрий ваколатини қай даражада сунистемол қилган ёки керагидан ортиқ қўлланганлик масаласи ҳам муҳокама қилинади деган хавф доимо мавжуд бўлади. Бу ерда сабаб фақат иш ҳажми билан боғлиқ эмас, шу билан бирга (ёки асосан) прокурорда жиноят иши судда ўтмай қилиши мумкин деган хавф ҳамиша бўлади, бу ҳолат эса прокурорларни ихтиёрий ваколатидан керагидан кўпроқ фойдаланиб уларга жарима қўллаб, жавобгарликдан озод қилишга олиб келиши мумкин. Чунки, коррупция билан боғлиқ ишларда ҳар доим ҳам далиллар етарли бўлавермайди, шу сабабли ердаги қуш ҳамиша яқин осмонда учеб юрган турнага нисбатан афзал деган фикр бўлади. Афсуски, прокурорлар ҳам биз яшаётган замонда яшайди, улар ҳам иш бўйича гувохлар, сиёсатчилар ва ОАВ нима дейишшашди бу иш хақида эътиборга олишади, баъзи ҳолатларда улар катта жарима тўлайман деб турган компанияни ишини судга юбориб, кейинчалик шу жаримани бир қисмини ҳам улардан ундира олишмай ишда ютқазиб қўйишлари ҳам мумкин.

Бундан бир неча йиллар олдин Эстонияда жуда катта ҳажмдаги солик тўловларидан бўйин товлашга оид жиноят иши мавжуд бўлган

ва ушбу ишда гумонланувчи сифатида мулк эгаси ва қурилиш компанияси раҳбарлари ўтган. Мазкур жиноят иши қўзғатилгандан кейин компания эгаси жиноят ишини бекор қилиш эвазига барча солик тўловларини ва улар бўйича фоизларни тўлашга рози бўлган. Ундан ташқари, компания давлатдаги барча прокуратура органларининг бир йиллик маблағини 3/1 қисмiga teng бўлган 50 млн. эстон кронаси (3 млн. долларга teng) бўлган пул тўловини ҳам тўлашга рози бўлган. Бироқ прокуратура бу таклифни рад этган, чунки ишбилармонлар жамоатчилигига бу тўғрида маълум миқдорда пул тўлаб жавобгарликдан қутилиб кетиш мумкин деган нотўғри хулоса кетиб қолиши мумкин деб ҳисоблашган. Уч йил давом этган суд жараёнидан кейин, суд прокуратуранинг розилиги билан жиноят ишини ёпган ва айборлардан 4 млн. эстон крони ундириш ҳақида хукм чиқарган. Оқибатда прокуратура нотўғри қарор қабул қилганлиги учун кескин танқид остида қолган.

Яқин даврларгача коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги ўз хусусиятларига кўра асосан англо-амерikan жиноят ҳуқуқи тоифасига кирувчи институт ҳисобланарди. Бироқ кейинги ўн йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўз жиноят конунчилигига мазкур институтни киритиб боришимоқда.

Коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарликка тортиш институтининг жиноят конунчилигига киритишдан мақсад экология ва хўжалик юритиш соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш ҳисобланади, зеро маълум бўлишича компания ва корпорацияларнинг ходимларини индивидуал жавобгарликка тортиш билан улар томонидан етказилган зарарни оз қисмини бўлсада қоплаш имкониятини бермайди ҳамда бу соҳадаги жиноятларни янгидан содир этилишини олдини олмайди.

Коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортиш масаласи бир хил шаклда Европа Кенгаши вазирлар қўмитасининг (88) 18 –сонли Тавсиясида ўз ифодасини топган бўлиб, унда асосан юридик шахсларнинг хўжалик юритиш борасида содир этган ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлиги масаласи келтириб ўтилган. Хусусан, ушбу ҳужжатда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликни ошиши, ўз навбатида хўжалик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ошиб кетиш муаммосини келтириб чиқарди. Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти ташкилотларни хўжалик юритиш борасидаги фаолиятида содир этилиши кўзга ташланаяпди. Ташкилотларни бошқариш тизимини мураккаблиги ва чалкашлиги унда қилмишни содир этган шахсларни аниқлаш ва индивидуал

тартибда жавобгарликка тортишни қийинлаштиради ёки умуман имконсиз қилиб қўяди. Хатто, коррупцион қилмишни содир этган ташкилот ходимини шахси аниқ бўлған ҳолатларда ҳам, у содир этган қилмишга ташкилот юқори мансабдор шахсини алоқаси мавжудлигини аниқлаш жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқаради. Ундан ташқари, мазкур Тавсиявий хужжатда ҳар бир содир этилган коррупцион хукуқбузарлик, ташкилотда ишловчи шахсларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги оқибатида содир этилиб, бу вазият алоҳида қабул қилинган қарорни натижасида келиб чиқсан бўлсада, бу вазият ташкилот раҳбарияти томонидан яратилган муҳитга мувофиқ келади. Бундай ҳолатда хукуқбузарлик содир этган алоҳида шахсга жазо санкциясини кўллаш, афсуски мазкур коррупцион хукуқбузарликларни олдини олишда ва ташкилотнинг бошқарув кенгашининг қарорни ўзгартишга олиб келмайди. Бу ерда коллектив қарор қабул қилиш принциплари ҳам муҳим аҳамиятга эга, жумладан, ҳар доим ҳам акциядорлар умумий йигилиши қарори жисмоний шахсларни жавобгарликка тортишга олиб келмайди.

Коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жиной жавобгарликка тортиш тарафдорлари, ўз фикрларини тўғрилигини қўйидагича асослайдилар:

Коррупцион қилмишларнинг асосий қисми ҳозирги пайтда асосан корпорациялар орқали содир этилишини назарда тутган ҳолда, корпоратив жиноятчиликка қарши курашни энг яхши самарали воситаси, шу корпорацияларга тўғридан тўғри жазолаш санкцияларини кўллашдир;

Жисмоний шахсларни корпорациялардаги хизмат фаолияти давомида содир этган коррупцион қилмиши учун фақат уни жиной жавобгарликка тортиш адолатдан ҳисобланмайди ва бу ҳолат кутилган ижобий натижага олиб келмайди, сабаби ташкилотни битта ходимини жиной жавобгарликка тортиш ва судлаш билан бошқариша йўл қўйилган камчиликлар ўз ўзидан йўқолмайди;

Юридик шахсларни коррупцион қилмишлар учун жавобгарликка тортишнинг бошқа муқобил моделлари (маъмурий, фуқаровий, интизомий ва х.к.) жиноят процессидагидек самара бермайди;

Корпорацияларга коррупцион қилмиш учун солинган жарима миқдори индивиуал шахсга солинган жарима миқдоридан бир неча баробар кўп суммани ташкил этади, шунингдек, корпорацияни жиной жавобгарликка тортилиши ҳолатини ўзи муҳим аҳамиятга эга бўлади (стигма);

Халкаро миқёсда мамлакатлар жиноят иши доирасида жиноятчиларни таъқиб қилишда бир бирига хуқуқий ёрдам беришади, корпорацияларни жиноий фаолияти кўпроқ миллийликдан холи ҳисобланади.

Бу ерда келтириб ўтилган асослар коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш институтининг афзал эканлигидан далолат беради, зеро юридик шахслар бошқарувидаги камчиликлар учун жисмоний шахсларнинг жавобгарлика тортилиши ижтимоий адолат тамойилларига зид келади. Шу муносабат билан, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар техноген характердаги камчиликлар учун, аниқроғи авария ёки баҳтсиз ходисалар учун жисмоний шахсларни жавобгарликка тортишни тарафдорлари эмас. Бу ерда ижтимоий психология механизми ва маъсул шахсларнинг маънавий ҳолати жиноят субъектларини айби тўлиқ исботланмаса уларни жавобгарликка тортишга йўл қўймайди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларни жиноий жавобгарлиги дунё амалиётида ва жавобгарликнинг умумий концепциясида хилма хилдир. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси жиноят хуқуқида бу жавобгарлик моделини ўзига ҳос бўлган йўлни танлаши, уни ўз ҳусусиятидан келиб чиқкан ҳолда белгилаб олиши жамоат ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни кафолатлади.

Юқоридаги фикрлар хилма хиллигидан келиб чиқиб шуни эътироф этиш мумкинки, мазкур монографияни ёзиш баробарида ўрганилган ҳорижий мамлакатларнинг илгор амалиёти ва шу асосда туғилган фикрлар ва таклифлар Ўзбекистон Республикасининг янги концепцияга асосланган Жиноят кодексида алоҳида боб, ёки моддаларда ўз ифодасини топиб, унда коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги фақат алоҳида хавфли, фуқаролар, жамоат ва давлат манфаатлари ҳамда хавфсизлигига жуда кўп микдорда зарар келтирадиган муҳим қилмишлар учун белгиланиши лозим деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси худудида коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги турини ҳорижий мамлакатларда бу борада йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни инобатга олган ҳолда шошилмасдан босқичча босқич амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

## **Таклиф сифатида биз қуийдагиларни тавсия қилган бўлардик:**

Биринчидан, жиноят ҳуқуқига коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги институтини киритишнинг алоҳида йўлини ишлаб чиқиш жоиз;

Иккинчидан, мазкур институт ишлаб чиқилгандан кейин ҳам назаримизда босқичма-босқич амалга киритишни дастлаб қуийдаги соҳаларда жорий этиш мақсадга мувофиқ;

Соғликни сақлаш тизими (дори-дармон ишлаб чиқадиган корхоналардан тортиб, шахсий клиникалар ва аптекаларгача);

Иқтисодиёт ва тадбиркорлик соҳасида (юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ва х.к.);

Таълим соҳаси;

Интеллектуал мулк соҳасида (турли киномаҳсулотлари ва бошқа авторлик ҳуқуклари билан боғлиқ қилмишлар);

Банк ва банк фаолияти билан боғлиқ соҳалар;

Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ соҳалар;

Транспорт соҳаси;

Нефт ва газ маҳсулотлари билан боғлиқ соҳалар;

ва бошқа соҳалар;

Учинчидан, бизнинг фикримизча коррупцион қилмишлар содир этгани учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласини бошқа жавобгарлик тури, масалан фуқаролик-ҳуқуқий тури билан алмаштириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу жавобгарлик тури юридик шахс жиноий жавобгарликка тортилганда ҳам ўз ўзидан юзага келади.

Ва ниҳоят охиргиси, бозор иқтисодиёти амалиёти шундан далолат бермоқдаки, бизнинг моддий, янада кўпроқ процесс уал ҳуқуқларимиз бугунги реал ҳолатга мувофиқ келмайди. Шундай экан, бозор иқтисодий муносабатлари ўз ўзидан Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини янада самардорлигини оширишни, шу жумладан жиноят қонунчилигининг ҳам самараదорлигини оширишни тақоза этади.

## **Ўзбекистон Республикасида коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш истиқболлари**

Юқоридаги қонунчилиги таҳлил этилган мамлакатлар амалиёти ва халқаро-хуқуқий тажриба коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларга тайинланадиган жазо тизимининг ягона рўйҳатини келтириб ўтмайди. Аксариаят мамлакатлар қонунчилигига юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари, турли мамлакатларда турфа хилда эканлигини юқорида кўриб чиқсан эдик. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки кўпчилик мамлакатлар қонунчилигига юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо турларининг энг кўп учрайдиган турларига жарима, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни мусодара қилиш, ёхуд ташкилотни тўлиқ ёки қисман тугатиш каби жазо турлари киради.

Халқаро ташкилотларнинг (масалан, БМТ, Европа Кенгашининг ва XI ва РТларининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенциялари) тегишли конвенцияларида юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари сифатида жарима ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни мусодара қилиш каби жазо турлари тавсия қилинади<sup>1</sup>.

Шундай фикрни халқаро хуқуқий хужжатларда юридик шахсларнинг жавобгарлигини қўллаш механизми тўғрисида ҳам келтириб ўтса бўлади, чунки номи келтириб ўтилган халқаро хужжатларда юридик шахсларнинг қайси коррупцион қилмишлари учун қандай жазо тури қўлланилиши ва қилмишнинг оғирлиги билан жазонинг муқобиллиги мувозанати қандай сақланиши келтириб ўтилмасдан, факат бундай қилмишлар учун умумий талаблар келтириб ўтилган холос. Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилик тизимига коррупцион қилмишлар учун юридик шахслар жавобгарлигини белгилаш масаласи ниҳоятда мунозарали масала ҳисобланади. Масаланинг ғоятда мураккаблиги яна шу билан изоҳланадики, ҳозирги кунда биз таҳлил қилиб чиқсан турли хуқуқ тизимидағи мамлакатлар қонунчилигини бирор тасини наъмуна сифатида ўзбек миллий қонунчилигига модель сифатида қабул қилиб бўлмайди. Чунки бу мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, молиявий ва бошқа ривожланиш даражаси турилича бўлиши билан бир вақтда улардаги сиёсий тизим ҳам ҳар ҳил даражадаги босқичда. Шу сабабли, коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласини миллий қонунчиликка киритишда факат Ўзбекистонга хос бўлган ўз йўлимизни танлашимиз жоиз бўлади. Бунинг учун эса Ўзбекистон Республикасида мавжуд қонунчилик

тизимларини турли йўналишларини таҳлил қилиш асосида, юридик шахслар<sup>1</sup>.

## **Юридик шахсларнинг Жиноий жавобгарлик масаласи**

Жиноий-хуқуқий жазо турларига хорижий мамлакатлар амалиётида ташкилот мол-мулкини мусодара қилишдан тортиб жарима жазосигача бўлган жазо турлари келтириб ўтилган, қизиқарлиси бу жазо турлари ва уларнинг сони турли мамлакатлар хуқуқни қўллаш амалиётида турлича назарда тутилган. Шу билан бирга ҳалқаро ҳуқуқда юридик шахсларга коррупцион қилмишлар содир этганлиги учун фақат жарима жазоси тавсия этилган. Пул эквивалентлигидаги жарима жазоси ҳар доим корпарация ва компанияларни коррупцион қилмишлар учун жавобгарликка тортишда асосий жазо тури сифатида қўлланилиб келинган. Шу муносабат билан юридик шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун тайинланадиган жазо миқдори сифатидаги жарима ҳар доим ҳам содир этилган қилмишнинг хавфлилик ва оғирлик даражасига мувофиқ тарзда тайинланадими деган масала ўз ечимини кутиб турибди. Бу масаланинг ечимини топишда иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз бўлади. Биринчидан, коррупцион қилмишлар учун назарда тутилган жарима жазосини, бошқа мансаб билан боғлиқ жиноятлар учун тайинланадиган жазо тури билан таққослаш мумкин. Чунки коррупцион жиноятларнинг кўпчилик кисми оғир ёки ўта оғир жиноятлар тоифасига кирганлиги учун мазкур жиноятлар учун тайинланадиган жазо тури ҳам порахўрлик, фирибгарлик, ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш каби бошқа коррупцион жиноятлар санкциясидаги жазо турларидан миқдори кам бўлмаслиги лозим. Иккинчидан, юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлар учун жазо тайинлаш масаласини ҳалқаро ташкилотларнинг мазкур қилмишлар учун ўрнатган стандартлари билан таққослаш ҳам жоиз. Бундай ташкилотлар сирасига БМТнинг

---

<sup>1</sup>Каранг: БМТнинг “Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ги Конвенциясининг 26, Европа Кенгаши Конвенциясининг 19, ХИваРТ Конвенциясининг 3-моддалари, жавобгарлиги институти қайси қонунчилик соҳасида энг яхши самара беради, жиноят қонунчилигидами ёки маъмурий, фуқаровий, иқтисодий қонунчилик соҳасидами аниқ белгилаб олишимиз даркор. Куйида биз юкорида ўтказилган таҳдилларимизга суюнган холда ҳар бир қонунчилик соҳаси бўйича алоҳида мулоҳаза юритиб, шу асосда айрим тавсиялар лойиҳасини тақдим этишга уриниб кўрамиз

“Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ти Конвенцияси, Европа Кенгашы Конвенцияси, ХИ ва РТ Конвенциялари ва ГРЕКО хужжатлари киради. Шу билан биргаликда келтириб үтилган халқаро ташкилотларнинг бирортасини ҳам хужжатларида барча давлатлар коррупцияга қарши курашиш тұғрисидаги қонунчилігі учун құллаш мүмкін бўлган универсал жазо турлари назарда тутилмаган бўлсада ҳар қалай маълум бир йўналишлар мавжуд. ХИ ва РТ антикоррупцион тизими ўз хисобатларида мунтазам равишда юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган пул миқдоридаги жарима жазоси йирик халқаро корпорациялар етарли қатпик таъсир үтказадиган даражада бўлиши лозим эди. Масалан, Германия ва Италия мамлакатларида жарима жазосини максимал миқдори 1 млн. евро миқдорида, Словакияда 1,6 млн. евро, Японияда 2.7 млн.еврони ташкил этади. ХИваРТ антикоррупцион тизими ушбу миқдорларни етарли даражада юқори эмаслигини эътироф этиб, бир вақтни ўзида Эстониянинг 16 млн. евро ва Бельгиянинг 10 млн. евро жарима миқдорини эса етарли даражадаги миқдор деб хисоблаган<sup>1</sup>.

Албатта, бизнинг назаримизда Ўзбекистон Республикасида коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларга қўлланиладиган жарима миқдори мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши даражасидан келиб чиқиб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Ҳаддан ташқари йирик жарима миқдори юридик шахсларнинг нормал молиявий ва иқтисодий ахволига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ундан ташқари, йирик миқдордаги жарима ватанимизга кириб келаётган инвесторларни ҳам чўчишиб қўйиши мумкин.<sup>1</sup>

Юқорида қонунчилігі таҳлил қилинган мамлакатларнинг қўччилиги амалиётида коррупцион қилмишлар содир этганлиги учун юридик шахсларга мол-мулкини мусодара қилиш жазоси ҳам кенг қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида эса мазкур қўшимча жазо тури Ўзбекистон Республикасининг 29 август 2001 йилдаги “Жиноят жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процесс суал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодексига ўзgartиши ва қўшимчалар киритиш тұғрисида”ги қонуни билан амалдаги ЖҚдан чиқаруб ташланган эди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Қаранг: Пит 2014, стр. 243; и ОЭСР 2013, Антикоррупционные реформы в странах Восточной Европы и Центральной Азии, стр. 65.

Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарори билан хукуқшунос олимлардан иборат ишчи гурухи шакллантирилиб, улар янги таҳрирдаги жиноят ва жиноят-процессуал кодекслари лойиҳаси устида фаолият олиб боришмоқда, эҳтимол янги таҳрирдаги ЖҚда мусодара жазоси масаласи қайтадан кўриб чиқилар, чунки республикамиз хукуқий доираларида ҳам ушбу масала мұхокама қилиниб келмоқда. Ҳозирча эса мусодара масаласига эҳтиёт бўлиб ёндашиш жоиз деб ўйлаймиз. Шунга қарамасдан ўзбек хукуқшунослари орасида мол-мулкни мусодара қилиш институти ҳақида ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён қилган олимлар ҳам мавжуд эканлигини эътироф этиш жоиз<sup>1</sup>. Мазкур масала юзасидан хукуқшунос олим Неъматовнинг коррупцион қилмишлар содир этганлиги учун юридик шахсларга кенгайтирилган мусодара жазоси кириши ҳақидаги фикрлари эътиборга лойиқ деб ўйлаймиз, чунки юридик шахсни мулкига нисбатан коррупцион қилмишлар учун кенгайтирилган мусодара жазоси қўллашда шу мулк жиноий фаолият натижасида олинганлиги ҳолатини исботлаш маълум даражада қийинчиллик туғдириши аниқ. Нима бўлганда ҳам мол-мулкни мусодара қилиш институтини жорий этишни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиниб кейингина уни жорий этиш масаласини ўйлаб кўриш лозим<sup>1</sup>.

Агарда, коррупцион қилмиш содир этган юридик шахс жиноий жавобгарликка тортилганга қадар фаолияти тугалланган бўлса, унга тайинланадиган жазо тури унинг хукуқий вориси ҳисобланган юридик шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин, бундай амалиётни биз юқорида Латвия Республикаси қонунчилиги мисолида кўриб чиққан эдик.

Назаримизда коррупцион қилмиш содир этганлиги учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги учун қўлланиладиган жазо тизимини худди амалдаги Ўзбекистон Республикасининг ЖҚдагидек асосий ва қўшимча жазо турларига ажратиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят қонунида асосий ва қўшимча жазолар назарда тутилган бўлиб, Б.М. Леонтьевнинг фикрига кўра “Асосий жазо- фақат ўзи қўлланиладиган, бошқа жазоларни тўлдириш учун ёки улар билан

---

<sup>1</sup> Қаранг: Неъматов Перспективы внедрения ответственности юридических лиц за коррупцию в Узбекистане. –Т. 2018, 157с. стр.36

бирга қўлланиши мумкин бўлмаган, жазонинг асосий мақсадини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жазодир. Кўшимча жазо - бу жазонинг мақсадини амалга ошириш учун ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган жазодир. Кўшимча жазо алоҳида қўлланиши мумкин эмас, у факат асосий жазога қўшимча равишда қўлланилади”. Кўшимча жазо қўйидаги белгиларга эга: 1) алоҳида жазо чораси сифатида қўлланилиши мумкин эмаслиги; 2) асосий жазога кўшиб қўлланилиши мумкинлиги; 3) жазонинг мақсадига эришишга кўмаклашади. Г.А.Кригер ва Г.Д.Кригерларнинг хукукий адабиётларида асосий жазонинг функцияси – жиноятчими тўғри йўлга қайтариш, қўшимча жазонинг функцияси эса- қайта тарбиялашдан иборат деб ҳисоблайдилар.

Юқорида баён этилганларни инобатга олиб биз коррупцион қилмишлар содир этганилиги учун юридик шахсларга нисбатан қўйидаги асосий жиноий жазо турларини қўллашни таклиф этган бўлар эдик:

-жарима;

-юридик шахсни тугатиш ёки бошқа юридик шахсга қўшиб юбориши.

Юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган қўшимча жиноий жазо турлари сифатида эса қўйидаги иккита жазо турини содир этилган коррупцион қилмишнинг ижтимоий хавфлиги хусусиятидан келиб чиқиб танлаб тайинлаш тавсия этилади:

-кенгайтирилган мол-мулк мусодараси;

-юридик шахсни фаолиятини чеклаш;

### **Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлик масаласи**

Юқорида келтириб ўтилган бошқа мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки коррупцион қилмишлар содир этганилиги учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигидан ташқари бир қатор мамлакатларда бу қилмиш учун юридик шахсларга маъмурий жавобгарлик ҳам назарда тутилганлиги ҳолатларига ҳам гувоҳ бўлдик. Бироқ бундай мамлакатлар сони коррупцион қилмишлар содир этганилиги учун юридик шахсларни жиноий жавобгарлиги назарда тутилган мамлакатларга нисбатан анча кам эканлигини эътироф этишимиз жоиз. Одатда коррупцион қилмиш содир этган юридик шахслар учун асосан кўпчилик мамлакатларда жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ундан ташқари, юридик шахслар содир этган коррупцион қилмишлари учун маъмурий тартибдаги таъсир чоралари қўлланилаётган мисоллар ҳам анчагина.

Кўлланилаётган бундай маъмурий таъсир чоралари хақида ҳуқуқшунос олим Нематов ҳам ўз рисоласида тўхталиб ўтган<sup>1</sup>. Бундай ҳолатларни айримлари тўғрисида биз ҳам тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва улар қўйидагилар:

1. маҳсус қонунчилик нормаларига кўра рухсатнома, лицензия, концессия ва бошқа ҳуқуқлар бериш ваколатини назарда тутувчи ҳуқуқларни таъкиқловчи қоидалар, улар алоҳида қонун ҳужжатларга асосан тартибга солинади;
2. давлат савдо сотик, давлат харидларида иштирок этиш учун шартномалар тузиш ва давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги келишувларда қатнашишга қўйиладиган чекловлар;
3. янги юридик шахс тузишга қўйиладиган таъкиклар;
4. субсидиялар ва имтиёзли кредитлардан фойдаланишга қўйилган таъкиклар;
5. алоҳида қонун ҳужжатларга асосан тартибга солинадиган рухсатнома, лицензия, концессия ва бошқа ҳуқуқлар бериш ваколатини назарда тутувчи ҳуқуқларни бекор қилувчи қоидалар;
6. айрим фаолият турларини амалга оширишга қўйиладиган вақтингчалик ёки доимий таъкик;
7. юридик шахсларга алоҳида фаолият тури билан шуғулланганлиги учун қўлланиладиган айрим санкциялар.

Коррупцион қилмиш содир этганлиги учун юридик шахсларга айрим фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини чеклаш айрим мамлакатларда кенг тарқалган амалиёт турларидан бири ҳисобланади. Масалан, бундай чекловлар айрим Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари амалиётида мавжуд. Ундан ёки бундай кўринишда бу амалиёт Болгария, Эстония, Россия ва Украина қонунчилигидан ташқари бошқа мамлакатлар амалиётида мавжуд. Юқорида келтириб ўтган маъмурий таъсир чораларининг рўйҳатининг етпинчисидаги асос, яъни юридик шахсларга алоҳида фаолият тури билан шуғулланганлиги учун қўлланиладиган айрим санкциялар Македония Республикаси қонунчилик амалиётида алоҳида қўлланиладиган санкциялар кўринишида ўз ифодасини топган. Давлат харидларида қатнашиш ҳуқуқини чеклаш чораси эса Латвия ва Руминия қонунчилигига мустахкамлаб қўйилган. Турли хил кредитлар, субсидиялар ва ҳ.к. олишида давлат томонидан қўйиладиган таъкик Хорватия ва Латвия қонунчилигига, шунингдек лицензия ва

---

<sup>1</sup> Қаранг: Нематовнинг юқоридаги китоби 42 бет

турли рухсатномалар олишга ва ҳ.к. олишга қўйиладиган таъкиқ Босния ва Герцоговина, Хорватия, Латвия, Черногория ва Словения каби мамлакатлар қонунчилигига белгилаб қўйилган.

Кўпгина мамлакатлар қонунчилик амалиётида бундай чекловлар ҳар доим ҳам эмас, балки маълум бир вазият юзага келгандагина қўлланилади. Масалан, Македония Республикаси қонунчилигига коррупцион қўлмишлар содир этганлиги учун юридик шахсларга судлар бир ёки бир неча қўшимча жазо турларини қўллаши мумкин, қачонки юридик шахслар ўз фоалиятида бир неча бор суистеъмол қилиш ҳолатига йўл қўйса, шунингдек келажакда бундай суистеъмол ҳолати яна такрорланиши мумкин деб ҳисобланаса.

Айрим мамлакатлар қонунчилигига эса юқорида келтириб ўтилган чекловлар жиноий санкциялар ҳисобланмайди ҳам, уларга маъмурий-хукукий актларда назарда тутилган айблов хукмининг оқибати сифатида қаралади. Масалан, Болгариянинг Давлат харидлари тўғрисидаги қонунида, ҳар бир тендерда қатнашаётган юридик шахс порахўрлик ва бошқа жиноятлар учун жавобгарликка тортилмаганлиги ҳақида декларацияни тендер комиссиясига тақдим этиши шарт. Ушбу қонун шунингдек, яна давлат харидларида хорижий жисмоний ва юридик шахсларга улар илгари ўзлари рўйхатдан ўтган мамлакатда порахўрлик ва бошқа мансабдорлик жиноятларида айбланган бўлса ҳам тендерда иштирок этишини таъкилайди. Шунга қарамасдан, тендер комиссияси, тендерда қатнашишга ариза берган юридик шахсларни фаолиятини бошқа идоралардан олинган маълумотлар асосида комплекс эксперизадан ўтказиб туради. Агарда тендерда қатнашаётган бирор иштирокчи ўз аризасида сохта ёки текширилмаган маълумотларни тақдим этса ва бу ҳолат тендер комиссияси томонидан аниқланиб исботланса, бундай ариза берган иштирокчи давлат харидлари тизимидан чиқариб ташланади1. Бундай тенденция кўпгина англо-саксон, роман-герман хукуқ тизимиға кирувчи мамлакатлар юридик амалиётида ҳам учрайди. Афсуски кўпгина компания, корпорациялар давлат харидлари ўтказиладиган тендерларда қатнашиш учун айрим ҳолатларда ҳужжатларни сохталаштириш, ўзлари ҳақида ёлғон маълумотлар тақдим этиш каби чоралардан ҳам қайтишмайди, чунки бундай юридик шахслар ҳар доим давлат харидлари юзасидан ўтказиладиган тендерларда ёлланган ваколатли давлат органлари катта микдордаги маблағ ажратишини ва бундай тендерлар катта микдордаги лойиҳалар ёки буюртмалар асосида шаклланишини яхши

билишади ва ундан имкони борича унумли фойдаланишга ҳаракат қилишади.

2018 йил 9 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунида миллий даражада биринчи марта тендер тушунчаси очиб берилган, хусусан ушбу қонунинг 58-моддасида (тендер тушунчаси) “Тендер деганда давлат харидини икки босқичда амалга оширишнинг рақобатли тартиб-таомили орқали ижрочини аниқлаш усули тушунилади. Бунда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ушбу тартиб-таомил напижалари бўйича ғолиб деб топилади” деб белгиланган<sup>1</sup>.

Эстониянинг давлат харидлари тўғрисидаги қонуни давлат харидларини ўтказишга ёлланган орган давлат харидлари бўйича шартнома имзоламайди, агарда тендерда қатнашаётган ёки номзод жисмоний ва юридик шахс илгари порахўрлик жинояти бўйича ёхуд жиноий йўл билан топилган маблағни легаллаштириш ёки солиқ қонунчилигини бузганлиги учун айборд деб топилган бўлса дейилган<sup>1</sup>. Худди шунга ўхаш қоидалар Латвия, Литва, Словения ва Украина қонунчилигига ҳам мавжуд<sup>2</sup> бўлиб, бу ҳолат мазкур мамлакатлар юридик шахслари порахўрлик ва бошқа суюистеъмолчилик жиноятларида айланган бўлсалар, уларга нисбатан жиноят ва маъмурий ҳукуқ нуқтаи назаридан чеклашлар қўлланилиши мумкин эканлиги белгилаб қўйилган.

Маъмурий таъсир чораларининг устунлиги шундай ҳолатлар билан ҳам ўз тасдиғини топадики, унга кўра коррупцион қилмишни содир этишда айборд деб топилган барча айборларга қўлланиладиган санкциялар бир хил даражада жиноят ишини юритиш доирасида қўлланиладиган қўшимча жазо ёки хавфсизлик чоралари,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Закон Болгарии о государственных закупках, особенно статьи 47, 48, 68 и 69. Также заявители на страхование экспортных кредитов должны заполнить антикоррупционную декларацию, а должностные лица Агентства Болгарии по страхованию экспорта проводят due diligence экспертизу в процессе предоставления страхового покрытия. Если будет выявлено, что заявитель представил недостоверную информацию либо что он числится в одном из запретных списков Группы Всемирного банка, Африканского банка развития, Азиатского банка развития, Европейского банка реконструкции и развития и Межамериканского банка развития, заявка на страховое покрытие должна быть отклонена. См. ответы Болгарии на вопросник, вопрос 11.2.

дискредицион чоралар ҳисобланиб, уларни қўллаш учун маълум бир шарт-шароитлар вужудга келиши лозим.

Шу билан бирга эътироф этиш жоизки, коррупцион ҳуққузарликлар учун юридик шахсларга тайинланадиган маъмурий жазо, шу иш юзасидан айбдор бўлган жисмоний шахсни маъмурий жавобгаргарликка тортишни истисно этмайди. Бу ерда юридик шахс томонидан содир этилган маъмурий ҳуққузарлик бевосита жисмоний шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари билан бевосита сабабий боғланишда эканлиги аниқланиши лозим<sup>1</sup>.

Бизнинг фикримизча, юқорида келтириб ўтилган хорижий мамлакатлар амалиётини кўр-кўёна тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритиш мақсадга мувофиқ эмас, коррупцион қилмиш содир этган юридик шахсларга нисбатан факат жиноят қонунчилигига шундай шахслар учун назарда тутилган қонунчилик нормаларини қўллашнинг ўзи кифоя.<sup>2</sup>

### **Юридик шахсларнинг фуқаровий жавобгарлик масаласи**

Биз юқоридаги бобларда юридик шахслар тушунчасини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 4-боб, 39-моддасидаги таҳририни келтириб ўтиб, унинг зарурый белгилари ва элементлари ҳақида батафсил мулоҳаза юритган эдик. Хозир эса шу бобларда эътироф этилган Америка Кўшма Штатлари қонунчилигига назарда тутилган фуқаровий таъсир чораларини, яъни фуқаровий жаримани, бирорта Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари фуқаровий тартибда қўлланиладиган жарималар тизими сифатида қабул қилмаган. Жиноят ёки коррупцияга қарши кураш нуқай назаридан фуқаровий жавобгарлик жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашнинг бир чораси сифатида қаралиб келинган. Республикамиз қонунчилиги талабларига кўра, жиноят натижасида моддий ёки маънавий зарар кўрган жабрланувчи тараф шу зарарни ундириш ҳақида бевосита жиноят ишини кўраётган жиноят судига ёки бўлмаса кейинчалик фуқаролик судига бу ҳақда фуқаролик тартибida мурожаат қилиши мумкин. Айрим ҳолатларда албатта коррупцион жиноятларда жабрланувчи томонга етказилган зарарни аниқ

---

<sup>1</sup> Қаранг: Эстониянинг давлат харидлари тўғрисидаги қонунининг 38-моддаси.

<sup>2</sup> Қаранг: Украинанинг 2014 йилда қабул қилган Коррупцияни олдини олиш тўғрисидаги қонунининг 17-моддаси.

микдорини аниклаш бироз қийинчилеклар тұғдириши мүмкін, гарчанд барча Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларида етказилған заарни қоплаш ҳақида судга даво аризаси билан мурожаат қилиш амалиёті йўлга қўйилган.

Шунга қарамасдан бу масалада ҳам турли мамлакатлар қонунчилигида ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Масалан, Черногория мамлакати қонунчилигида алоҳида мажбуриятлар тўғрисидаги қонун мавжуд бўлиб, унда коррупцион қилмиш натижасида заар тўрган тараф бу ҳақда алоҳида даво аризаси киритиш имкониятини назарда тутадиган қоидага кўра бундай ариза билан мурожаат қилган шахсга етказилған заар миқдори тўлиқ қопланиши лозим. Шунингдек, кўпгина юкорида биз кўриб чиқсан мамлакатлар қонунчилигида фуқаролик суди ҳам фаолияти қонунчилик талабларига зид келадиган юридик шахслар фаолиятини тугатиш ҳақида қарор қабул қилишлари ҳам мүмкін.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги фуқаролик жарималари ва зўрлик билан заарни қоплаш амалиётини тан олмайди. Шу боис ҳам, назаримизда коррупцион қилмишлар содир этганлиги учун юридик шахсларга фуқаролик тартибида жаримага тортиш ёки бошқа мажбурий компенсация чораларини назарда тутиш мақсадга мувофиқ эмас деб ўйлаймиз.

## Х У Л О С А

Юқорида мұхқама этилган англо-саксон, роман герман хуқуқ оиласига кирадиган, ҳамда шарқий европа ва МДҲ мамлакатлари юридик шахсларининг жиноий жавобгарлиги юзасидан ўтказилған тадқиқотлар натижалари, қўйилаётган вазифалар ва мақсадларни, айрим хulosаларни шакллантиришга асос беради. Хорижий мамлакатлар қонунчилигига мавжуд юридик шахсларнинг (корпорация, компания, ташкилот ва ҳ.к.) жиноий жавобгарлиги институтларининг таҳлили, назаримизда албатта Ўзбекистон Республикаси хуқуқий фанлари ривожланиши учун фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

Хориж мамлакатларида юридик шахсларни жиноий жавобгарлиска тортишнинг кўп йиллик тажрибаси мамлакатимиз жиноят хуқуқий фани учун муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бу ўрганишлар Ўзбекистоннинг ўз қонунчилик базасини ва хуқуқ қўллаш амалиётини хориж давлатлар олимлари олиб борган тадқиқотлар ва уларнинг натижасида қилинган асосли илмий хulosалар асосида тартибга солиши имкониятини беради.

Халкаро амалиёт таҳлили шундан далолат бермоқдаки, Ўзбекистон Республикаси ўз миллий қонунчилик тизимиға коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласини киритишда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 27-моддаси (Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар учун жавобгарлик) талабларига ҳам амал қилиши лозим, чунки мазкур қонунда юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлар учун жавобгарлиги қонунда ўрнатилған тартибда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларда белгиланған тартибда амалга оширилиши жоиз. Ҳозирги пайтда бундай халқаро шартномалар доирасига ИР ва ҲТнинг халқаро тијорат келишувларида хорижий мансабдор шахсларни сотиб олишга қарши курашиш тўғрисидаги, Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, БМТнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конвенциялари, ҳамда илгор хорижий тажрибалар киради.

Бу таҳлил натижалари юзасидан шундай хulosага қилиш мүмкінки, унга кўра жамоавий жиноятлар содир этганлик учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги субъектлари сифатида факат маълум доирадаги ташкилотлар эътироф этилиб, давлат

органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари улар сирасига кирмайди. Жамоавий ташкилотлар ҳуқуқбузарликлар унинг ходимларининг ёки аъзоларининг ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи қилмишларида ўз ифодасини топади.

Фикримизча, юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлар учун жавобгарлиги масаласида кўпроқ устунлик юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига қаратилади, чунки факат жиноий жавобгарликкина бошқа жавобгарлик турларидан фарқли ўлароқ юридик шахслар фаолиятини тўла, объектив тартибда тергов қилиниши ва судда кўриб чиқилишини таъминлаш билан бир вақтда юридик шахсларнинг ҳар хил ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни содир этишдан тийиб турувчи чора сифатида кафолат бера олади.

Шунингдек, коррупцион қилмишлари учун юридик шахсларнинг факат ўзлари содир этганлик қисми билангина жиноий жавобгараликка тортиш билан чекланмасдан, балки унинг манфаатлари ёки бошқа компания манфаатлари ёхуд шу юридик шахс фаолияти билан боғлиқ бошқа шахслар манфаатлари йўлида қилмиш содир этгани унинг масъул ходимларининг ҳаракатлари учун ҳам жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиши жоизdir.

Ундан ташқари, юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлар содир этганлиги учун жавобгарлиги масаласини моддий ва процессуал ҳуқуқ доирасида автоном тарзда таъминлаш масаласи ҳам муҳим хисобланади. Бу ерда жиноят содир этган шахсни (бажарувчи) аниқлаш, унга нисбатан жиноий таъқибни амалга ошириш ва одил судловга тақдим этиш юридик шахсни жавобгарликка тортишнинг зарурый шарти сифатида қаралмаслиги лозим, зеро бундай талаб содир этилган қилмишда айбдор бўлган жисмоний шахс аниқланмаган, бажарувчи турли сабаб билан жавобгарликка тортилмай қолган ёки бир гуруҳ шахслар жамоавий айбдор бўлган ёхуд жисмоний шахс-бажарувчи бошқа сабаблар билан жавобгарликка тортилмай қолган ҳолатларда юридик шахсларни жавобгарликка тортишни имконсиз қилиб қўяди. Шу билан бир вақтда юридик шахс билан жисмоний шахснинг устидан олиб борилаётган жиноий таъқибга битта умумий талаб қўйилиши, бир иш доирасида тергов қилиниши ва судга оширилиши ишни янада муроккаблаштириб юбориши мумкин. Шу боис, коррупцион қилмиш содир этган юридик шахсга нисбатан алоҳида жиноий таъқибни амалга ошириш, тергов қилиш ва айбдор деб топиб тегишли жазо тайинлаш, жисмоний шахс-бажарувчига нисбатан юритилган жиноят иши бўйича қандай процессуал қарор қабул қилинишидан қатби назар амалга оширилиши

мақсадга мувофиқ бўлади. Юридик шахсга нисбатан шундай алоҳида, автоном суроштирувни амалга ошириш доирасида барча тергов услубларини қўллаш имконияти яратилиши жоиз.

Ундан ташқари, айрим хорижий мамлакатлар амалиётида мавжуд бўлган жавобгарликдан қочиш учун сабаб бўлган юридик шахсларнинг бир биридан ажратиш, бошқаси билан қўшиш каби ҳаракатлар жавобгарликдан бўйин товлашга олиб келмаслиги лозим. Бунга йўл қўймаслик учун турли жиноий таъкиб доирасида қўлланиладиган турли жавобгарликдан бўйин товлашга йўл қўймасликни тъминлайдиган тергов услубларини қўллаш яхши самара бериши мумкин. Бундай услубларга фаолияти ажратилган ёхуд қўшилган юридик шахсни қонунга хилоф ҳаракатлари учун, унинг ўрнига хукуқий ворис сифатида тан олинган бошқа юридик шахс учун ҳам жавобгарликни белгилаш лозим.

Назаримизда, коррупцион қилмишлар содир этганлиги учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласида, бундай шахслар учун қилмишининг оғирлиги даражасига мос келадиган ва бундай шахсларни келажакда яна қилмиш содир этишдан тийиб турадиган пул миқдори билан ўлчанадиган санкцияларни қўллаш масаласини ҳам ўйлаб қўриш керак. Бу ерда катта компанияларга нисбатан қўпроқ юқори миқдордаги жарима тайинлаш ва у ноқонуний олинган фойда миқдорига (масалан, олинган фойда ёки пора миқдори) мос келиши ҳам муҳим.

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, қонун чиқарувчи юридик шахсларни коррупцион қилмишлар учун жавобгарлиги доирасини, уларга белгиланган жазо турлари ва миқдорини аниқ белгилаш билан бир вақтда, суд, прокуратура ва бошқа хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини ҳам билим даражасини мунатазам ошириб бормоғи лозим, чунки бу янги институт Ўзбекистон қонунчилигига кириб келадиган бўлса, унга нисбатан жиноий таъқибни, тергов ҳаракатлари ва услубларини, шунингдек одил судловни амалга ошириш принципларини мукаммал ўзлаштириш даркор бўлади.

Юридик шахсларнинг хукуқка хилоф ҳаракатлари муаммолари фавқулодда қийин ва мунаzarали масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Кейинги ўн йилларда инсонийлик жамияти техниканинг мисли кўрилмаган тарзда жадал ривожланиб бораётган бир пайтда, турли ривожланган давлатларда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи мунатазам ва барқарор муҳокама қилиниб, унда юридик шахсларнинг шахс томонидан давлат ва жамият манбаатларига зарар етказганлик ҳолати бўйича жавобгарлик масаласини кун тартибига

кўймоқда. Бугунги кун ўзбек жамиятида шахс, унинг хукуқ эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилиши, иқтисодиётни жадал ривожланиши ва жамиятда тадбирокорлик фаолиятини нуфузи ўсиб бораётган ва бу муҳим мезонлар хукукий ҳимоя қилинаётган бир вақтда, Ўзбекистон миллий қонунчилигига юридик шахсларнинг жиноий жавобгарликнинг маҳсус субъектлари сифатидаги жавобгарлиги инситутини киритиш давр талаби ҳам ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ти Қарори талаблари асосида янгидан қабул қилиниши купилаётган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят кодексида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ва уларга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари тўғрисидаги алоҳида бобнинг киритилиши айни муддао бўларди.

## А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қҚонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январь.
2. Қодиров Р. Қонун олдидা барча баробар. // «Халқ сўзи» 2005 йил, 22 апрель.
3. Назаров К., Гарб фалсафаси. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2004.
4. Антонова Е.Ю. Уголовная ответственность юридических лиц: монография / под ред. проф. А.И. Коробеева. Владивосток, 2010. С. 164.
5. Антонова Е.Ю. Юридическое лицо как субъект преступления: опыт зарубежных стран и перспективы применения в России. М., 2003.
6. АҚШ Федерал Олий судининг 1909 йилдаги New York Cent&H.R.R.V. United States 212 U.S/ 481, 29S.ct. 304,53 L.Td. 613иши.
7. Брославский Л. Ответственность за экологические преступления в США // Законность. - 2007. - № 10. - С. 60...
8. Волженкин Б.В. Уголовная ответственность юридических лиц. - СПб., 1998.
9. Демин С. Г. Пределы уголовной ответственности юридических лиц в России. Дисс. канд. юрид. н. Ставрополь, 2014.
- 10.Крылова Н.Е. Основные черты нового Уголовного кодекса Франции. - М., 1996. - С. 53.
- 11.Кабилова С.А., Заман Ш.Х. Становление и развитие уголовного права зарубежных стран. - Муром, 2004. - С. 43
- 12.Курс уголовного права. Учение о преступлении / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, И.М. Тяжковой. - М., 2002. - Том 1. - С. 88.
- 13.Меньших А.А. Охрана окружающей среды во Франции. Уголовно-правовые аспекты // Журнал российского права. 2000. № 10. С. 143 - 144..
- 14.Минин Р.В. Корпоративная уголовная ответственность.-Тюмень, изд. ТГУ, 2016 г.–С.-7.
- 15.Михеев Р.И., Корчагин А.Г., Шевченко А.С. Уголовная ответственность юридических лиц: за и против. - Владивосток, 1999. - С. 12.
- 16.Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. - М., 2002. - С. 138.
- 17.Никифоров Б.С., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. - М., 1990. - С. 144.
- 18.Ситковский И.В. Проблемы ответственности юридических лиц в уголовном законодательстве // Уголовное право. 2002. №4. С. 44.
- 19.Трикоз Е.Н. Эволюция системы источников и основных институтов уголовного права Австралии в 19-20 вв.: Дисс... канд. юрид. наук: 12.00.01. - М , 2002. -С . 103.

- 20.Уголовное право зарубежных государств. Общая часть / Под ред. И.Д. Козочкина. - М., 2003.-С. 46.
- 21.Уголовное право зарубежных государств. Общая часть / Под ред. И.Д. Козочкина. - М., 2003. - С. 145.
- 22.Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридических лиц: Дисс. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. - М, 2003. - С. 87.
- 23.Сборник законодательных актов / Под ред.А.Н. Игнатова и И.Д. Козочкина. - М., 1990. - С. 94-95.
- 24.Уголовный кодекс Австралии 1995 г. / Научн. ред. И.Д. Козочкин, Е.Н. Трикоз. - СПб., 2002.-С. 91.
- 25.Уголовный кодекс Австралии 1995 г. / Научн. ред. И.Д. Козочкин, Е.Н. Трикоз. - СПб., 2002.-С. 91.
- 26.Уголовный кодекс Австралии 1995 г. / Научн. ред. И.Д. Козочкин, Е.Н. Трикоз. СПб., 2002. - С. 89.
- 27.Уголовный кодекс Австралии 1995 г.//науч. Ред. И.Д.Козочкин, Е.Н. Трикоз. –СПб., 2002. –С.89.
- 28.Уголовный кодекс ФРГ / Пер. с нем. - М.: ИКД «Зерцало». - М., 2001. - С. 55.
- 29.Франция Жиноят кодекси. СПб., 2003.
- 30.Уголовный кодекс Голландии / Науч. ред. проф. Б.В. Волженкин. - СПб, 2001. - С. 55..
- 31.Хайне Г. Коллективная уголовная ответственность // Право и политика. - 2001. - №7. -С. 50.
- 32.Тарбагаев А.Н. Введение в уголовное право Нидерландов: основные институты общей части. - Красноярск, 2001. - С. 29.
- 33.Шумилов В.М. Введение в систему публичного права ФРГ // Право и политика. - 2001.-№10.-С. 28.
- 34.Нидерландияда корпорацияларнинг жавобгарлиги факат иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга татбиқ этилган, 1976 йилда Нидерландия ЖКга умумий киритилган хукуқ тарзида кирган.
- 35.<http://www.tagesschau.de/wirtschaft/bussgeldpirerer100.html>
- 36.<http://www.dengi-info.com/archive/article.php?aid=71>
- 37.<http://www.russinla.com/common/ars/story.php/4750>
- 38.Friedman L. In defense of corporate criminal liability || (2000) 23 Harvard Journal of Law and Public Policy 833–859.
- 39.Cowan A., «Scarlet letters for corporations? Punishment by publicity under the new sentencing guidelines» (1992) 65 Southern California Law Review 2387 - 2393; Saltzburg S. A. «The control of criminal conduct in organizations»(1991) 71 Boston University Law Review 421 - 427.

## М У Н Д А Р И Ж А

1. Кириш.....	3-5
I-БҮЛİM. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
1.1. Юридик шахсларнинг жинои жавобгарлиги тарихи.....	6-19
II-БҮЛİM. АНГЛО-САКСОН ВА РОМАН-ГЕРМАН (КОНТИНЕНТАЛ) ҲУҚУҚ ТИЗИМИГА КИРУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ КОРРУПЦИОН ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИ.....	20
2.1. Англо-саксон ва роман-герман ҳуқуқ оиласига киравчи мамлакатларда коррупцион жиноятлар учун юридик шахсларнинг жинои жавобгарлигининг умумий масалалари.....	20-39
а. Буюк Британия.....	40-44
б. Америка Қўшма Штатлари.....	45-50
в. Австралия.....	51-53
2.2. Юридик шахсларнинг жавобгарлигининг роман-герман (континентал) ҳуқуқ тизимидағи хусусиятлари.....	54
а. Франция.....	54-60
б. Голландия.....	60-62
в. Нидерландия Қироллигি.....	62-66
г. Германия Федератив Республикаси.....	66-68
III-БҮЛİM. ШАРҚИЙ ЕВРОПА ВА МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ ЖАВОБГАРЛИГИНИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	68
3.1. Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жавобгарликни белгиловчи моделлари.....	68-74
3.2. Юридик шахсларнинг жавобгарлигини келтириб чиқарувчи шахсларнинг ҳаракатлари таҳлили.....	74-82
3.3. Юридик шахс билан унинг вакили хулк-авторидаги ўзаро алоқадорлик.....	83-95
3.4. Юридик шахсларнинг жавобгарлигини қўллаш соҳалари....	95-134
3.5. Антикоррупцион тизимга аъзо мамалакатларда прокуратуранинг ихтиёрий ваколатлари мавжудлиги.....	134-142
Ўзбекистон Республикасида коррупцион қилмишлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш истиқболлари.....	143-151
Хулоса.....	152-155
Адабиётлар рўйхати.....	156-157
Мундарижа.....	158

Ғ. А. АЛИМОВ

**ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ КОРРУПЦИОН  
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИГИНИ  
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТИЗИМИ**

Босишга рухсат этилди 08.07.19.

Қоғоз бичими 60x84 1/16.

Ҳажми 10,0. б.т. Адади 100 нусха.

«KOMRON PRESS» МЧЖ босмахонасида

офтест усулида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Жангоҳ кўчаси, 12/14.